



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

*Янги таҳрирдаги Ўзбекистон
Республикаси Конституциясига
бағишланган махсус сон*



ОДИЛЛИК ВА ОДДИЙЛИК

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташаббуси билан “Ибрат мактаби” туркумида узоқ йиллар самарали фаолият юритган фахрий судьяларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида китоблар чоп этиб келинмоқда.



Конституция байрами арафасида ушбу туркумдаги “Одиллик ва оддийлик саодати” номли яна бир китоб нашрдан чиқди. 2023 йил 6 декабрь куни бўлиб ўтган мазкур китоб тақдиротида сўзга чиққанлар китобда салкам чорак аср Конституциявий судда (3 йил судья, 13 йил раис ўрибосари, 7 йил раис сифатида) фаолият кўрсатган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Бахтиёр Мирбобоевнинг осон кечмаган ҳаёт йўли, у киши ҳақида ўқилмаган ҳақиқатлар, тўқилмаган афсоналар ўзига хос услубда баён қилинганлигини айтишганда беихтиёр китобни ўқишга бўлган қизиқишимиз ортди.

Китобни ўқиш давомида билдикки, улар ўз соҳаларида анча юқори чўққиларни забт этган бўлсаларда устоз бутун умр камтаринлик ва камсуқумликни қанда қилмаган эканлар. Айниқса, уларнинг

хат-ҳужжатларга ўта пишиқлиги, интизом деганда “ҳеч кимни танимайдиган”, ташаббускорлиги баробарида моҳир ижрочилиги устозимизнинг барча ютуқларининг асосий калити бўлган бўлса керак.

Ҳақиқатдан ҳам мана шу фазилатлар орқали бу йил етмиш еттинчи баҳорини кузатиб, етмиш саккизинчисини хотиржам кутаётган устозимиз Бахтиёр Мирбобоев оддий дурадгорликдан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раислигигача бўлган йўлни босиб ўтган экан. Бу вақт оралигида улар Тошкент давлат университетида лаборант, Фалсафа ва ҳуқуқ институтида аввал кичик, сўнг катта илмий ходим, Тошкент давлат юридик институтида катта ўқитувчи, декан, проректор, Адлия вазири ўринбосари лавозимларида ишлаб, бир муддат Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг давлат маслаҳатчиси сифатида ҳам фаолият кўрсатган.

Китобда қайд этилганидек, ҳурмату иззати жойига қўйилиб, нафақага кузатилганига бир-икки йилча бўлиб, айна пайтда, оёқ-қўлини бемалол ёзиб ўтириш имконияти насиб этганига шукр қилиб юрганлари, амалда бўлган вақтлари остонасидан аримаган инсонларнинг айримлари йўқлаб келса – хурсанд, келмаганларидан эса гинаси йўқ, эканлиги, албатта, таҳсинга сазовордир. Бу ҳолатни ҳамма ҳам ҳазм қила олмайди. Мазкур ҳолатни кўтариш учун одамдан чуқур билим ва дунёқараш талаб этилади.

Тартиб-интизомни ишда ва ҳаётда мудом устун қўйишнинг қийин томонлари ҳам бисёр. Боиси, бундай одам ҳаммагаям ёқавермайди. Ундай инсонларнинг душмани ҳар қаерда топилади. Лекин, шундай бўлса-да устозимиз ҳаётлари давомида бировга ёқиш ёки “юқоридан очко олиш” учун на хушомадгўйлик, на ялтоқланиш йўлидан юрмаган эканлар.



САОДАТИ ҲАҚИДА КИТОБ

Асалнинг ози ширин бўлгани, тузнинг меъёри таомни лаззатли қилгани каби гўзал фазилатларни ўзига ҳамроҳ қилишда олтин ўрталикни топиш ниҳоятда муҳимдир. Шу йўлдан юрган инсонлар ҳаётлари давомида кам қоқилади ва атрофидагиларнинг гашини келтирмайди. Устоз бу жабҳада ҳам мохир уста бўлган эканлар. Бу ҳақида китоб муаллифи Турсунали Акбаров куйидагича ёзган:

Талабчан, лекин бировдан тоқати ва имкониятидан ортиғини кутмайди;

Тўғрисиўз, аммо бетгачопар эмас;

Фидойи, бироқ, таънасииз ва тамасииз;

Камтар, камтарлиги баробар мағрур;

Мағрурки, кибрнинг учқуни йўқ;

Содда, аммо лаққа тушириб бўлмайди;

Синчков, илло бировнинг хатосидан қурол сифатида фойланишни ҳаёлига ҳам келтирмайди.

Дастлаб бошда устознинг китобда бир-бир саналаётган сифатлари муболағали лутфдай туюлаётганди. Лекин, китоб мутолааси давомида бу фазилатларнинг далилига ўзингиз амин бўласиз.

Устозимиз тўнғич қизларини узатганларидан сўнг, уйларини таъмирлашга тушибдилар. Йилларга чўзилган бу ишларнинг аксари домланинг ўзидан ортмаган экан. Ҳовли ҳайбатли даражада қайта тикланмаганини кўрганлар кўп, билганлар сероб экан. Бунга уларнинг имконияти бор бўлса ҳам, хоҳишлари бўлмагани ҳам ҳаққи рост. Агар хоҳиш бўлганида эди, устозимизнинг кундузи амалдор, кечаси дурадгор бўлишига ҳожат қолмаслигини шундоғам англаб турибсиз...

Китобда баён этилган куйидаги ҳаётий воқеа жуда таъсирли:

Рақамидан мелиса чўчийдиган қора рангли хизмат машинаси пойтахтнинг Амир Темур кўчаси бўйлаб еларкан, Бўзсув даҳасига етганда тезликни



пасайтирди. Сўнг ҳозирги Тошкент Ахборот технологиялари университети биносидан ўтасола ўн-га бурилди. Яна озроқ юриб, шундоқ кўча юзидаги қурилиши битмаган оддийгина уй олдида тўхтади. Машинадан оҳори тўкила бошлаган костюм-шим, оқ кўйлакка тугуни ёш боланинг муштича келади-ган галстук таққан Бахтиёр ака тушиб, ҳайдовчи га маънодор қаради. Бу унинг “Эрталаб доимги вақтда кел, кечикмагин-а?” дегани эди. Ҳайдовчи тушундим дегандай бош қимирлатди, хўжайин ҳали битмаган ҳовли остонасидан ичкари ҳатла-гач, машинани чаққон ортга буриб, газни босди. Ҳа-вога чанг кўтарилди.

Биз ёш мутахассисларга бундай инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти катта ибрат мактаби бўлади.



Мухаммад Али МАМАДАЛИЕВ,

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судья катта ёрдамчиси,

Абдурауф ЭСАНОВ,

Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судья катта ёрдамчиси.



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Бехзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ога кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба кайд этилиши керак.

Босишга 22.12.2023 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок.
Буюртма № 12. Адади 1760.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмаҳонасида чоп этилди.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

ИБРАТ МАКТАБИ

6

ПОРТРЕТ

7

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

ЯНГИ БОСҚИЧ

8

СУД ҲУЖЖАТЛАРИДА КОНСТИТУЦИЯ
МЕЪЁРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

10

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАСИ

ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

12

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯ-
СИНИНГ ЯРАТИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

14

КУН МАВЗУСИ

“ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН
ҚОНУНЛАР” ТАМОЙИЛИ АМАЛИЁТДА

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

15

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ
СОДИР ЭТУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ
КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

16

МУШОҶАДА

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚИЙ НИЗОДАГИ
“МАНСАБДОР ШАХС” КИМ?

МУҲИМ МАВЗУ

18

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

20

ЖАРАЁН

ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШНИ РАД
ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

23

БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗИШ:
ЎЗБЕКИСТОН ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ
ДАВЛАТЛАР МИСОЛИДА

26

НУҚТАИ НАЗАР

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИ ҚЎЛЛАШДАГИ АСОСИЙ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР

МУЛОҲАЗА

28

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИНИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МОДДИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

31

МЕНИНГ ФИКРИМ

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

32

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

34

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ СУДИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРОГА ҚАРАТИШДА ХАЛҚАРО СУДЛОВЛИЛИК

СУДЬЯ МИНБАРИ

36

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ ВА УНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

38

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

ТАДҚИҚОТ

40

ЖИНОЯТНИ ФОШ ҚИЛИШДА КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ

43

ТУМАН, ШАҲАР ҲОКИМЛИКЛАРИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВАКОЛАТЛАРИ

44

КОНСТИТУЦИЯДА ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

46

“САМОСУД” – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЛДИЗИГА УРИЛГАН БОЛТА

47

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

РЕАБИЛИТАЦИЯ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗИЁННИ ҚОПЛАШ

48

ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ҚЎЛЛАШ

49

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ҲАЙЪАТДА ВА ЯККА ТАРТИБДА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

50

КОНСТИТУЦИЯ — ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

51

МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ ҲУҚУҚИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

АДМИНИСТРАТИВНАЯ РЕФОРМА

52

СОЧЕТАЕМОСТЬ ИДЕНТИЧНЫХ МЕР ПРАВОВОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В УГОЛОВНОМ КОДЕКСЕ ОБ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

53

ПРОЦЕСС

УЧАСТИЕ ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА В ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ В ПРОЦЕССАХ

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

54

ПРИМЕНЕНИЕ ИНСТИТУТА ОБЕСПЕЧИТЕЛЬНЫХ МЕР ЗАРУБЕЖНЫМИ ГОСУДАРСТВАМИ

58

ТЕМА ДНЯ

ДОКТОРИАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ К ОПРЕДЕЛЕНИЮ ПОНЯТИЯ ОХРАНЫ ТРУДА И НЕСЧАСТНЫХ СЛУЧАЕВ НА ПРОИЗВОДСТВЕ, А ТАКЖЕ ИХ ВЗАИМОСВЯЗЬ

ANALYSIS

62

ENSURING THE RIGHTS OF CONVICTED INSTITUTIONS IN PENALTY EXECUTION INSTITUTIONS

ПОРТРЕТ

- Портрет нима?
- Портрет рамкага солинган расм, у-бу кимнинг каттартирилган сурати.
- “Портретга чизги” дегани-чи?
- Кимдир ўша суратнинг устидан чизиб ташлагани бўлса, керак-да...

(Дуч келган кишининг жавоби, бу).

Айнан шу саволга хос одамнинг жавоби эса: “Француз тилидаги “портраит” сўзидан олинган бўлиб, тасвир деган тушунчани беради. Хусусан, рассом ўз ҳаётида тасаввур қилган қиёфани чизиқлар ва ранглар орқали қоғозга ёки матога туширади. Портрет муайян шахсга тегишли бўлса, унинг нигоҳидан, ташқи кўринишидан фазилати ёхуд қусури сезилиб туради, ва ҳақозо” деган доирада бўлади.

“Парсуна”, “персона” каби латинча сўзлар “шахс”ни англатади. Тасвирий санъат жанри деб саналувчи бу йўлда ҳар бир санъаткор ижод қилиб кўради. У кўпинча, бу ишни ўзидан бошлайди ва яратиб тагига “Автопортрет” деб имзо чекади. Шоирнинг бу жанрдаги асарини кўриш ва тушуниш учун алоҳида олтинчи сезги талаб этилади.

Дарахт гўласидан ўзига баралъеф ясаган кадрдонимга ҳазил қиламан:

– Наҳотки ҳовли четида ётган тўнка сен эдинг?

– Менинг кўзойнагимни тақиб қараганингда эди, дарҳол таниган бўлардинг. Ёғоч-



нинг ортиқча жойларини олиб ташладим, холос...

Портрет яратиш – хос санъаткорлар иши, талант маҳсули.

Мутолаа қилаётганимиз “Одиллик ва оддийлик саодати” деб номланган китоб, ажойиб ижодкор, сўз ва иборалардан ўзига хос мозаика ясаб жавонибни қойил қолдира билгучи – Турсунали Акбаровнинг (Судьялар олий кенгаши матбуот котиби) “Бахтиёр Мирбобоев портретига чизгилар” асари.

Мазкур сўзтасвирда эларо таниқли ҳуқуқшунос олим, устоз мураббийнинг маънавий қиёфаси эса қоларли бўёқларда ёрқин акс эттирилган. Давлат ва жамоат арбоби ўлароқ, айна пайтда ўта камтарин, юксак мартабали судья мақомида туриб ҳам оддийлик либосини ечмаган Бахтиёр муаллимнинг ички дунёси, ижтимоий ҳаётга бўлган қарашлари, кундалик турмуш тарзи, қизиқиши – ишқибозликларигача инжа чизиқларда зарифона ифодаланган.

Портретга, магар хоскўзойнақда қараган кўрарман асарда қулоғига қалам қистириб олган закий бир олимни, шунингдек, уста хунармандни, қўлида гулқайчи тутган нозик дидли боғбонни, ҳиссиётли моҳир балиқчини ёхуд лабзидан ҳали ҳануз баҳри байт юқи кетмаган назми таъби баланд бир улкан шахсни аниқ илғайди.

Холмамат ҲАСАНОВ,

Тошкент вилоят суди судьяси,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

Конституция байрами арафасида Судьялар олий мактабида Судьялар олий кенгаши шафелигида катта маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда суд тизими фахрийлари, Судьялар олий кенгаши ва Олий суд мутасаддилари, намунали фаолият кўрсатиб келётган судьялар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда таъкидландики, бу йил умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган мамлакатимизнинг янги таҳрирдаги Конституциясида инсон қадрлари – бош тамойил сифатида белгилашиб, “инсон – жамият – давлат” тизими асосий йўналиш сифатида қабул қилинди. Эътиборлиси, унда суд ҳокимияти, судьялар дахлсизлигини янада мустаҳкамловчи янги нормалар ўз аксини топган. Хусусан, Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи экани Конституция даражасида мустаҳкамланди.

Конституцияда Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланди. Инсон ҳуқуқлари муҳофазаси, жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш эса судларнинг бирдан-бир вазифасидир. Байрам арафасида зиммасидаги ўта масъулиятли ва

Тадбирда ушбу хайрли ишнинг мантиқий давоми ҳам бўлиб ўтди. Яъни, айнан мана шу устозлари йўлидан оғишмай бориб, намунали фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ судьялар, уларнинг устоз ва ота-оналари Судьялар олий кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўзим шу соҳанинг вакили ва ҳамкасбларим билан бир қозонда қайнаган инсон сифатида айтадиган бўлсам, ушбу тақдирлаш маросими нафақат судьяларимиз орасида балки, бутун суд тизимида ҳалоллик ва садоқат туйғуларини илдиз отишига хизмат қилади.

Меҳри борнинг сеҳри бор дейдику. Шундай, чунки сиз ишлаётган касбингиздан барака ва рағбат кўрсангиз ишингизга нисбатан меҳрингиз ортади. Касбингизга меҳрингиз тушдими сизни кимдир назорат қилиши ёки тергаб туриши шарт эмас. Вазифангизни ками-кўстсиз, бинойи тарзда бажариб қўясиз. Айниқса, нафақат ўзингиз балки, ота-онангиз, устозингиз сизнинг ортингиздан тақдирланса, хурмат орттурса, эътибор кўрса бу туйғулар уч хисса ортади. Қани ундан кейин сизни қўлингиздан ёмон иш келармикан?

Ота-онамиз ва устозларимизнинг биз шогирдларидан ҳаққи кўп бўлади. Улар йиллар давомида бизнинг ривожланишимиз, шахс сифатида камол топишимизда хизмат қилиб келишади. Бундай узоқ йиллик ва машаққатли хизматларидан сўнг фарзандларининг, шогирдларининг ортидан иззат-икромда бўлиш улар учун катта рағбат бўлади.

Шундай экан ушбу хайрли ишларнинг самарасини тез орада кўриб, бу каби тақдирланган ходимлар, устозлар, ота-оналар ва фахрийлар сони йилдан-йилга кўпайиб боради, деб умид қилиб қоламан.



шарафли вазифани намунали адо этган ҳолда суд тизимида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган фахрийларга “Суд фахрийси” кўкрак нишони тантанали равишда топширилди.

Барчамиз биламизки, бутун фаолияти давомида тўғри ва ҳалол ишлаш бирмунчайин машаққатли. Ва бундай инсонларнинг кенг жамоатчилик олдида рағбатлантирилиши, айниқса, “Суд фахрийси” сингари юксак кўкрак нишони билан тақдирланиши янги тайинланган судьяларга ҳамда бошқа суд тизими ходимларига ўртак ва намуна бўлади. Қайсидир маънода уларни яхшиликка чорловчи восита ва даъват бўлиб хизмат қилади. Бошқа томондан эса фахрийларимизнинг бутун умр садоқат билан хизмат қилган суд тизимидан, давлатдан эътибор кўрганликлари уларнинг дилини хушнуд қилиб розилик, мамнунлик ҳиссини уйғотади.



Улуғбек БОЗОРОВ,
жиноят ишлари бўйича Шофиркон туман судининг раиси.

Танлаган йўлимиздан қатъий олга боришимиз зарурлигини асрлар давомида кўплаб оғир синов ва машаққатлардан муносиб ўтган мард ва донишманд халқимиз албатта яхши тушунади. Аминманки, Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституцияси биз учун бу йўлда улкан ишонч, куч-гайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригидан (2023 йил 7 декабрь).

СУД ҲУЖЖАТЛАРИДА КОНСТИТУЦИЯ МЕЪЁРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги 2023 йил 1 майда қабул қилинган ЎРҚ-837-сонли Конституциявий қонунининг 11-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий суди зиммасига одил судловни амалга оширишда судлар томонидан конституциявий нормалар тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судлари томонидан ишларни кўриб чиқишда ушбу Конституциявий Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меъёрларини тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат сифатида қўллаш юзасидан ягона суд амалиёти тўғрисидаги Олий суд Пленуми қарорини уч ойлик муддатда қабул қилиш вазифаси юклатилган.

Мазкур қонун ижросини таъминлаш мақсадида 2023 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур Пленум қарорида Конституция нормаларини судлар томонидан қўллашга доир тушунтиришлар берилган бўлиб, ундан кўзланган мақсад Конституция нормаларини судлар томонидан тўғри, қонуний, ўз ўрнида ва бир хилда қўллаш ҳисобланади. Чунки, Конституция нормаларини суд ҳужжатларида қўллаш ушбу меъёрларни қўллашнинг энг олий кўриниши ҳисобланади.

Конституция меъёрларининг нафақат суд, балки бошқа давлат органлари томонидан ҳам қўлланилиши халқнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, Конституциянинг энг олий, энг асосий ҳужжат сифатида нуфузини юксалтиришга, юртдошларимизда Конституцияга нисбатан чексиз ҳурмат ва интизом руҳини шакллантиришга ҳамда ўз Конституцияси билан фахрланишига олиб келади.

Суд ҳужжатларини аввал қонун ва қонуности ҳужжатлари билан асослантирган бўлсак, эндиликда Конституциянинг айнан кўрилаётган низога мос банди, ундан кейин шу муносабатни махсус тартибга солувчи бошқа меъёрлар билан асослашимиз керак бўлади.

Шунингдек, Пленум қарорида Конституциянинг халқаро шартномаларга оид қисмларини қўллаш бўйича ҳам тушунтиришлар берилган.

Конституциянинг 15-моддаси учинчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрлари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

Бундан шуни тушунишимиз лозимки, эндиликда халқаро ҳуқуқ меъёрлари миллий қонунчилигимизнинг бир қисми ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида”ги Қонуни 2-моддасининг учинчи қисмига кўра агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Халқаро шартномаларга оид худди шундай қоидаларни процессуал қонун ҳужжатларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Иқтисодий процессуал кодексининг 1-моддаси учинчи қисмида агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши, 13-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб Пленум қарорида судлар халқаро нормаларни қўллаш билан боғлиқ ишларни кўришда халқаро шартнома нормаларининг устуворликка эга эканлигига, мазкур халқаро ҳужжат Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинганлиги ёхуд кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари ўтказилганлигига эътибор қаратиши лозимлиги кўрсатилган. Шу билан бирга, Пленум қарори тушунтиришида суд ҳужжатларининг асослантирувчи қисмларида халқаро нормаларни келтиришлари лозим эканлиги белгиланган.

Суд ҳужжатларида ҳуқуқий асос сифатида биринчи навбатда, Конституциянинг тегишли нормаларига ва ундан кейин юридик кучига қараб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, башарти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция меъёрларига зид бўлганлиги аниқланган тақдирда эса, фақатгина Конституциянинг тегишли меъёрлари қўлланилиши лозимлиги тушунтирилган. Бу ҳақда Пленум қарорининг 4-бандида тушунтириш берилган.

Шунингдек, Пленум қарорида судлар томонидан ишни кўришда асос сифатида қўлланилиши лозим бўлган ҳужжатнинг Конституцияга зидлиги аниқланиб, уни қўллаш ёки қўлламаслик юзасидан иккиланишлар бўлган ҳолатда қандай йўл тутиш кераклиги бўйича тушунтириш берилган.

Конституциянинг 16-моддаси иккинчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилинади. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг тамойил ва меъёрларига зид бўлиши мумкин эмас.

Судлар қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга зидлигини аниқлаган тақдирда Конституциявий суд ушбу зиддиятли норматив ҳужжат бўйича Олий судга таклиф беришлари лозим бўлади.

Шу билан бирга, Пленум қарорида ишни кўриш жараёнида суд юридик ёки жисмоний шахснинг фаолиятида қонунчилик ҳужжатларини бузганлик ҳолатларини аниқлаган ҳолларда тегишли мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдириши лозимлиги белгиланган.

Конституция меъёрларини судлар томонидан суд ҳужжатларида тўғридан-тўғри қўллаш биз учун ҳозирда янги амалиёт ҳисобланади. Шу сабабли Пленум қарорида келтирилган тушунтиришлар судлар учун умумий қоидалар ўрнида қабул қилиниб, келгусида судларнинг ихтисослашувини инобатга олган ҳолда ҳар бир йўналиш учун алоҳида тушунтиришлар берилишини тақозо этиши мумкин.

Паризод ЗАКИРОВА,

Зангиота туманлараро иқтисодий суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2019, 1-том, 105-бет.
2. Мирзиёев Ш. М. 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2022 йил 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2021.
4. Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституцияси. Т., 2023, 1 май. “Халқ сўзи” газетаси, 2023 йил 2 май.
5. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт сари. Тошкент, 2017, 56-57 бетлар.



Сун ЧЖУАНЖИ,
Хитой Ижтимоий
фанлар академиясининг
Россия, Шарқий Европа
ва Марказий Осиё
институтининг директори:



– Шавкат Мирзиёев

олий лавозимни эгаллаганида Ўзбекистонни тараққиётнинг тубдан янги босқичига олиб чиқиш, қатор мураккаб ва долзарб муаммоларни ҳал этиш, ҳокимият ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмини яратиш вазифалари турган эди. Ўзбекистон Президенти дарҳол давлат тарихидаги энг йирик ислохотларни бошлаб юборди, уларнинг самарасини бугун фуқаролар ҳис қиляпти. Янги таҳрирдаги Конституцияни ишлаб чиқишда Ўзбекистон фуқароларининг мисли кўрилмаган фаоллиги, бир томондан, давлат раҳбари олиб бораётган демократик ислохотлар сиёсатини кенг қўллаб-қувватлаётганидан, иккинчи томондан, Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадларига эришиш самардорлигидан чуқур ва самимий манфаатдорлигидан далолат беради. Ўзбекистон Президенти ҳар доимгидек халқининг фикри ва қўллаб-қувватлашига таянган ҳолда референдум ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Ислохотларда концептуал ғоя — инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун, “Инсон қадрини учун” тамойили барча ислохотларнинг бош мезони сифатида белгиланди. Конституцияга киритилган ўзгартишларда халқ фаровонлигини ошириш ва турмушини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мавқеи мустаҳкамланган. Бу Асосий қонунга давлатнинг нафақат тенг ҳуқуқлар, балки тенг имкониятларни таъминлаш, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, муносиб турмуш шароитини яратиш, давлатнинг фуқаролар олдидаги ижтимоий масъулиятини кучайтириш бўйича вазифаларини стратегик тарзда киритишни аниқлади. Ушбу мақсадлар амалга ошишининг кафолати мамлакатнинг янги Конституцияси бўлади.

ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯДА ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАСИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экология муаммоси ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг атроф муҳитни сақлаш бўйича мажбуриятлари, табиатни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий жараёни, ушбу соҳани тартибга солувчи нормаларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи ҳамда бу борада экологик партия фаолияти ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўрни, шунингдек хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлили асосида тақлиф ва илмий тавсиялар баён қилинган.

Калит сўзлар: экологик муаммолар, табиатга зарар етказиш, конституциявий қонунлар, хорижий мамлакатлар, қонунчилик таҳлили, конституция, экологик партия фаолияти, қўшимча, ўзгартиришлар.

Бугунги кунда атроф-муҳит муҳофазаси дунё миқёсида долзарб аҳамият касб этмоқда. Экологик вазиятнинг таҳликали тус олаётгани барчани бирдек огоҳ бўлишга ва зарур чораларни кўришга даъват этмоқда. Экологик муаммолар жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган ҳамда глобал муаммога айланган бугунги шароитда атроф муҳит муҳофазаси масаласи янада муҳим аҳамият касб этади. Тиббиёт статистикасига кўра, ҳар йили дунёда 7 миллион киши ҳаво ифлосланиши таъсиридан вафот этади. Газ ифлосланишидан келиб чиқадиган касалликларни даволаш учун йилига тахминан 1 триллион доллар сарфланади. Ҳар соатда 1692 гектар унумдор ер чўлга айланади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, илк бор экология муаммоси 1972 йилда Стокгольмда ўтказилган БМТ конференциясида муҳокама қилинган ва мазкур конференцияда инсон фаровон ва юқори кадр-қимматга эга ҳаётни тақозо этадиган муҳитда яшамоғи лозим, деган ғоя илгари сурилган эди. Орадан ўтган ярим аср вақт давомида ушбу масала кун сайин таҳликали тус ола борди ва бугунга келиб давлатлар учун асосий хал қилиниши керак бўлган муаммога айланди.

Юртимизда атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликка оид 20 дан ортиқ қонунлар ва юзлаб қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

2023 йилнинг 1 майида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам мазкур масала ўз аксини топди. Янги Конституциянинг 49-моддасида “Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эгаллиги.... Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўриши” бежизга қайд этилмаган.

Ваҳоланки, охириги 40-45 йил давомида Орол денгизи деярли “ўлик” денгизга айланди. Қуриб қолган майдони 4,2 млн. гектарни ташкил этиб, туташ ҳудудларга чанг, қум-тузли аэрозолларини тарқатиш манбаига айланди. Бу ерда ҳар йили атмосфера ҳавосига 80 дан 100 млн. тоннагача чанг кўтарилади. Шу билан бир вақтда, Амударё ва Сирдарё дельталарида ерларнинг таназзулга учраши ва чўллашиш суръатлари ўсиб бормоқда. Орол денгизининг йўқолиб бориши хавfli экологик муаммо, айтиш мумкинки, миллий фалокатга айланди ва у XX асрнинг 60-90 йилларида таҳдидли

даражага етди. Бутун Марказий Осиё ҳудуди бўйлаб сугориш иншоотларининг изчиллик билан қурилиши Орол фалокатининг сабабчиси бўлиб қолди. Бугунги кунда Оролбўйи – экологик фалокат ҳудудига айланди ва денгиз ҳавзасида яшовчи 35 млн. аҳоли унинг таъсири остида қолди. Ушбу ҳолатларни ҳисобга оладиган бўлсак, Орол муаммосининг конституциявий норма сифатида эътиборга олиниши айни муддаодир.

Шу боис, Ўзбекистон Орол муаммоси оқибатларини бартараф қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, 2018 йилдан шу кунга қадар Орол денгизи тубининг 2,5 млн гектарида кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Орол ва Оролбўйидаги мураккаб экологик вазият, аҳоли генофондини муҳофаза қилиш, саломатлигини яхшилаш ҳамда ушбу ҳудудда барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган кенг кўламли лойиҳалар амалга ошириляпти.

Конституцияда Оролбўйи билан боғлиқ меъёрнинг белгиланиши минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шароитлари яратилиши ва турмуш даражасининг жиддий тарзда яхшиланишини таъминлайди, барча касб эгалари, биринчи навбатда ижтимоий соҳа вакиллари учун қўшимча имтиёзлар пакети кўлланилади ҳамда тадбиркорлик тузилмалари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг атроф-муҳитни ҳимоя қилишга йўналтирилган турли лойиҳаларда фаол қатнашиш имконияти пайдо бўлади.

Юқоридагилардан ташқари, Конституциямизда ижтимоий-сиёсий тусдаги нормалар билан бир қаторда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солувчи махсус экологик меъёрлар ҳам мавжуд. Чунончи, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг махсус экологик нормалари тизими куйидагича: фуқароларнинг экологик бурчи (62-модда); мулкдан фойдаланишнинг экологик талаблари (66-модда); давлат экологик сиёсатини амалга ошириш принципларини белгилаб берувчи нормалар (68-модда); маҳаллий ҳокимият органларининг экология соҳасидаги ваколатлари (123-модда).

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.



**Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 62-моддаси.**

Ушбу меъёрнинг аҳамияти шу билан белгиладик, унда биринчидан, фуқароларнинг экологик бурчи Конституция даражасида мустаҳкамланган; иккинчидан, атроф табиий муҳит тушунчасининг юридик мазмунидан келиб чиқиб, Конституциянинг ушбу нормаси нафақат фуқароларнинг табиатни муҳофаза қилиш, балки табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мажбуриятини ҳам назарда тутди. Асосий Қонуниimizнинг 66-моддасида белгиланишича, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. Ушбу норманинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда мулк ҳуқуқи, хусусан табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи мазмунини белгиловчи мулкдор ваколатлари тартибга солинган ҳамда бундай хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти атроф табиий муҳитга зарар етказмаслиги каби талаб мустаҳкамланган.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 68-моддаси.

Ушбу конституциявий норма давлат экологик фаолиятининг қуйидаги асосий тамойилларини ифодалайди:

биринчидан, республика табиий ресурслари умуммиллий бойлик ҳисобланади, яъни юридик маънода улар халқ мулкани ташкил этади ҳамда улар номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонунда белгиланган ваколатлари доирасида иш юрताди;

иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш зарур. Экология ҳуқуқида оқилона деганда, табиий ресурслардан экологик норматив ва стандартларга қатъий риоя этган ҳолда фойдаланиш тушунилади;

учинчидан, табиат объектлари ва ресурслари давлат томонидан кўриқланади. Бу давлат табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни таъминлашини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқ ва манфаатларига, шунингдек экологик ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишини кафолатлашини аниқлатади.

Шунингдек, Конституциямизда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг асосий ваколатлари санаб ўтилган бўлиб, ушбу вакиллик органлари фаолиятининг устувор йўналиши сифатида ўз ҳудудида "атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш" бўйича ваколатла-

ри мустаҳкамланган. Ушбу норманинг аҳамияти ва зарурияти қуйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, у атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича асосий вазифаларни белгилаб беради; иккинчидан, барча даражадаги ҳокимларга ўз ҳудуди доирасида экологик қонунчиликка риоя этилиши борасида шахсан жавобгарлик маъсулиятини юклайди.

Янгиланган Бош қомусимизда экологик муаммоларнинг акс этиши янгилик эмас. Дунё мамлакатлари конституцияларида бу тажриба анчадан буён кузатилади ва уларда экологик-ҳуқуқий нормалар турлича тартибга солинган.

Турли мамлакатларнинг конституциявий-экологик нормаларининг қисқача таҳлили Конституцияда давлат экологик сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда янада аниқлаштириш ҳамда қонунни кўллаш маданияти экологик барқарор ривожланишга имкон беришини яна бир қарра тасдиқлайди. Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий экологик-ҳуқуқий нормалар энг илғор хорижий давлатлар тажрибасига мос бўлиб, мамлакатимизда барқарор ривожланишни таъминлаш, атроф муҳит мусоффолигини сақлаш, табиатни ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Атроф-муҳит инсон саломатлиги ва ҳаётига таъсир қилувчи муҳим омилдир. БМТ маълумотларига кўра, инсон саломатлигининг 30-40 фоизи атроф-муҳит ҳолатига боғлиқ. Табиий захиралар қисқараётган, глобал иқлим ўзгараётган, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, кўпгина ривожланган давлатларда ҳам ушбу муаммо кенг муҳокама этилмоқда ҳамда экология, атроф муҳит муҳофазасига оид янги нормалар конституцияларга киритилмоқда.

Шу билан бирга, ҳар ким соғлом ва қулай атроф муҳитга, унинг ҳолати ҳақидаги ҳаққоний ахборотга эга бўлиши бўйича киритилаётган нормалар атроф муҳитга таъсири кучли бўлган субъектларнинг ҳамда мансабдор шахсларнинг табиат ҳимояси учун маъсулиятини кескин оширишга хизмат қилади.

Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаши, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида шахарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишига доир конституциявий норманинг белгиланиши бугунги кун, давр талаби ҳисобланади. Янгиланган Конституцияда шахарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши ҳам қатъий белгилаб қўйилган. Буларнинг барчаси атроф-муҳит мусоффолигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни, роли ва фаоллигининг ошишига хизмат қилади.

Аброр ФАЙЗУЛЛАЕВ,

Қашқадарё вилояти юридик техникуми ўқитувчиси.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада мамлакат Асосий Қонунимиз – Конституциянинг яратилиш тарихи, сабаб ва шароитлар, ҳуқуқий жараёнлар ва бу борадаги илк қадамлар таҳлил қилинган. Бунда реал воқелик изчиллик билан ёритишга ҳаракат қилинган. Муайян дунёқараш шакллантирилган.

Калит сўзлар: Конституция, Конституциявий ислохотлар, қонун, норма, Олий Кенгаш, умумхалқ муҳокамаси, референдум.

Юртимиз ҳаётидаги бу ғоят муҳим ва ҳаяжонли воқеалар 1990 йилнинг март ойида бўлиб ўтганини эслаш жоиз. Ўшанда, яъни Мустақиллигимиз эълон қилинишидан бирмунча аввал, ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида собиқ Иттифоқ таркибидаги Республикамизда Президентлик лавозими жорий этилди, давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, бу борада махсус комиссия тузилди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституциясини яратиш ғояси илк бор ана шу сессияда илгари сурилди.

Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1990 йил 20 июнда эълон қилинган “Мустақиллик декларацияси”нинг 8-бандида Ўзбекистон “Ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади” деган қоида мустаҳкамланган.

Декларациянинг 12-бандида эса, ушбу ҳужжат Республиканинг “янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос” бўлиши қайд этилган.

Олий Кенгаш қарори билан 1990 йил 21 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раислигида давлат арбоблари, депутатлар, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилган ва Конституция лойиҳаси ана шу комиссия томонидан 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида тайёрланган.

Ўзбекистон биринчи Президентининг 1991 йил 31 августда, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқидаги: “Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман”, деган оташин сўзлари Ватанимиз тарихига олтин харфлар билан ёзилган.

Худди ўша куни Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот қабул қилди. Баёнотда таъкидландики, “Бундан буён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Республика Конституцияси ва қонунлари шак-шубҳасиз устун деб эътироф этилади”.

Шу куни “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида” 336-XII-сон Қонун қабул қилиниб, мазкур Қонунга мувофиқ:

“Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди” (3-модда);

“Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устундир. Ўзбекистон Республикаси Давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратилиш тартиби асосида қурилади” (5-модда). 1991 йил 30 сентябрь куни “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига конституциявий мақом бериш ҳақида” 358-XII-сон қонун қабул қилинган.

Мутахассисларимизнинг фикрларига кўра, бу Конституциявий қонун Асосий Қонунимиз қабул қилингунига қадар, яъни 1992 йил 8 декабр гача кичик Конституция вазифасини бажариб турган.

Конституциявий комиссия бажарилган ишни маъқуллаб, 1992 йил 8 сентябрда Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилишга қарор қилган. Ушбу йиғилишда лойиҳани охирига етказиш ва таҳрир қилиш учун ишчи гуруҳ тузилди. Янги Конституциянинг биринчи лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрь куни матбуотда чоп этилган.

Лойиҳа эълон қилинган, унинг умумхалқ муҳокамаси 1992 йилнинг сентябрь ойи охиридан декабрь ойи бошларигача фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, ижодий кўтаринкилиги руҳида ўтди ҳамда Ўзбекистонда демократия ривожининг самарали ва амалий мактаби бўлди.

Конституция лойиҳаси ўтказилган муҳокама-лар давомида келиб тушган таклифлар асосида тузатилиб, қайта ишланди. Сўнгра, 1992 йил

21 ноябрда умумхалқ муҳокамасини давом эттириш учун Конституция лойиҳаси иккинчи марта газеталарда чоп этилган.

Шундай қилиб, ҳуқуқий прецедент – икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди. Ушбу ҳолат, бир томондан, муҳокама иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарган бўлса, иккинчи томондан, Асосий Қонуниимизнинг халқчиллигини таъминлаган.

Конституциявий комиссия томонидан 1992 йил 6 декабрда Конституция лойиҳаси охириги марта муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгаришлар, қўшимчалар таклиф этилган ва аниқликлар киритилган. Парламент депутатлари томонидан лойиҳа модда-модда муҳокама қилиниб, унга яна бир қатор ўзгаришлар киритилгач, 1992 йил 8 декабрь куни Бош Қомусимиз қабул қилинди. Шу кундан эътиборан, 8 декабрь – умумхалқ байрами деб эълон қилинган.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти Конституция нормаларига мувофиқ 8 та конституциявий қонун, 15 та кодекс, 600 дан зиёд қонунни қабул қилди, 200 дан ортиқ кўп томонлама халқаро шартномани ратификация қилди ва шу тариқа Асосий Қонуниимизни амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий механизми яратилди.

2021 йилнинг 6 октябрида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси замон талабига мувофиқ такомиллаштирилиши кераклиги бўйича ўз таклифини билдирди.

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича умумхалқ муҳокамаси эълон қилинди.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси эълон қилинди ва умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистон халқининг таклиф ва фикрлари асосида ўзгартирилди ва такомилга етказилди.

Давлатимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, “...инсон қадри, инсонни эъзозлаш – эътиборимиздаги энг асосий масала”, бинобарин, “инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим” эди ва шундай бўлди ҳам.

Шахзода КАМАЛОВА,

*Ўзбекистон Миллий университети
Тарих факультети талабаси.*



ЯНГИЛАНГАН БОШ ҚОНУН БУЮК ДАВЛАТ, БУЮК ТАРИХ, БУЮК МАДАНИЯТ ЯРАТГАН ХАЛҚ ЎЗЛИГИДАН СЎЗЛАЙДИ!

Минҳожиддин МИРЗО,

*Республика Маънавият ва
маърифат
маркази раҳбари*



**Ҳар бир Конституция
миллий руҳ, маънавият,
халқ менталитети, ўз-
лиги, миллат тарихи ва
маданияти билан узвий
боғланганда янада халқ-
чиллик касб этади. Янгиланган Конституция-
мизда бу жиҳатлар ифодасига алоҳида эъти-
бор қаратилди. Биз бу руҳни Конституциямиз
муқаддимасидаёқ яққол сезамиз:**

“Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилиб, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатимизни намоён қилиб, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда, давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек, жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб, мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусоффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда, ушбу Конституцияни қабул қиламиз ва эълон қиламиз”.

Энди Конституциямизни варақлаган, у билан таънишишни ният қилган ҳар бир хорижий мутахассис, аввало, муқаддимасиданоқ бизнинг кимлигимизни, буюк давлат, буюк тарих, буюк маданият яратган халқ эканлигимизни, қандай улғуният ва мақсадлар ила келажакка қадам қўяётганимизни, бугунги улғуният ниятларимиз моҳиятида буюк аждодларимизнинг улғуният ишлари бардавомлигини англайди.

“ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛАДИГАН ҚОНУНЛАР” ТАМОЙИЛИ АМАЛИЁТДА

Сўнги йилларда дунё миқёсида қонунчиликни ҳаётга тадбиқ этиш борасида юқори натижаларга эришиш ва қонунийликни таъминлаш ҳамда шахснинг ҳақ-ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш мақсадида қонун ижодкорлиги соҳасида “тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар” қабул қилиш тамойили кенг қўлланилмоқда. Шу маънода янги таҳрирдаги Асосий қонунимизга ҳам ушбу муҳим тамойил тадбиқ этилди. Ва бу ўз-ўзидан, ҳуқуқ меъёрларини қўллашга масъул бўлган идоралар, шу жумладан судлар олдида келгусида конституциявий нормаларни амалиётда тўғри ва бир хилда қўллаш масъулиятини юклайди.

Дарҳақиқат, Асосий қонуннинг бевосита судлар амалиётида тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш ўта муҳим масала. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан хайрли ишга қўл урилди. Кенгаш ташаббуси билан конституциявий нормаларнинг судларда тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида судьяларнинг амалиётда фойдаланишлари учун “Конституциявий нормаларнинг тўғридан-тўғри қўлланилиши: суд амалиёти, халқаро тажриба, таклиф ва тавсиялар” номли қўлланма тайёрланди ва унда конституция нормаларини қўллаш борасида тушунтириш ва тавсиялар, бу борадаги хорижий амалиёт ҳақида маълумот ҳамда суд қарорлари намунавий нусхалари берилди. Судья сифатида шуни эътироф этишим керакки, гарчи ҳали қўлланманинг нашрдан чиққанига кўп вақт ўтмаган бўлсада амалиётда судьялар учун катта кўмак беряпти. Унинг аҳамиятли томонларидан яна бири шуки, уни тайёрлаш жараёнида ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам атрофлича ўрганиб чиқилган. Мисол учун ўзларининг тартиб-интизомга қаттиқ риоя қилишлари билан танилган Германияда судьялар томонидан конституциявий қоидаларни қўллаш мамлакат ҳуқуқ тизимининг асосий жиҳати ҳисобланади. Асосий қонун сифатида ҳам танилган Германия конституцияси шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди ҳамда жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларда қонунларни талқин қилиш ва қўллашда раҳбарлик қилувчи тамойилларни белгилайди. Жиноят ишларида судьялар судланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ва очиқ суд муҳокамаси билан таъминлаши шарт. Германия конституциясининг 6-моддаси фуқароларга адолатли, очиқ суд муҳокамаси ҳуқуқини кафолатлайди ва судьялар айбланувчиларнинг тўғри вакилликни ва далилларнинг адолатли тақдим этилишини таъминлаши шарт. Ёки Францияда суд тизими ҳокимиятлар бўлиниши принципига асосланиб, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқларидан мустақилдир. Судьялар суд ишларини кўришда қонунлар, шу жумладан Конституцияни талқин қилиш ва қўллаш учун жавобгар ҳисобланади. Буни Францияда судьялар томонидан жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ишларда конституциявий нормаларни қўллаш амалиёти мисолларида кўриш мумкин. Худди шунингдек Латвия, Литва ва

Эстония давлатлари демократик қадриятларга, жумладан, қонун устуворлиги ва конституциявийликка содиқлиги билан машҳур. Ушбу мажбуриятнинг бир қисми сифатида бу мамлакатларда судьялар жиноий, фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий ишларда бўладими, суд ишларини кўришда конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри қўллашда унга таянадилар.

Ушбу амалиётнинг асосий жиҳатларидан бири конституциявий назоратдан фойдаланишдир. Уч Болтиқбўйи давлатининг барчасида қонунлар ва қоидаларнинг конституцияга мувофиқлигини текшириш учун масъул бўлган ихтисослашган судлар ёки органлар мавжуд. Масалан, Эстонияда Олий суд қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни конституцияга зид деб топиш ҳуқуқига эга, Латвия ва Литвада эса бу вазифа Конституциявий судларга юкланган. Бу судьяларга судда қўлланиладиган қонунларнинг тегишли мамлакатлар конституцияларида мустаҳкамланган асосий тамойилларга мос келишини ўрганади.

Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши-давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шу жумладан, судлар томонидан Конституция нормаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётида бевосита қўллаган ҳолда қарорлар қабул қилиш, фуқароларнинг Конституция нормаларидан тўғридан-тўғри фойдаланиши ва риоя этишини кўзда тутаяди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга ҳужжат бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятлари, давлат бошқаруви тамойиллари, давлат ҳокимиятини амалга оширишга оид ҳуқуқлари белгиланган. Мамлакатнинг асосий қонуни, барча ҳокимият тармоқлари, шу жумладан, суд тизимида ишларни кўриб чиқишда ҳам асосий тамойил ҳисобланади. Конституциявий нормалар барча турдаги суд ишларини кўриш жараёнида тўғридан-тўғри амал қиладиган ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Шунга кўра, конституцияда белгиланган асосий принциплар суд қарорларини қабул қилиш жараёнида асосий раҳбарий аҳамиятга эга бўлиши, одил судловни таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, Конституция нормаларининг судлар томонидан тўғридан-тўғри қўлланилиши тамойили халқаро тажрибага мос келади.

Ботирали ДИЁРОВ,

жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг раиси.

ФИРИБГАРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ СОДИР ЭТУВЧИ ШАХСЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Фирибгарлик жинояти ҳақида сўз очарканмиз албатта фирибгарлик ўзи нима?,- деган савол тугилади. Фирибгарлик— ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш, ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга кириштиришдир. Бунинг натижасида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёхуд унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга беради, бу билан ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият яратади.

Фирибгарлик жинояти ўзига хос хусусиятларига эга:

Биринчидан, фирибгарлик жиноятининг содир этилиши бошқа жиноятлар содир этилишидан фарқ қилади. Жабрланувчилар фирибгарлар билан муайян (10-15 кун, 1-2 ой) вақт давомида, баъзан узокроқ муддат (6 ой ва ундан кўп) вақт давомида ўзаро муносабатда бўладилар. Шунинг учун ҳам жабрланувчилар жиноят содир этилгандан кейин фирибгарнинг ташқи кўриниши ва белгилари тўғрисида тўлароқ маълумот берадилар;

Иккинчидан, фирибгар ташқи кўриниши, ўзини тутishi, ақл-фаросати, дунёқарashi, фикрлаш доираси ва хулқ-атвори билан бошқа турдаги агарли жиноятларни содир этувчи (ўғри, талончи, безори) шахслардан фарқ қилади. У жиноятни содир этишда айёрлик ва чадастлик қобилиятларини ишлатиб, одамларни ўзига жалб этади, уларда ўзларига нисбатан ишонч ва қизиқиш уйғотади;

Учинчидан, фирибгарлик баъзи вақтларда фуқароларнинг ноўрин истаклари натижасида содир этилади. Жабрланувчилар фирибгарга нисбатан ўта ишонч ва очик кўнгиллик билдирадилар ва шу билан ўзларининг алданиб қолганликларини сезмай қоладилар.

Фирибгарлик жиноятларини содир этувчи шахсларни қуйидаги беш гуруҳга бўлиш мумкин:

1-гуруҳ – кўнимсиз, доимий равишда кезиб юрадиган –учарлар (гастролёрлар). Улар жиноятни содир этган захоти бошқа ҳудудларга ёки республикадан ташқарига яширинадилар;

2-гуруҳ – доимий яшаш ва иш жойи бўлмаган, фирибгарлиги учун бир неча бор судланган шахслар;

3-гуруҳ – майда фирибгарлик содир этадиган шахслар;

4-гуруҳ – ўзларининг енгилтаклиги боис ёки бошқа шахслар таъсирида биринчи марта фирибгарлик содир этувчилар;

5-гуруҳ – олдин судланмаган, узок давом этган фирибгарликни содир этган шахслар.

Жиноят содир этиш йўли ва усулини танлашда фирибгарнинг шахси асосий роль ўйнайди. Улар ўткир зехнли, ўта катта фантазияга эга ва ривожланган шахс бўлиб, одамлар эътиборини ўзига қаратиб уларнинг ишончига кириш қобилиятига эга.

Ташқи кўринишдан фирибгарлар бошқа жиноятчилардан сезиларли даражада ажралиб туради.

Фирибгарларнинг аксарияти ўрта ёшдаги шахслар бўлади. Улар башанг кийинган, сочига оқ тушган, ўзини катта лавозим эгаси ёки мансабдорлар билан алоқаси бор шахс сифатида танитиб, одамларни ўзига тортишга, қизиқтиришга, ўзини яхши кўрсатишга уста бўлишади.

Уларнинг айёрлиги, уддабуронлиги бевосита фирибгарлик жиноятини очишда тергов жараёнини қийинлаштиради. Шу боис тергов ва суриштирувни олиб боровчи шахслар фирибгарларга хос жиҳатларни яхши билишлари лозим. Бунинг учун муайян гумон қилинаётган шахс ва жабрланувчи тўғрисидаги маълумотларни атрофлича ўрганиш талаб қилинади.

Жиноятнинг содир этилиши кўпроқ объектив омилларга боғлиқ. Бу омилларга тажовуз қилинаётган предметнинг хусусияти, тажовуз вақти, жойи ҳамда жиноят содир этилган бошқа объектив шарт-ша-

роитларни киритиш мумкин. Бундай шарт-шароитларга жабрланувчининг шахсига хос хусусиятларни ҳам қўшиш керак. Масалан, фирибгарлар жабрланувчининг турар жойини ва жинойий йўл билан топилган сармоёси борлигини билиб, у ерда ноқонуний тинтув ўтказиши мумкин. Бундай ҳолатларда жабрланувчининг ҳаракатлари, унинг турар жойи ва тажовуз учун сармоё мавжудлиги фирибгарлик содир қилинишига маълум даражада таъсир кўрсатади.

Жиноят содир қилиш усули эса жиноятчининг тегишли малака даражасини кўрсатади, яъни жиноятни содир этишда қўлланилган услуб, тажовуз қилинган мулк ва унинг эгаси ҳақида маълумотлар жиноятчининг шахсини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Фирибгарлар аксарият ҳолларда жинойий тажовуз объекти сифатида пулни танлайдилар. Фирибгарлик кўпинча давлат органларининг биноларига туташ автотурагоҳлар ёки кўчаларда, вокзал ва аэропортларда, дўконларда, жабрланувчининг яшаш ёки иш жойида, бозор ва бошқа жойларда содир этилади.

Фирибгарлик содир бўлиш жараёнида жабрланувчиларнинг ўзлари кўпинча ўз ҳаракатлари билан жиноят содир этилишига сабабчи бўлиб қоладилар. Бундай “жабрланувчилар” ўзларига нисбатан фирибгарлик содир этилгани тўғрисида ички ишлар органларига хабар бера олмайдилар, фирибгарлар ҳам бу ҳолатни ҳисобга оладилар ва бу уларга қўл келади.

Фирибгарларнинг жиноят содир қилиш ва буни яшириш усуллари турлича;

– *маиший хизмат кўрсатиш ёки савдо соҳасида муайян турдаги товар ёки хизматни арзонроқ етказиб беришни ваъда қилиб, мулкка эга бўлиш;*

– *қарзга пул олиб, фуқаролар мулкни ўзлаштириш: Бунда фирибгар одатда 3-4 ойга қарз олади ва муддати келиши билан пулни 25-30% “хизмат учун” қўшимчаси билан қайтаради. Бундай ҳолат бир неча марта содир этилади. Вақти келиб фирибгар худди шундай шарт билан жуда катта миқдорда пул қарз олади ва яширилади;*

– *харидор олмоқчи бўлган мол ўрнига бошқа молни ўтказиш ёки бериш;*

– *буюмдан вақтинча фойдаланиш баҳонаси билан фуқаролар мулкига эга бўлиш. Бунда фирибгар ишлатиб туриш учун буюмни сўраб олади ва кейин турли баҳоналар билан буюмни қайтармайди;*

– *ҳақиқий пул ичига сохтасини аралаштириб қўйиш, сохта олтин буюмларни бериш орқали фуқаролар мулкига эга бўлиш;*

– *ўзини мансабдор шахс сифатида кўрсатиб ва “керакли ёрдамни” бериши мумкинлигини айтиб фирибгарлик қилиш.*

Маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳудудлардаги профилактика инспекторлари томонидан кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб-бот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш ва фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Бекзод УСМОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳафсизлиги университети мустақил изланувчиси.

МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НИЗОДАГИ “МАНСАБДОР ШАХС” КИМ?

“Мансабдор шахс” атамаси узоқ тарихга эга. XVIII асрда давлат ёки жамоат хизматида, қишлоқ ёки майда буржуа бошқарувида доимий ёки вақтинчалик вазифаларни бажарадиган ҳар қандай ходим “мансабдор шахс” сифатида тушунилган.

Кейинчалик, бу атаманинг мазмуни мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазият туфайли кенгайиб ёки торайиб борди. Ҳозирги вақтда “мансабдор шахс” тушунчаси ҳуқуқ соҳасига қараб ўзгариб турадиган турли хил мазмунга эга. Биз ушбу фикрга қўшилган ҳолда, ҳар бир ҳуқуқ соҳаси сингари маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида ҳам “мансабдор шахс” атамасига тариф берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда юридик соҳа фани вакиллари мансабдор шахснинг тармоқлараро концепциясини ишлаб чиқишга интилоқда. Бироқ, А.П.Алекхин, А.А.Кармолитский ва бошқа олимларнинг таъкидлашича, “ҳозиргача “мансабдор шахс” атамаси расмий равишда умумий эмас, балки кўпинча қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликлар мавжудлигини акс эттирувчи махсус тушунча сифатида ишлатилади”.

И.Г.Хитаршвили ва П.А.Бабаевнинг фикрича мансабдор шахснинг ягона умумий ҳуқуқий тушунчасини шакллантириш лозим ва бу маълум бир фаолият соҳасига (давлат ёки хусусий) нисбатан ва ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мансабдор шахс тушунчасини шакллантириш учун асос бўлади.

А.Махмудовнинг фикрича, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда мансабдор шахс маъмурий орган номидан иш олиб борганлиги сабабли маъмурий-ҳуқуқий низоларда жавобгар “мансабдор шахс” эмас, маъмурий орган бўлиши лозим. Албатта, бу фикрни тўғри, дея олмаймиз. Чунки, барча мансабдор шахслар ҳам ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида давлат органи ёки ташкилот номидан иш олиб бормайди. Масалан, нотариуслар ёки давлат ижрочилари.

“Мансабдор шахс” атамасига айрим қонун ҳужжатларида таъриф берилган. Жумладан, мансабдор шахс - ташкилий бошқарув ёки маъмурий-ҳўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

Бироқ, ушбу тушунча ҳам оммавий ҳуқуқий фаолият соҳасида “мансабдор шахс” атамасига тўлиқ таъриф бўла олмайди. Чунки, ташкилий бошқарув ваколати берилган шахс ҳар доим ҳам маъмурий-ҳуқуқий низонинг субъекти саналмайди. Маъмурий-ҳўжалик ваколатларига эга шахс эса маъмурий-ҳуқуқий муносабатга киришмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-бўлимида (атамаларнинг ҳуқуқий маъноси) мансабдор шахс— доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинландиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъий назар корхона, муассаса ва ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс. Шунингдек, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс сифатида таъриф берилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу тушунчанинг ҳар бир таърифи бошқалардан фарқ қиладиган ўзига хос мазмунга эга. Бу тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ. Шу ўринда савол туғилади: “мансабдор шахс” атамаси маъмурий-ҳуқуқий низони ҳал қилиш учун қандай мазмунга эга бўлиши керак?

Биз кўриб чиқаётган тушунчанинг таърифини жиноят-ҳуқуқий ёндашувнинг ўзига хос хусусияти билан солиштирганда, маъмурий-ҳуқуқий низодаги мансабдор шахс сифатида тан олинган шахсларга нисбатан бирмунча кенг доирани қамраб олади. Чунки, жиноят-ҳуқуқий ёндашув доирасида “мансабдор шахс” тушунчаси нафақат мансабдор шахснинг жавобгарлигини белгилаш учун ишлаб чиқилган, балки уларнинг фаолияти доирасидаги ваколатлари масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Худди шунингдек, “мансабдор шахс” тушунчасига Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 15-моддаси иккинчи қисмида ҳам жиноят-ҳуқуқий ёндашувдаги каби таъриф берилган. Яъни, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят-ҳуқуқи “мансабдор шахс” тушунчасига бир хил ёндашувни қабул қилган.

Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги ҳамда юридик атамалардаги “мансабдор шахс” атамаларини ҳуқуқнинг барча соҳаларига, жумладан маъмурий ҳуқуқнинг бутун соҳасига қўлласса бўладими?, – деган савол пайдо бўлади.

Бизнинг фикримизча, бу саволга жавоб салбий бўлиши керак. Чунки, Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги “мансабдор шахс” тушунчаси нафақат мансабдор шахснинг жавобгарлигини белгилаш учун ишлаб чиқилган, балки уларнинг фаолияти доирасидаги ваколатлари масалаларини ҳам қамраб олади. Юридик атамалардаги “мансабдор шахс” тушунчаси эса умумий мазмундаги таъриф бўлиб, у ҳуқуқни қўллаш соҳасига қараб кенгайиб ёки торайиб боради.

Бундан ташқари, ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида, масалан, жиноят ёки фуқаролик ҳуқуқида мавжуд бўлган “мансабдор шахс” тушунчаси маъмурий ва бошқа оммавий низоларни ҳал қилиш учун қабул қилиниши мумкин эмас. Чунки, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда мансабдор шахсни аниқлашда қуйидаги ёндашувга асосланади. Яъни, жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш мақсадида мансабдор шахслар доираси ҳуқуқ субъектларининг жуда кенг рўйхатини ўз ичига олади. Бу тушунча нафақат маъмурий органлар, балки тижоратчи ва нотижорат ташкилотларидаги мансабдор шахслар доирасини ҳам қамраб олади.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми қарори билан маъмурий органлар мансабдор шахслари атамасига тушунтириш берилган бўлиб, фикримизча ушбу тушунтириш ҳам унинг тўлиқ таърифини очиб бермаган.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, бутун ҳуқуқ соҳасида қўлланиладиган ягона “мансабдор шахс” атамасини яратиш мумкин эмас. Ёки жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик соҳасидаги, шунингдек юридик атамалардаги “мансабдор шахс” тушунчасини ҳуқуқнинг барча соҳасига қўллаб бўлмайди. Ҳар бир ҳуқуқ соҳасида “мансабдор шахс” тушунчасининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Хўш, у ҳолда оммавий ҳуқуқий муносабатлар доирасида “мансабдор шахс” атамаси қандай таснифланиши керак? Фикримизча, “мансабдор шахс” маъмурий ҳуқуқ метёёрларида мустақамланган, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладиган ва уларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган потенциал иштирокчидир. У қуйидаги белгиларни ўзида жамлайди:

- Маъмурий бошқарув (ташкилий-фармойиш бериш) ваколатига;
- қонун ҳужжатлари билан белгиланган махсус ҳуқуқ ва мажбуриятларга;

- оммавий ҳуқуқий муносабатлар доирасида маъмурий ҳаракатларни амалга ошириш ва маъмурий актлар чиқариш ваколатига эгаллиги;

- ҳокимият мажбурлов ваколатининг мавжудлиги.

Шундай қилиб, юқорида таҳлил қилган ҳуқуқ соҳаларидаги “мансабдор шахс” тушунчасини ҳуқуқнинг бошқа соҳасига қўллаш мумкин эмаслиги ҳамда ундаги тушунча маъмурий-ҳуқуқий низолардаги “мансабдор шахс” тушунчасидан фарқланишини инобатга олиб, МСИЮТКни янги атамалар бўлими билан тўлдириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига “мансабдор шахс” тушунчасини киритиш орқали таъриф бериш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддаси ва МСИЮТКни янги таъриф билан тўлдириш ҳамда унда “мансабдор шахс” атамасига “Мансабдор шахс — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида тайинлаш ёки сайлов натижаларига кўра ҳокимият вакили функцияларини доимий, вақтинча ёки махсус ваколатларга мувофиқ амалга оширувчи, давлат муассасалари, корхоналар, ташкилотлар ва тузилмаларида ташкилий, маъмурий ёки маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажариш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаган шахс” деб таъриф бериш таклиф этилади.

Маҳмуд ЭШИМБЕТОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси,
ю.ф.ф. доктори (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Глазкова, Л.В. Государственный чиновник: история коррупции в России / Л.В. Глазкова. — М.: Проспект, 2016. — 112 с.
2. “Участники административной процедурк и административного процесса”. С 183. “Инфотропик Медиа”. Москва 2020 г.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. “Адолат” нашриёти. Тошкент 2015 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. “Адолат” нашриёти. Тошкент 2015 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарорининг 3-банди. <https://lex.uz/docs/4711311.6>. Федосеева С.В. Понятие “должностное лицо”: неоднозначность в толковании // Администратор суда. — 2009. С. 34–36.
7. Хитаршвили И.Г., Бабаев П.А. “Понятие должностного лица в административном праве”. Республиканская научно-теоретическая конференция “Белорусское право во времени и пространстве”. http://www.bseu.by:8080/bitstream/edoc/80310/1/Fidrik_N.Yu._204_205.pdf.
8. Юридик луғат - Миллий ҳуқуқий интернет портали. <https://huquqiportal.uz>.



Антон ФИНЬКО,
*фалсафа фанлари
номзоди (Украина):*

– Ўзбекистон айти пайтда замонамизнинг ўта мураккаб ташқи чақириқлари шароитида шакллнаётган ўзгаришларнинг мақбул миллий моделини излаётган давлатдир. Янги таҳрирдаги Конституциянинг афзалликлари, биринчи навбатда, ижтимоий барқарорликни сақлашнинг бирламчи аҳамиятини тушунишдир. Янги Ўзбекистоннинг Бош қомуси – фуқаролик-сиёсий либераллаштириш, биринчи навбатда, илғор ва ижтимоий фаол миллий зиёлиларнинг умидларига жавоб беради. Унда Ўзбекистоннинг дунёвий давлат мақоми тасдиқланиши эътиборга лойиқдир. Ҳеч кимга сир эмаски, бир қатор мамлакатларда турли радикал фаол гуруҳлар жамият олдида монополия ёки диний тафаккур ва этник-маданий танловнинг энг изчил вакили сифатида намён бўлишга интиломқда. Шу билан бирга, манипуляция ҳолатларида жамият ҳимоясиз бўлиши мумкин. Дунёвий давлат мақоми эса маънавий ва сиёсий монополияга даъволар кўринишидаги бундай манипуляцияларни тўхтатиш имконини беради.

Конституция муқаддимасида, жумладан, Ўзбекистон халқи жаҳон ва Ислон цивилизацияси ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларнинг маданий меросига таяниши қайд этилган. Бу мутлақо тўғри ёндашув. Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб маънавият нурлари, кўзга кўринган давлат арбобларига бешик бўлган юрт буюк аждодлар шаънини асраб-авайлайдиган, шон-шўхратини оширувчи давлат сифатида ўзининг миллий гурурини, жаҳонда ўз ўрнини мустақамлаб олишга ҳақли.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинган мамлакатнинг халқаро фаолиятнинг масъулиятли ва тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишига ишончим комил.



ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

Бугунги кунда коррупция нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда энг чигал муаммолардан ҳисобланади. Коррупция ҳолатлари бутун мамлакат ва унинг алоҳида ҳудудлари иқтисодиётининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, ҳар бир давлат ўзининг бошқарув тизимида коррупция билан боғлиқ ҳолатларни бартараф қилиш мақсадида мунтазам равишда тегишли чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат органлари ҳам ушбу ноқонуний ҳодисага мойил бўлиб, бу бир қатор салбий оқибатларга олиб келадики, бу ҳокимиятга бўлган ишонч ҳамда иқтисодий жараёнлар самарадорлигининг сезиларли даражада пасайиши билан ифодаланади.

Калит сўзлар: коррупция, давлат органлари, коррупцияга қарши курашиш, самарадорлик.

Сўнги вақтларда давлат органларининг турли тармоқларида содир бўлаётган коррупция ҳолатларини акс эттирган хабарларнинг сони ортиб бормоқда. Асосан, уларда соғлиқни сақлаш, ички ишлар органлари ва таълим тизими соҳасидаги коррупцион ҳолатлар ёритилмоқда.

Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича коррупция давлатнинг миллий хавфсизлигига таҳдид саналади. Бу вазият ёмонлашувининг узоқ муддатли томони ҳисобга олган ҳолда маълум даражада оқилона нуқтаи назардир. Айрим олимлар, ҳаттоки, коррупцияни миллий давлат хавфсизлигига асосий таҳдидлардан бири сифатида тилга олмоқдалар.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича энг асосий қонун Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-419-сонли қонуни ҳисобланади.

Ушбу тадқиқот объекти давлат органларидаги коррупция ҳолатларидир. Муаммонинг долзарблиги шундан иборатки, агар бу ҳодиса давлат институционал органларида тарқалса, давлат бошқарувининг энг муҳим омилларидан бири - фуқароларнинг ҳокимиятга бўлган ишончи сусаяди.

Ҳокимият деганда эса қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд орқали бошқариш тизими тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳокимият бошқаруви озчилик томонидан кўпчиликка нисбатан маълум воситалар орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, бу озчилик кўпчилик манфаатларини ифодалаши керак ва бу ҳам ижро этувчи ҳокимият органларига, биринчи навбатда, қонун чиқарувчи ҳокимият органларига барча даражадаги депутатларни танлаш тартиби орқали амалга оширилади.

Бироқ, сўнги пайтларда сайловчилар ва сайланган мансабдор шахслар ўртасида биринчи навбатда, икки томон манфаатларининг бир-бирига тўғри келмаслигидан пайдо бўлган зиддият ва тушунмовчиликлар тобора кўпайиб бормоқда. Давлат органларида ҳам, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларнинг бошқа иштирокчиларида ҳам коррупциянинг юқори даражаси фикримизнинг исботидир. Охирги воқеаларга назар ташлайдиган бўлсак мураккаб иқтисодий ва халқаро вазият туфайли сайлов институтида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу эса айрим ижро ҳокимияти органларида сайловларнинг бекор қилинишига олиб келмоқда. Шундай қилиб, бир томондан ҳукумат мураккаб ташқи шароитларга муносабат билдирса, иккинчи томондан сайловчиларнинг тан олиниши, розилиги ва ишонч даражаси пасаяди, бу эса вақт ўтиши билан муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Давлат органлари вакиллари орасидаги коррупцион ҳолатлар уларнинг учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва бунинг натижасида шахсий бойиш усули ҳисобланади. Улар кўшимча иқтисодий фойда олиш учун шахсий манфаатларини кўзлаб, ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатадилар. Аммо, шуни тушуниш керакки, улар

“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани эшитиш” Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси.

қонунни бузади ва коррупцияга қарши кураш тизими тўғри ишлаётганлиги сабабли уларга таъсир қилиш эҳтимоли кундан-кунга ортиб бормоқда.

Республикада коррупцияга қарши курашнинг элементларидан бири давлат хизматчилари учун ҳар йили ўз моддий бойликлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш мажбуриятидир. "Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, 2022 йилнинг 1 январидан давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилди.

Сўнгги пайтларда криптовалюта каби юқори технологияли воситалардан фойдаланган ҳолда янги коррупцион схемалардан фойдаланиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. Бундай ҳолатларга барҳам бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари коррупцияга қарши кураш воситаларини мунтазам равишда оптималлаштиришлари керак. Нафақат стандарт усуллардан фойдаланиш, балки янгиларини тезкор ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳам зарур. Бу йўналишда хорижликларнинг куйидаги муваффақиятли тажрибаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўларди:

— Давлат бинолари атрофидан панжараларини олиб ташлаш ва шаффоф деворлар ўрнатиш керак. Грузия тажрибаси шуни кўрсатадики, бу орқали давлат хизматчилари кўшимча масъулиятни ҳис қилишади, аҳоли ўртасида ишонч даражаси ошади.

— Провокацион усулларни жорий қилиш. АҚШ тажрибаси шуни кўрсатадики, "араб шайхлари" ниқоби остидаги разведка ходимлари қонунни бузишга мойил бўлган давлат хизматчиларининг заиф томонларини аниқлашлари мумкин.

— Қамоқхоналарга экскурсиялар. Хитой тажрибаси нафақат мансабдор шахсларга, балки уларнинг оила аъзоларига нисбатан ҳам ушбу воситанинг самарадорлигини кўрсатди.

— Коррупционерлар ҳақида маълумот учун мукофот. Айрим мамлакатлар (Голландия, Греция ва бошқалар) тажрибаси аҳолини ҳуқуқбузарларни аниқлашга ҳақ эвазига жалб этиш муваффақиятини кўрсатади. Шу тариқа одамлар нафақат фуқаролик бурчини адо этади, балки бунинг учун кўшимча даромад олади.

Илғор хорижий тажрибани миллий ўзига хос даражада қўллаш давлатнинг коррупцияга қарши курашдаги позициясини мустаҳкамлайди.

Давлат органларида коррупцияга қарши кураш давлат бошқарувининг барча соҳаларида амалга оширилиши керак:

1. Қонунчилик даражаси. Коррупциявий схемаларда иштирок этганлик учун жавобгарлик даражасини ошириш мақсадида қонунчилик базасини такомиллаштириш зарур.

2. Ижро этиш. Мақсад устуворлигини – коррупцияга қарши курашни бошқа мақсадларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир ижро этувчи ҳокимият органлари учун максимал даражага ошириш зарур.

3. Суд тизими. Коррупцион муносабатларга алоқадор шахсларнинг адолатли жазоланишидан қочиб эҳтимолини камайтириш учун суд тизимида ташкилий тадбирларни амалга ошириш зарур.

Таклиф этилаётган йўналишларнинг ҳар бири барча даражадаги ижрочилар учун аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида тегишли вазирлик ва қўмиталар томонидан синчковлик билан ўрганишни талаб қилади. Ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши энг қисқа вақт ичида давлат учун коррупция каби зарарли ҳодиса даражасини сезиларли камайтириш имконини беради.

Муҳриддин ҲАСАНОВ,
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси докторанти.

Европа Иттифоқи Конституцияси устида Европанинг энг етук мутахассислари ишлашган. У 2004 йилнинг июнида ЕИнинг махсус саммитида маъқулланган. Хужжат дарҳол 20 та тилга ўгирилган ва дунёдаги энг кенг ва кўп томонлама хужжатга айланган. Бироқ, ушбу хужжат умумевропа фикрининг пайдо бўлишига ҳисса қўшолмади. Европа мамлакатлари умуммиллий референдумида етарли овоз тўпловмади.

ЖИНОЯТ ИШНИ ҚЎЗГАТИШНИ РАД ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

АННОТАЦИЯ:

мақолада жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар ва ҳужжатларни юритишда шахс ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: *жиноят ишени қўзғатиш, жиноят ишени рад қилиш, жиноят ишени тугатиш, жабрланувчи, шахс ҳуқуқларини таъминлаш.*

Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан тергов идораларининг айблов хулосаси билан юборилган жиноят ишлари бўйича оқлов ҳукми чиқарилаётганлиги ҳам дастлабки тергов устидан назоратни кучайтириш кераклигини, терговда холислик, адолат тамойилларига таянган ҳолда иш юритишда хато-камчиликларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларга мос ҳуқуқий механизмлари ўрнатилган. Бирок, терговга қадар текширув амалиётида жабрланувчи дастлаб шикоят билан мурожаат этиб, берган шикоятдан жиноят иши қўзғатилгунга қадар воз кечиб, жиноят ишени қўзғатмасликни илтимос қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Ишни юритаётган мансабдор шахснинг бу вазиятда қандай йўл тутиши амалдаги қонун ҳужжатларида тартибга солинмаган. Фикри-мизча ЖПКнинг 325-моддаси муҳим талабларидан бири, шак-шубҳасиз жабрланувчининг ҳуқуқини таъминлаш борасида диспозитивликни изчил ўрнатиб, жиноят-процессуал муносабатларни бевосита жабрланувчининг хоҳишидан келиб чиққан ҳолда юритишни йўлга қўйишдир. Шундай экан терговга қадар текширув амалиётида жабрланувчи дастлаб шикоят билан мурожаат этиб, кейинчалик даъвосидан жиноят иши қўзғатилгунга қадар воз кечиши ЖПКнинг 325-моддаси талаблари асосида жиноят иши қўзғатишнинг рад қилинишига олиб келиши лозим.

Ф.М.Мухитдиновнинг фикрича хусусий айблов юритувининг муҳим талабларидан бири, шубҳасиз жабрланувчининг ҳуқуқини таъминлаш борасида диспозитивликни изчил ўрнатишдир. Жабрланувчи ўзининг даъвосидан суд муҳокамасининг хоҳлаган босқичида воз кечиш ҳуқуқига эга бўлиши ва унинг ўз даъвосидан воз кечиши, сўзсиз суд муҳокамасининг тугатилиши билан яқунлини зарур. Бундай ҳолатларда ЖПКнинг 325-моддасини асос қилган ҳолда ушбу Кодекс 84-моддасининг биринчи қисми 6-банди билан жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш ҳақида хулосага келиш керак. Сабаби, ушбу моддада назарда тутилган жиноятлар бўйича шикоят бериш ёки бермаслик ҳуқуқи жабрланувчининг ўзига ҳавола. Қолаверса, хусусий айблов институтини жиноят-процессуал қонунчиликка киритишнинг асосий

мақсадларидан бири ҳам жиноят ишени қўзғатиш ёки уни рад қилиш масаласини бевосита жабрланувчининг хоҳишидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш тартибини жорий этишдир, десак муболаға бўлмайди. Яъни, бу берилган шикоятнинг жабрланувчи томонидан ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган тартибда қайтариб олиш мумкинлигини кўрсатади. Бунда даъво айблов шакли эмас, балки даъво барта-раф этилгунга қадар амалга ошириладиган жиноий таъқиб иш юритувининг таркибий қисмидир. Агар тарафлар даъводан воз кечса, жиноий иш юритуви шу заҳоти тугатилади.

Дарҳақиқат, хусусий айблов билан боғлиқ ишларда жабрланувчи ва унинг қонуний вакили айбловни шакллантиришда бевосита иштирок этиш ёки ундан воз кечиш ҳуқуқига эга. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, мазкур қоида ИИБ навбатчилик қисмларида юритиладиган “Шакл-1” ёки “Шакл-2” китобларида қайд этилган (рўйхатга олинган) вақтларда ҳам қўлланилиши лозим. Қолаверса, Олий суд Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 25-бандида “Жиноят ишида жабрланувчининг шикояти мавжуд бўлмаса, суд мажлисида унинг судланувчини жиноий жавобгарликка тортиш борасидаги истак-хоҳиши аниқлаштирилиши лозим. Агарда жабрланувчи судланувчининг жиноий жавобгарликка тортилишини хоҳламаса, шунингдек, жиноят ишида шикоят мавжуд бўлиб, жабрланувчи судланувчи билан ярашганлиги тўғрисида маълум қилса, суд жиноят ишени ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан тугатади”, дея қайд этилган. Мазкур ҳолатда суд томонидан жабрланувчининг судланувчини жиноий жавобгарликка тортиш борасидаги истак-хоҳишини аниқлаштириш ҳар жиҳатдан тўғри. Аммо, бу ўринда “жабрланувчи судланувчининг жиноий жавобгарликка тортилишини хоҳламаса, шунингдек, жиноят ишида шикоят мавжуд бўлиб, жабрланувчи судланувчи билан ярашганлиги тўғрисида маълум қилса суд жиноят ишени ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 6-бандига асосан тугатади” мазмунидаги талабнинг белгиланиши мунозаралидир. Чунки, ЖПКнинг 325-моддасини қўллаш учун жабрланувчининг судланувчи билан ярашиши талаб этилмайди. Айниқса, агар қўзғатилган жиноят иши бўйича жабрланувчи айбланувчи ёки судланувчи билан ярашадиган бўлса, жиноят иши ЖКнинг 66-мод-

даси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига мувофиқ тугатилиши лозим.

Бу борада Б.Б.Муродов ўз тадқиқот ишида ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган тартибда иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда шикоят бериш ҳамда берган шикоятини жиноят иши қўзғатилгунга қадар қайтариб олишни таклиф этади.

ЖПК 333-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширувчи амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси томонидан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилганда жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар берган шахс, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс бу ҳақда хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи ва тартиби тушунтирилади. ЖПК 338-моддасига кўра, шахслар терговга қадар текширувчи амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан прокурорга, прокурорнинг иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиши мумкин.

ЖПКнинг 337-моддасида жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратининг мавжудлиги белгиланган бўлиб, прокурор жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга ҳақлидир.

Шунингдек, ЖПКнинг 358-моддасига эътибор қаратадиган бўлсак, терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят тергов бўлинмаси бошлиғига ва ишни тергов қилишда қонунларга риоя этилиши устидан назорат олиб бораётган прокурорга, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят эса юқори турувчи прокурорга берилиши назарда тутилган.

Юқорида келтирилган нормалардан кўриниб турибдики, прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш юзасидан юқори ваколатга эга шахс ҳисобланиб, прокурорнинг қарорлари устидан фақат юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш мумкин. Яъни, бошқа органлар прокуратуранинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш масаласини ҳал этишига аралашуви ваколатига эга эмас.

Бироқ, қонунчиликда ўрнатилган мазкур тартиб, яъни жиноят ишини қўзғатиш ва тугатиш масалаларининг фақат бир орган доирасида ҳал этилиши прокуратура органларининг дастлабки тергов фаолиятида коррупцияга оид хатти-ҳаракатлар содир этилишига имконият яратиши мумкин. Жумладан, терговчи томонидан амалда содир



ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ: ИЖТИМОЙЛИК ВА ДУНЁВИЙЛИК МОҲИЯТИ

Султонмурод ОЛИМ,

филология фанлари доктори

Жамиятда мафкуралар иккига бўлинади: 1) Бунёдкор (яратувчи, прогрессив, қонуний) мафкуралар. Буларга Конституция йўл беради; 2) Вайронкор (бузғунчи, регрессив, ноқонуний, реакция) мафкуралар. Буларни Конституция ман этади.



Янгиланган Конституциямизда давлат ва дин муносабатлари бўйича айнан қандай позициялар илгари сурилганини обдон билишимиз – шарт ва зарур.

1-моддада, жумладан: “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, – дейилган. Давлатнинг “демократик” деган сифати, жумладан, диний ва жинсий жиҳатдан фуқароларнинг тенглигини ҳам назарда тутди. Яъни, бу мамлакатда эркак билан аёлга бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар берилишини тақозо этади.

8-моддада: “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, – деб битилган. Мамлакатимизда эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ҳатто, аҳолининг катта қисмини мусулмонлар ташкил этгани билан, никоҳ масаласида Ислом динидаги тартиб-қоида қонунга киритишга асло ҳаққимиз – йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 19 сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида нутқ сўзлаганди. Унда, жумладан, терроризм ва диний экстремизмга биргаликда курашиш масаласини кўтариб, қуйидаги аниқ-тиниқ таклифларни илгари сурди. Жумладан: “Биз экстремизм балоси тарқалишига, ёшларнинг радикаллашувиغا йўл қўймаслик учун биргаликдаги ҳаракатларимизни кучайтиришимиз – зарур. ... Экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича Миллий стратегиямиз доирасида бир масалага алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. У ҳам бўлса, илгари экстремизм ғоялари таъсирида бўлган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш ва жамиятга мослаштириш масаласидир”, – деди.

Давлатимиз раҳбарининг мана бу таклифи эса мамнуният билан қабул қилинди: “Яна бир муҳим фикрни таъкидлашни истардим. Сўнгги пайтларда айрим мамлакатларда қўзғат ташланаётган диний тоқатсизлик, исломophobia ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Жаҳон миқёсида динлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини ташкил этишни таклиф қиламиз”.

этилган жиноят ишини қўзғатишни ноқонуний рад қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш, жабрланувчи келтирган далилларни ишга қўшиб қўйишни рад қилиш ва бошқа қонун бузилиш ҳолатлари юз бериши мумкин. Бундай ҳолларда, жабрланувчи терговчининг хатти-ҳаракатлари устидан ЖПКнинг 338 ва 374-моддаларига кўра, фақат прокурорга шикоят қилиши мумкин. Прокурор аризани қаноатлантиришсиз қолдиргач, жабрланувчи прокурорнинг ушбу қарори устидан юқори турувчи прокурорга мурожаат қилиши мумкин бўлади. Агар юқори турувчи прокурор ҳам жабрланувчининг шикоятини асоссиз деб топса, жиноят иши қўзғатилмайди ёки жиноят иши расман тугатилади.

Ушбу вазиятда прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш борасида қарор қабул қилишида мазкур масалага адолатли ва қонуний ёндашишига мажбурлайдиган ишончли механизм мавжуд эмас деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, юқоридаги масалалар юзасидан шикоятларни кўриб чиқишда фақат прокурорнинг ваколатли эканлиги дастлабки терговни юритишда объективлик ва шаффофликни таъминлай олмайди.

Бу борада Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция суди жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорнинг асосли эканлиги масаласини кўриб чиқиб, ҳал қиладиган мустақил орган ҳисобланади.

Жиноят-процессуал қонунчиликдаги жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор юзасидан берилган шикоятларни кўриб чиқишда объективликни таъминлаш ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судига жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳамда жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор юзасидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатини бериш таклиф этилади.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ва жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарорлар юзасидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатининг судларга берилиши дастлабки тергов жараёнида қуйидаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин;

биринчидан, жабрланувчида жиноят иши қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор юзасидан прокуратура органидан ташқари бошқа ваколатли давлат органига мурожаат қилиш имконияти пайдо бўлади;

иккинчидан, дастлабки тергов фаолияти билан боғлиқ масалаларнинг ягона орган томонидан ҳал этилиши амалиёти тугатилади. Ушбу масаладаги прокурор қарорларининг асосли ва қонуний эканлиги суд ҳокимияти томонидан текширилади.

учинчидан, судлар прокуратура органларининг дастлабки тергов билан боғлиқ фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлади;

тўртинчидан, жиноят ишларининг қонуний ва адолатли кўриб чиқилиши таъминланади.

Кўриниб турибдики, терговчи ёки прокурор қарорининг асосли ва қонунийлиги юзасидан берилган шикоятларнинг жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судлари томонидан кўриб чиқилиши амалиётини жорий этиш нафақат жиноят процессида жабрланувчи ҳуқуқларининг таъминланишига хизмат қилади, балки дастлабки терговнинг қонуний ўтказилишига имкон яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни қайд этиш жоизки, шахснинг судга шикоят қилиш амалиётининг жорий этилиши дастлабки тергов органларида юз бериши мумкин бўлган коррупция ҳолатларининг олдини олиш, жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорларнинг асосли ва адолатли бўлишини ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Наргиза ФАХРИДДИНОВА,

ИИБ Академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жинорий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2011. – Б.116-117.
2. Бекматова Д. Оммавий айблов – айбловнинг тури сифатида. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборотномаси. –2015. – № 1. – Б.41.
3. Головненков П., Спица Н. Уголовно-процессуальный кодекс Федеративной Республики Германия- Strafprozessordnung (StPO)//Научно-практический комментарий и перевод текста закон// <http://nbn-resolving.org/urn:nbn:de:kobv:517-opus-61776>
4. Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик муаммолар: Юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2005. – 398 б.
5. Муродов Б.Б. Жиноят ишини тугатишни такомиллаштириш. Дисс...юрид.фан.док. (DSc) диссертация автореферати. – Т., 2018., 72 Б.
6. Сумин А.А., Химичева О.В. Введение в уголовный процесс Корейской Народно-Демократической Республики и Республики Корея // <http://www.urlit.ru/Katalog/2634-.html> // ISBN 978-5-4396-2016-6 М., – 2020.
7. Чутбаев М.Р. Гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини чеклашнинг халқаро тажрибаси: Ўқув қўлланма. – Т., 2014. – Б.36.
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 й. <https://lex.uz/docs/6445145>
9. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида сўзлаган нутқидан.// <https://uza.uz/uz/posts/24.01.2020>
11. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 04.08.2023) (с изм. и доп., вступ. в силу с 12.10.2023) https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/.
12. Қозоғистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси [электрон манба мурожаат этилган вақт 18.10.2023] // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K140000023>.

БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗИШ: ЎЗБЕКИСТОН ВА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР МИСОЛИДА

Божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиш, божхона ва юк операцияларини рақамли трансформация қилиш орқали инсон омилини қисқартириш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлик тамойиллари асосида коррупциядан холи тизимга айлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-122-сон фармони ижроси юзасидан бир қатор вазифалар амалга оширилди.

Хусусан, хавф даражаси паст бўлган божхона юк декларацияларининг инсон омилсиз автоматик равишда божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ҳажми оширилганлиги, божхона кўриги жараёнларини қамраб олган мобил электрон тизим ишга туширилганлиги, божхона хизматлари тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали кўрсатиладиган хизматлар сони ортганлиги, божхона юк декларацияларини масофавий электрон тарзда расмийлаштириш тартиби жорий қилинганлиги, темир йўл орқали келадиган товарлар бўйича маълумотларни олдиндан электрон алмашиш ва халқаро стандартларга мувофиқ комплаенс назорат тизими йўлга қўйилганлиги шулар жумласидандир.

Яратилаётган имконият ва шарт-шароитларга қарамасдан осонгина даромад топишга ўрганиб қолган ноҳалол тадбиркорлик субъектлари ҳамда айрим шахслар томонидан тўланиши лозим бўлган божхона тўловларини тўламаслик ёки иқтисодий ёлғиз давлат томонидан тартибга солиб туриш учун ўрнатилган қонунчиликдаги чекловлардан қочиш мақсадида товарларни ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамон содир этиб келинмоқда.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига божхона тўловларининг ундирилмаслиги билан боғлиқ иқтисодий зарар етказилишидагина эмас, балки унинг уюшган жиноий гуруҳ томонидан содир этилиб бошқа жиноятлар (жиноятлар мажмуи) билан ҳам алоқадор бўлиши мумкинлигидадир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан тақиқланган, ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилди. Бундан кўришимиз мумкинки, ҳар қандай қилмиш ҳам жиноят деб топилмайди, яъни содир этилган қилмиш ижтимоий хавfli бўлсагина у ижтимоий жиҳатдан хавfli ҳисобланади.

Қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги эса, унинг Жиноят кодекси билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган даражада бўлиши билан характерланади. Буни соддароқ қилиб қуйидагича ифодалаш мумкин. Жиноят кодексининг моддалари диспозициясида тавсифланган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар вужудга келиши натижасида жиноят қонунчилиги билан муҳофаза қилинадиган ижтимоий

муносабатларга зарар етади ёки зарар етказилиши аниқ бўлиб қолади.

Жиноят бу – ҳар доим ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланган муайян шахснинг хатти-ҳаракатидир. Жиноят ҳуқуқи инсон иродасининг ташқи кўриниши яъни фаол ҳаракатлари ёки ҳаракатдан тийилишида (ҳаракатсизлик) ифодаланадиган жиноий хатти-ҳаракатларни тадқиқ қилади. Жиноят ҳуқуқи ҳаракатсизликни тартибга солмайди, у муайян ҳаракатларни белгилайди ёки ман этади.

“Божхона ҳуқуқбузарликлари” ва “контрабанда” тушунчаларига таъриф 1977 йил 9 июнда Кениянинг Найроби шаҳрида имзоланган “Божхона ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларни бартараф этишда ўзаро маъмурий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги халқаро Найроби Конвенциясида келтириб ўтилган. Унга кўра, “Божхона ҳуқуқбузарлиги бу – божхона қонунчилигини бузадиган исталган турдаги ҳуқуқбузарлик ёки шундай ҳуқуқбузарликни содир этишга уриниш” бўлса “Контрабанда бу – божхона чегараси орқали товарларни ҳар қандай йўл билан яширин тарзда олиб ўтишдан иборат бўлган божхона фирибгарлигидир”.

Ҳуқуқшунос Алексей Буканевнинг фикрига кўра, Жиноят кодексига божхона соҳасидаги жиноятларнинг иккита тури фарқланади:

1) Россия ЖКнинг 194-моддаси; ташкилот ёки жисмоний шахсдан ундириладиган божхона тўловларини, махсус, демпингга қарши ва компенсация тўловларини тўлашдан бўйин товлаганлик;

2) Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 200.1, 200.2, 226.1 ва 229.1-моддалари; жиноий жавобгарлик белгиланган турли хил нарсаларни контрабанда қилиш.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти ҳақида гап кетганда айрим ҳуқуқшунос олимлар иқтисодий, яъни ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги бир нечта жиноятлар тушунилиши борасида фикрлар билдирадilar. Кимлардир божхона органлари ваколати доирасида терговга қадар текширув ва суриштирув ўтказиладиган жиноятларни божхона соҳасидаги жиноятлар деб ҳисобласа, бошқа тараф вакиллари ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар божхона соҳасидаги жиноятларни ҳам ўз ичига қамраб олиши ҳақида айтадилар.

Ушбу йўналишда илмий тадқиқот олиб борган А.А.Никифорова ўзининг “Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий механизми” мавзусидаги тадқиқотида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятлар тушунчаси бўйича концептуал ёндашувларни тўртта гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ вакиллари бу хатти-ҳаракатларни айнан ташқи иқтисодий фаолиятга тажовуз, деб атасалар, иккинчи гуруҳ уни божхонага алоқадор, деб ҳисоблайди. Учинчи гуруҳга мансуб олимлар божхона жиноятларини ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноий тажовузлар сифатида баҳоласалар, тўртинчи гуруҳ божхона жиноятларига ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларнинг бир тури сифатида қарайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти ҳисобланади ва Жиноят кодексининг 182-моддаси биринчи қисми билан малакалашга асос бўлади.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти тушунчасига юқорида аниқлик киритиб олдик, Жиноят кодексининг 182-моддаси иккинчи қисмида эса божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятини айбни оғирлаштирувчи даражада содир этиш белгилари тавсифланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2-сон қарорига кўра, товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибни бузган ҳолда божхона чегарасидан ҳар қандай тарзда ўтказиш қонунга хилоф ҳисобланади ва маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 182-моддасининг биринчи қисми бўйича товар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг, бир йил давомида яна шундай ҳуқуқбузарликлардан бирини кўп миқдорда содир этсагина жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Жиноят кодекси 182-моддаси иккинчи қисмининг “б”, “в” ва “г” бандларида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлганда, жиноий жавобгарлик шахснинг илгари ушбу ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъий назар, божхона тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши фақат кўп миқдорда бўлган ҳолдагина келиб чиқади.

Хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам божхона чегарасидан товарларни ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ қонунбузарликлар учун жавобгарликни белгилашда маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят орасидаги фарқни аниқлаш учун товарлар миқдори алоҳида кўрсатилган.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятини малакалашда божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтилган товарларнинг қиймати, шахс олдин товар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилганлиги, жиноятни содир этиш усули, жиноят ким (кимлар) томонидан содир қилинганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, товарларни кўп миқдорда бўлмаган ҳолда божхона чегараси орқали қонунчиликда белгиланган бошқа талабларни бузиб ноқонуний олиб ўтилишида бошқа жиноят аломатлари бўлса, қилмиш божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти сифатида эмас, балки бошқа турдаги жиноят белгилари билан малакаланади. Бунга мисол тариқасида контрабанда, этил спирти, алкагол ва тамаки маҳсулотларининг, қалбакилаштирилган ёки сифатсиз товарларнинг божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтилиши каби жиноят аломатларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

А.А.Никифорова Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси ва 246-моддалари диспозициясига эътибор қаратиб, иккала жиноятда уни содир этиш усули бир хил бўлиб фақат божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилаётган предметлари бўйича фарқланиши, шундай бўлсада товар тушунчаси умумий маънода контрабанда предметларини ҳам ўз ичига қамраб олиб жамоатчилик хавфсизлиги нуқтаи назаридан 182-модданинг биринчи қисми бўйича шахс муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилгани бўйича маъмурий преюдициянинг мавжудлиги қонунчиликка оид мантиққа мос келмаслиги ҳақида фикр билдирган.

Тадқиқотчи томонидан келтирилган фикрлар қайсидир маънода асосли ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини қўллаш бўйича ҳуқуқ амалиётида содир этилган қилмишда Жиноят кодексининг 246-моддаси аломатлари мавжуд бўлса, яъни контрабанда предметлари божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилса, маъмурий преюдиция инobatга олинмайди ва қилмиш Жиноят кодексининг 246-моддаси билан малакаланади. Бунда қилмишнинг қайси модда билан малакаланишида асосий фарқловчи жиҳат сифатида божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтилган предмет турига боғлиқ бўлади.

Худди шунингдек, шахснинг қилмишида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддасида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмасада, бошқа жиноятлар аломатлари бўлса шахснинг қилмиши ушбу турдаги жиноятлар сифатида малакаланади.

Хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги аналогияси шуни кўрсатадики, божхона тўғрисидаги

қонунчиликни бузиш билан боғлиқ жиноятларда товарлар, контрабанда предметлари мусодара қилиниши белгиланган. Ўз навбатида уларнинг Жиноят кодекслари умумий қисмида мулкни мусодара қилиш асосий ёки қўшимча жиноий жазо тури сифатида (Германия, Франция, Япония, Хитой, Қозоғистон) ёхуд жиноий процессуал чора сифатида (Россия, Беларус, Озарбайжон) келтирилган. Россия Федерацияси ва Германия давлати Жиноят кодексларида мусодара чораси қўлланадиган Жиноят кодексининг моддалари рўйхати ҳам келтирилган бўлса, Хитой ва Қозоғистон давлатлари Жиноят кодекслари махсус қисмидаги моддалар санкцияларида альтернатив сифатида мулк, ашё ёки товарлар мусодараси белгиланган.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти тушунчаси ва ушбу қилмиш учун жавобгарликни таҳлил қилиш, бундай турдаги жиноятларни чуқурроқ ўрганишга, ушбу турдаги жиноятларни тўғри малакалашга ҳамда жиноятларни тергов қилишни такомиллаштириш орқали уларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этишга ёрдам беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштириш юзасидан асосли таклифларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Анвар ҚУРБОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил изланувчиси,

Азамат АДIZОВ,

Божхона институти ходими.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Божхона ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, тергов қилиш ва уларни бартараф этишда ўзаро маъмурий ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги халқаро Найроби Конвенцияси. 09.06.1977 й. 7-Б.
2. Божхона иттифоқининг Божхона кодекси 2009 йил 27 ноябрь, 2-3-Б.
3. Никифорова А.А. Диссертация кандидат юридических наук. Уголовно-правовой механизм противодействия преступлениям в сфере внешнеэкономической деятельности. Нижний Новгород 2017, с. 39-40.
4. Суденко В.Е. Уголовное право. Общая часть: лекции / В. Е. Суденко; под ред. Н.А.Духно. — М. : Юридический институт МИИТа, 2016. — 197 с. 32-Б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-122-сон фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги “Божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режими қўлланилишини соддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-115-сон фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг 20.02.2023 йилдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2-сон қарори.
9. <https://www.zks-law.ru/articles/customs>.



ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Шавкат АЮПОВ,

*академик, Олий Мажлис Сена-
ти аъзоси, Ўзбекистон Қаҳрамони.*

2040 йилга бориб Ўзбекистон аҳолиси 50 миллионга етиши тахмин қилинмоқда. Бу аҳоли сони бўйича дунёнинг катта, ривожланган давлатларига етиб оламиз, деганидир. 2040 йилда аҳоли сонининг камида 50 фоизини ёшлар ташкил этади. Шундай экан, ёшлар келажаги, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кун тартибидаги масала бўлиши табиий.



Конституциянинг мен учун энг муҳим ва қизиқ бўлган жиҳатлари ҳам ёшларга қаратилган нормалари бўлди. Ўғил-қизлар тарбиясидан тортиб, уларнинг маълумот олиши, иш билан таъминланишигача Конституцияда белгилаб берилди. Давлат ёшлар ҳуқуқини таъминлаш ва ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароит яратиш, қўллаб-қувватлаш мажбуриятини олди.

Ота-оналар мажбурияти ҳам аниқ-тиниқ белгилаб қўйилганки, улар фарзандини тарбиялаш ва вояга етказишга масъулдир. Шунингдек, ўғил-қизларнинг таълим олиши ҳам ота-онага муайян мажбурият юклайди. Бу жуда ўринли. Чунки фарзанд таълим-тарбияси фақатгина мактабга боғланиб қолиши керак эмас. Оилада таълим олишига шароит яратиши зарур. Боланинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан, албатта, ота-она хабардор бўлиб туриши шарт. Бу, биринчи навбатда, оналарга катта масъулият юклайди. Аёл билимли бўлса, миллат билимли бўлади, деган ҳикмат бор. Кейинги йилларда хотин-қизлар таълимига қаратилаётган эътибор моҳиятида ҳам ана шу ҳикмат мужассам. Шу боис, янгиланган Конституциямизда хотин-қизларга қатор имтиёзлар берилди.

Ёшларга шарт-шароит яратиб берилмаса, илм олиши учун майдон яратилмаса ва рағбат бўлмаса, натижа ҳам бўлмайди. Айни пайтда илм аҳлига берилаётган эътибор ёшлар учун ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Уларнинг касб танлаши, илм билан шуғулланиши, фан ривожига ҳисса қўшиши учун муҳит яратилган. Олимлар илм-фан билан машғул бўлиши, маоши уч баробар ошгани ёшларнинг қизиқишига сабаб бўлаётган жиҳатлардан биридир. Бу келажақда ўз мевасини беради. Сифатли таълимни таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифадир.

Келажақда ҳозирги ёшлар орасидан Хоразмийлар, Берунийлар чиқишини хоҳлаймиз. Бунинг учун, албатта, пойдевор керак. Фан-таълим – нозик масала. Уни издан чиқариш осон. Лекин, сифатли таълимни, илм-фанни юксалтиришга ўнлаб йиллар керак бўлади. Натижани бир йил, икки йилда эмас, ўн йилда кўриш мумкин. Унга ҳозирдан ҳаракат қилмасак, кейин кеч бўлади. Шу боис, ишончим комилки, бу борадаги саъй-ҳаракатлар, албатта, Учинчи Ренессанс, буюк уйғониш даври учун пойдевор бўлади.

“МАЪМУРИЙ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ ҚЎЛЛАШДАГИ АСОСИЙ ЮТУҚ ВА КАМЧИЛИКЛАР

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонун қабул қилинганининг 6 йиллиги арафасида асосий ютуқ ва муаммолар таҳлил қилинган. Жумладан, маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий тамойиллари, маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар, маъмурий актга оид қоидаларнинг маъмурий суд амалиётида қўлланилишига оид айрим масалалар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: маъмурий акт, маъмурий орган, маъмурий-ҳуқуқий муносабат, маъмурий акт белгилари, суд амалиёти, маъмурий суд иш юритуви, маъмурий тартиб-таомиллар.

2017 йил 1 июндан Ўзбекистон тарихида илк марта фуқаролик, жиноят ва иқтисодий судлардан алоҳида бўлган маъмурий судларнинг жорий этилиши ва 2018 йил 8 январда Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни, 2018 йил 25 январда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқ соҳасида янги давр бошланди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, 2019-2020 йилларда МТТ қонун дастлаб суд амалиётида кам қўлланилди. Шу даврлар мобайнида судлар МТТ қонун меъёрларидан шартли равишда уч хил ҳолатда — фаол, эҳтиёткор ва умуман фойдаланмаганлар.

Шуни таъкидлаш керакки, МТТ қонун меъёрларини маъмурий амалиётда қўллаш, энг аввало, тегишли маъмурий органларнинг асосий вазифаси ва масъулиятидир. Бугунги кунда маъмурий органларнинг аксарияти ўз фаолиятида МТТ қонун меъёрларини деярли қўлламайди ёки уларга камдан-кам ҳолларда риоя қилади. Бу эса ўз навбатида мазкур органларнинг қарорлари билан МТТ қонун талаблари ўртасидаги номувофиқликка олиб келади. Ва бу эса маъмурий органлар аксарият қарорларининг МТТ қонун қоидаларига риоя қилинмаганлик асоси билан ноқонуний бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, биринчидан маъмурий судлар томонидан ҳали-ҳануз маъмурий тартиб-таомилларнинг асосий тамойиллари (Қонуннинг 5-19-моддалари)ни қўллаш борасида айрим муаммолар мавжудлигини кўриш мумкин. Тан олиш лозимки, қонунийлик (6-модда), тингланлиш имкониятининг мавжудлиги (9-модда) ва манфаатдор шахслар ҳуқуқларининг устунлиги тамойили (11-модда) маъмурий судлар амалиётида нисбатан кўпроқ қўлланилган. Бироқ, мутаносиблик (7-модда), ишончининг ҳимоя қилиниши (16-модда), маъмурий ихтиёрийликнинг (дискрецион ваколатнинг) қонунийлиги тамойиллари (17-модда)ни суд амалиётида қўллаш борасида ҳали-ҳануз муаммолар мавжуд.

Айтиш мумкинки, мутаносиблик маъмурий процедуралар тамойиллари ичида энг муҳими ҳисобланади. Уни амалда татбиқ этишда қуйидаги тўрт жиҳатни инобатга олиш талаб этилади. Аввало, маъмурий органнинг маълум бир хатти-ҳаракати, маъмурий акти қонуний мақсадларни амалга оширишга қаратилган бўлиши лозим. Иккинчидан, ушбу қонуний мақсад “яроқли” бўлиши керак. Яъни, маъмурий орган амалга ошираётган таъсир чораси орқали леги-

тим мақсадга эришиб бўладими ёки йўқми? – деган саволга жавоб бериш лозим бўлади. Учинчидан, маъмурий орган амалга ошираётган таъсир чораси “зарурий” (керакли) бўлиши шарт. Тўртинчидан, олдини олиш кутилаётган хавф, зарар ёки эришилиши кутилаётган оммавий манфаат ҳамда таъсир чорасини қўллаш орқали манфаатдор шахсга етказиладиган зарар, эришилиши кутилаётган хусусий манфаат таққосланиши лозим бўлади ва шунга қараб ҳаракатланиш талаб этилади. Мана шу тўрт жиҳатни эътиборга олган тестдан ижобий ўтган ҳоллардагина тегишли таъсир чорасини қўллаш тўғрисида маъмурий акт ёки хатти-ҳаракат амалга оширилишини қонуний деб баҳолаш мумкин.

Ишончининг ҳимоя қилиниши тамойили (16-модда)ни суд амалиётида қўллаш борасида ҳам муаммолар мавжуд. Ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, манфаатдор шахснинг ишончи қуйидаги ҳолларда ҳимоя қилинмайди, агар:

манфаатдор шахс маъмурий ҳужжат билан боғлиқ бўлган қўшимча мажбуриятларини бажармаган бўлса;

манфаатдор шахс ўзига маъмурий ҳужжат асосида тақдим этилган пул маблағларидан, буюм ёки ҳуқуқдан мақсадли фойдаланмаган бўлса;

маъмурий ҳужжат алдаш, таҳдид ёки маъмурий органга бошқача тарзда гайриҳуқуқий таъсир кўрсатиш оқибатида қабул қилинган бўлса;

қонун манфаатдор шахслар ишончининг ҳимоясини ҳисобга олмаган ҳолда маъмурий ҳужжатни бекор қилишни талаб этса (59-модданинг 7-қисми).

МТТ қонуннинг 59-моддасига кўра, манфаатдор шахснинг ишончидан қатъи назар, қонунчиликка мувофиқ эмас, деб топилган маъмурий ҳужжат, агар унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган бўлса, маъмурий орган томонидан бекор қилиниши мумкин. (59-модданинг 9-қисми).

Афсуски, суд ишни кўришда юқорида келтириб ўтилган МТТ қонунининг 59-моддаси 7 ва 9-қисми юзасидан етарлича аниқлик киритмасдан туриб ишончининг ҳимоя қилиниши тамойили (16-модда)ни қўллаш ҳолатлари мавжудлигини кўриш мумкин.

Худди шундай ҳолатни маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)нинг қонунийлиги тамойили (17-модда)ни суд амалиётида қўллаш борасида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчидан, маъмурий актни тушуниш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд.

Илмий адабиётлар таҳлиладан келиб чиқиб, маъмурий актнинг қуйидаги бешта асосий белгиси мавжудлигини таъкидлаш ўринли: 1) маъмурий актнинг маъмурий орган томонидан қабул қилиниши, 2) ҳокимият ваколати асосида қабул қилиниши, 3) оммавий-ҳуқуқий муносабат ёки янада аниқроқ айтганда маъмурий-ҳуқуқий муносабат доирасида ҳуқуқий оқибат юзага келтириши, 4) ташқи субъектларга йўналтирилганлиги, 5) индивидуаллиги (аниқлиги). Шунга кўра, маъмурий акт деганда маъмурий орган томонидан қабул қилинадиган, ташқи субъектларга йўналтирилган, оммавий-ҳуқуқий муносабат ёки янада аниқроқ айтганда маъмурий-ҳуқуқий муносабат доирасида ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи, аниқ (индивидуал) хусусиятга эга бўлган ҳар қандай ҳокимият таъсир чорасини тушуниш мумкин.

Учинчидан, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларни кўришда ҳали-ҳануз фуқаролик қонунчилиги асосида ёндашиш мавжудлиги бор гап.

Бу борада қуйидаги суд амалиётини мисол сифатида келтириб ўтиш ўринлидир. *Янгийўл туман ҳокими айни бир ер участкасини иккита тадбиркорга турли йилларда (2018 ва 2020 йилларда) ажратиб берган. Натижада низоли ҳолат юзага келиб тадбиркорларнинг бири маъмурий судга тегишли ҳоким қарорини ҳақиқий эмас, деб топши талаби билан мурожаат қилган. Суд ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 33-моддасига биноан, ер участкасига бўлган ҳуқуқ ушбу ҳуқуқ белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинганидан кейин кучга киришини таъкидлаган.*

Янгийўл шаҳар ҳокимининг 2020 йил 16 мартдаги 75-сонли ва 2020 йил 27 мартдаги 88-сонли қарорларига асосан "СТУДИ" МЧЖга тегишли 0,1265 гектар ер майдони 2020 йил 7 апрелда 1727424/Р-А955864-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган.

Янгийўл шаҳар ҳокимининг 2018 йил 28 майдаги 181-сонли қарори билан "САВДО" МЧЖга тегишли бўлган бино-иншоотларининг ҳақиқий эгаллаб турган умумий ер майдони 0.1170 гектардан иборат, деб ҳисобланиши белгиланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар ушбу қарор белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган. Бундан кўринадики, юқоридаги қонун талабидан келиб чиқиб, аризачи "САВДО" МЧЖнинг ушбу низоли ер участкасига бўлган ҳуқуқи вужудга келмаган.

Баён этилганларга кўра, суд Янгийўл шаҳар ҳокимининг 2020 йил 16 мартдаги 75-сонли ва 2020 йил 27 мартдаги 88-сонли қарорларига асосан "СТУДИ" МЧЖга тегишли 0,1265 гектар ер майдони давлат рўйхатидан ўтганлигини, бино-иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келганлигини, бироқ аризачи "САВДО" МЧЖнинг ушбу низоли ер участкасига бўлган ҳуқуқи вужудга келмаганлигини инобатга олиб, аризачи "САВДО" МЧЖ аризаси (шикоят) ни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишни лозим топади.

Шу ўринда низо предмети бўлмиш ҳоким қарори маъмурий-ҳуқуқий нормалар талабларига кўра, қачондан кучга қиради? - деган савол туғилади.

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 55-моддасида маъмурий актнинг кучга киришига оид

муҳим қоидаларни топиш мумкин. Жумладан, маъмурий акт адресат тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан эътиборан кучга қиради. Адресатни маъмурий акт тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилиш ушбу "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 33-моддасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Жумладан, 33-моддага кўра, хабарномани топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юбориш ёки тилхат олиб топшириш ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда хабардор қилиш маъмурий иш юриртишда тегишли тарзда хабардор қилиш ҳисобланади ва маъмурий актнинг кучга кириши унинг давлат рўйхатидан ўтиши билан боғланмаган.

Шунга кўра, юқоридаги мисолда келтирилган маъмурий акт саналмиш Янгийўл шаҳар ҳокимининг 2018 йил 28 майдаги 181-сонли қарори адресат – "САВДО" МЧЖ тегишли тарзда хабардор қилинган пайтдан эътиборан кучга кирган. Янгийўл шаҳар ҳокимининг 2018 йил 28 майдаги 181-сонли қарорида қарорнинг кучга кириши учун давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилиш "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунга зид ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, 2018 йил 8 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуни маъмурий судлар амалиётида ҳозирги кунда нисбатан кўп қўлланилаётган қонунлардан бирига айланди. Бу эса маъмурий судлар томонидан маъмурий актнинг қонунийлигига баҳо беришда эндиликда бошқа қонун ҳужжатлари баробарида МТТ қонунига асосланишини ҳам тақозо этмоқда. Ушбу қонун билан маъмурий актларга нафақат моддий, балки процессуал қоидалар асосида ҳам тегишли ҳуқуқий баҳо бериш имкони кенгайди. Шунга кўра, МТТ қонуни меъёрларини суд амалиётига тўғри татбиқ этиш фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишига олиб келади, деб айтиш мумкин.

Жўрабек НЕМАТОВ,

Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтини бош илмий ходими, юридик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Европа судларида хусусий шахсларнинг ҳуқуқлари маъмурий органларнинг қандайдир дастурлари билан тескари келадиган ҳолларда мутаносиблик принципини ишлатиб, судлар хусусий ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилишини кўриш мумкин. See.: Susan Rose-Ackerman, Peter L.Lindseth. Comparative administrative law: an introduction. // Comparative Administrative Law. Susan Rose-Ackerman, Peter L.Lindseth. Edward Elgar 2010. – P. 1.
2. Нематов Ж. Некоторые вопросы применения принципов соразмерности и возможности быть выслушанным в административных процедурах Республики Узбекистан // Правосудие. – 2020. – № 5. – Б. 61–66.; Ж.Нематов. Вопросы применения принципа защиты доверия в административной судебной практике Республики Узбекистан. // Ички ишлар Академиясининг ахборотномаси. 2-сон (2022) – Б. 27–36.
3. Нематов Ж. Маъмурий акт қонунийлиги шартлари ва маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат)даги ҳатолар // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2020. – № 2. – Б. 4–9.
4. Пуделька Й. Понятие усмотрения и разграничение с судебным усмотрением. // Ежегодник публичного права 2017: Усмотрение и оценочные понятия в административном праве. – М.: Инфотропик Медиа, 2017. – С. 9-14.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИНИ СУДДА ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МОДДИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада интеллектуал мулк ҳуқуқини судда ҳимоя қилишнинг моддий-ҳуқуқий жиҳатлари муҳокама қилинган. Шунингдек, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш тартиби, интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар хусусиятлари асослантирилган. Бундан ташқари, муаллиф томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқини судда ҳимоя қилишнинг моддий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга оид таклифлар ҳам илгари сурилган.

Калит сўзлар: ижодкор, муаллифлик ҳуқуқи, интеллектуал фаолият натижалари, интеллектуал мулк, мутлақ ҳуқуқ, низо, даъво ариза, даъвогар.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини самарали ҳимоя қилиш суд амалиётини такомиллаштириш билан узвий боғлиқдир. Фуқаролик кодексига кўзда тутилган мутлақ ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиш усуллари юрисдикциявий ҳимоя шаклига тааллуқли ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 300 дан ортиқ судлар мавжуд ва деярли ҳар бир судья интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиши мумкин. Агар самарадорлик ҳақида гапирадиган бўлсак, тан олишимиз лозимки, амалдаги суд тизими мамлакатимизда эксклюзив интеллектуал мулк ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини тўлиқ таъминламайди. Интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуализация воситаларини ҳимоя қилиш соҳасидаги асосий муаммолардан бири муаллифларнинг ўз ҳуқуқларини билмасликлари ва натижада уларнинг бузилиши тўғрисида эълон қилмасликларидир.

Мутлақ ҳуқуқни тан олиш усулини қўллашда, одатда, муаллифликни белгилаш талаб қилинмайди. Чунки, аксарият ҳолларда асарнинг ўзида муаллифнинг исми-шарифи аниқ кўрсатилган бўлади. Бу борада юзага келиши мумкин бўлган муаммо муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқдир. Шундай низо келиб чиққанда муаллифлик ҳуқуқини исботлаш бирмунча мушкул. Амалдаги қонунчилик муаллифлик ҳуқуқи мавжудлигини исботлаш учун муайян расмийликни амалга оширишни тақозо этмайди.

Интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ низолар кўриб чиқиши мураккаб бўлган жараёнлардан бири фуқаролик ишлари ҳисобланади. Ушбу мураккаблик турли сабабларга кўра келиб чиқади. Уларнинг баъзилари, хусусан, ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилган томоннинг зарур тажрибаси ва билимларининг етишмаслиги (шунинг учун баъзан асоссиз даъволар, даъволарнинг нотўғри формуллари, етарли далиллар ва бошқалар) субъектив табиатга эга.

Интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар аниқ хусусиятларга эга; уларнинг тўғри ва адолатли ечим топиши учун махсус ҳуқуқий ва техник билимлар тўплами зарур. Бу эса судьяларнинг махсус ҳуқуқий тайёргарлигини талаб қилади.

Умумий қоидага кўра, даъво аризаси жавобгарнинг яшаш жойидаги судга берилади. Судга даъвогар ариза билан бирга ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишга ёрдам берувчи далиллар, ҳужжатлар, гувоҳлар кўрсатмалари, эксперт хулосаларини ва ишга алоқадор бошқа ҳужжатларни топширади. Ишни кўришда

ҳуқуқбузарлик мавжудлигини ва бунда жавобгарнинг айбдорлигини исботлаш даъвогарнинг зиммасида бўлади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ даъвони кўриш фуқаролик-ҳуқуқий судловнинг умумий тартибида амалга оширилади. Бундай иш бўйича даъвони прокурор ҳам кўзғатиши мумкин. Бунинг учун прокурор зарурий маълумотларга, ахборотга эга бўлиши керак. Даъвонинг прокурор томонидан кўзғатилиши муаллифнинг ўзи шахсан бундай ҳуқуқни амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда рўй бериши мумкин. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик муаллифдан ташқари тегишли ҳудуд (туман, шаҳар)нинг маданий ва бошқа манфаатларига дахлдор бўлган ҳолларда прокурор даъво билан судга мурожаат қилади.

Ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги даъво ҳуқуққа нисбатан низони бартараф этади. Суд даъвогар ҳақиқатдан муаллиф эканлигини аниқламасдан туриб, даъвогарнинг моддий-ҳуқуқий характердаги талабини қондирмайди.

Ҳуқуқни тан олиш тўғрисидаги талаб билан бирга, даъвогар қуйидаги моддий-ҳуқуқий талабларни ҳам қўйиши мумкин:

- даъвогарга интеллектуал мулк объектига тегишли бўлган материалларни қайтариш;
- интеллектуал мулкдан ноқонуний фойдаланганлик натижасида даъвогарга етказилган зарарни қоплаш;
- интеллектуал мулк объектидан шартномасиз фойдаланишга чек қўйиш;
- интеллектуал мулк объектини ишлаб чиқариш, нашр қилиш ёки сотишни тўхтатиш;
- интеллектуал мулкдан ноқонуний фойдаланиш асосида олинган фойдани ундириш.

Даъво аризасида ҳуқуқни тан олиш билан бирга юқорида санаб ўтилган талаблардан кўпроқ талаб ҳам қўйилиши мумкин. Чунки, амалдаги қонунлар интеллектуал мулкни моддий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун комплекс чора-тадбирлар қўлланилишини кўзда туттади.

Шунингдек, судга интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларни ўзгартириш ёки бекор қилиш даъвоси билан ҳам мурожаат қилиши мумкин. Бу каби даъвонинг ўзига хослиги нимада?

Шуни таъкидлаш жоизки, интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома тўлиқ фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар сирасига киради. Шу боис, фуқаролик-ҳуқуқий шарт-

номаларга оид умумий қоидалар интеллектуал мулк ҳуқуқига оид шартномаларга ҳам тўлиқ қўлланилади.

Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво Фуқаролик кодексининг 384-моддаси асосида амалга оширилади. Ушбу қоидага мувофиқ шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш даъвоси билан судга мурожаат қилишдан аввал жавобгарга мурожаат қилиши керак. "Агар тарафлар бу масалада келиша олмасалар низо суд томонидан ҳал қилиниши назарда тутилади". Демак, бу борада шартнома бўйича тарафларнинг келишувига устувор аҳамият берилади. Бундай ёндашув шартнома тузиш эркинлиги тамойилига ҳамда шартнома шартларини белгиловчи мёърларнинг диспозитив характерида мос келади.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммоларига бағишланган айрим адабиётларда муаллифнинг шахсий ҳуқуқлари, яъни, унинг исмига тааллуқли бўлган ва асарни эълон қилиш, унинг дахлсизлиги каби ҳуқуқлар бузилган тақдирда бундай ҳуқуқлар фактик жиҳатдан ҳимоясиз қолади, деган фикрлар билдирилган. Чунки, бундай ҳолатларда чиқарилган нашрлар савдодан олиб қўйилиши мумкин. Нашрнинг сотиб бўлинган қисмини эса харидордан қайтариб олишнинг иложи йўқ. Бу борада даъвогар ҳуқуқбузарликни такрорламасликни талаб қилиши мумкин. Бунда муаллифнинг шахсий ҳуқуқи бузилишини тўхтатиш ҳақида сўз кетиши мумкин, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ҳақида эмас.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатда чиқарилган нашрнинг тўлиқ олиб қўйилиши имконияти бўлса, биринчидан, муаллиф тезкорлик билан судга мурожаат қилиши; иккинчидан, даъвогар даъвонинг таъминланишини талаб қилиши лозим. Яъни, даъвогарнинг аризасига биноан суд ишни ҳал қилгунга қадар низо предмети бўлган нашрга таъқиқ қўйиш тўғрисида қарор қабул қилади. Акс ҳолда, муаллифлик ҳуқуқи реал ҳимоя қилинмайди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик билан нашр қилинган асарни сотиб олган шахслардан қайтариб олишнинг имконияти йўқ. Бироқ, сотиб олувчининг ҳам манфаатини ҳимоя қилиш зарур. Бунда муаллиф нашриётдан нотўғри нашр қилиниб, сотилган асарни тўғри нусхалари билан алмаштиришни талаб қилишга ҳақли. Бундай ҳолат муаллифлик шартномасида назарда тутилган бўлиши лозим. Агар шартномада бир нарса акс эттирилмаган бўлса, суднинг қарори билан жавобгарга оммавий ахборот воситалари орқали нотўғри нашр қилинган асарнинг тўғри нусхалари билан алмаштирилиши ҳақида хабар бериш мажбурияти юкланади.

Жавобгарлик чорасини танлаш эса ҳуқуқбузарлик табиатига боғлиқ. Агар интеллектуал мулк ҳуқуқига нисбатан мутлақ ҳуқуқ бузилиши жиноий-ҳуқуқий характерда бўлса, жиноий жавобгарлик чораси қўлланилади.

Таъкидлаш жоизки, жиноий ёки маъмурий жавобгарлик чорасининг қўлланилиши ҳуқуқи бузилган шахс учун етарли бўлмаслиги мумкин. Ҳуқуқ соҳиби манфаатларини ҳимоя қилиш учун жиноий ёки маъмурий чораларнинг қўлланилиши етарли бўлмаганда комплекс ҳимоя чоралари кўрилиши юридик жиҳатдан асосли ҳисобланади. Бунда муайян ҳуқуқбузарликка баҳо беришда у жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш



Котаро ОКАДА,

Компьютерлаштиришни халқаро разбатлантириш маркази вакили (Япония):



– Ўзбекистонда ҳар бир инсонни кадрлаш бўйича яхши анъана бор. Бу жиҳатдан Япония ва Ўзбекистон халқлари бир-бирига ўхшашдир. Ўзбекистонда яхши қўшничилик анъаналари сақлаб қолинган ва бу борада давлат томонидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қувонарлидир.

Бундан 40-50 йил олдин Японияда ҳам худди шундай жамият шаклланган эди, қўшнилари ўртасида доимий мулоқот мавжуд эди. Бироқ, одамлар тез-тез смартфон ёки ижтимоий тармоқлар орқали бир-бири билан мулоқот қиладиган бугунги Японияда ҳақиқий инсоний мулоқотнинг қадри унутилган. Шубҳасиз, Конституцияда одамлар ўртасидаги мулоқотнинг аҳамиятини, маҳалланинг ўрнини оширишга қаратилган таклиф ва саъй-ҳаракатларни юксак баҳолайман.

сифатида баҳоланади ҳамда жиноий (маъмурий) чора қўллаш билан биргаликда бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки қоплашга қаратилган моддий-ҳуқуқий характердаги фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораси белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ қуйидаги ҳолларда интеллектуал мулк эгасининг ҳуқуқлари Жиноят кодекси билан ҳимояланади ва бундай ҳуқуқларга тажовуз қилиш:

а) сир тутилган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборот эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўпланса;

б) ахборот эгасининг розилигисиз қасддан ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш субъектга кўп миқдорда зарар етказишга олиб келганида тегишли жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, жиноий жавобгарлик чорасини қўллаш ҳуқуқбузарга нисбатан қанчалик салбий оқибатни келтириб чиқармасин, ҳуқуқи бузилган шахсни қониқтирмаслиги мумкин. Яъни, жиноий жавобгарлик чорасини қўллаш билан бузилган ҳуқуқни тиклашнинг иложи бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда жиноий ишда фуқаролик даъвоси ҳам қўзғатилади.

Қонунчиликда жиноят ишидаги фуқаролик даъвосининг хусусияти қуйидагича белгиланган:

даъво моддий ва маънавий зарарни қоплашга қаратилган бўлади;

иш бўйича исботлаш жиноий-процессуал ҳуқуқи асосида амалга оширилади;

агар даъво қўзғатилмаган бўлса, суд етказилган зарарни қоплашни ўз ташаббуси билан ҳал қилиши мумкин;

даъво бўйича суднинг қарори тегишли жиноий иш юзасидан чиқарилган ҳукмда ўз ифодасини топади;

жиноий-ҳуқуқий тартибда даъво ҳал қилинмаса даъвогар ўз талаби билан фуқаролик судига мурожаат қилиши мумкин;

жиноий судлов тугаб, ҳукм кучга киргунга қадар фуқаролик даъвосини алоҳида фуқаролик судида кўришни талаб қилиш мумкин эмас.

Ҳар қандай ҳуқуқи бузилган шахс учун ўз фойдасига суд қарорини ижро этиш интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар кўрилаётганда даъвогар учун аксарият ҳолларда тегишли объектдан ноқонуний фойдаланишга чек қўйиш асосий мақсад ҳисобланади. Бинобарин, бу ўринда интеллектуал мулк объектдан ноқонуний фойдаланишга барҳам бериш имкониятини берувчи самарали воситанинг мавжудлиги биринчи даражали аҳамиятга эга.

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг бузилиши кўп ҳолларда халқаро миқёсда амалга оширилади. Яъни, хорижий муаллифларнинг интеллектуал мулкидан бошқа давлат фуқаролари кўпинча бемалол фойдаланаверадилар. Чунки, интеллектуал мулк эгаси бошқа давлатда истиқомат қилиши, унинг учун ўз ҳуқуқларини лозим даражада ҳимоялашга ҳар доим имкон беравермайди. Бундай ҳолларда ўз вақтида ҳуқуқ соҳибини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбузарликни тўхтатишнинг тезкор чораларини кўриш зарур. Шу боис, амалдаги қонунчиликда қатор чоралар белгиланганки, улар низо суд томонидан ҳал қилинганга қадар интеллектуал мулк объектдан

ғайриқонуний равишда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган.

Маълумки, фуқаролик судларида фуқаролик-ҳуқуқий низоларни кўриш узоқ вақт талаб қилиши мумкин. Интеллектуал мулк объектдан ғайриқонуний равишда фойдаланаётган шахсга бундай ҳолат қўл келади ва ҳуқуқбузар интеллектуал мулк объектдан максимал равишда фойда олишга интилади.

Амалдаги қонунчилик даъвони таъминлашнинг қуйидаги чораларини кўзда тутати:

- жавобгарнинг мулки ёки пул маблағларига тақиқ қўйиш;

- жавобгарнинг у ёки бу ҳаракатларни содир этишини чеклаш;

- бошқа шахсларнинг низо предметида тааллуқли ҳаракатларни содир этишини чеклаш.

Юқоридаги даъвони таъминлаш чоралари турли мақсадларини кўзлаб қўлланади. Масалан, жавобгарнинг бирон-бир ҳаракатни содир этишини тақиқлаш мутлақ ҳуқуқлардан ғайриқонуний равишда фойдаланишни тўхтатишга қаратилган бўлса, жавобгарга тегишли бўлган пул маблағларига тақиқ қўйиш даъвогарга етказилган зарарни ундириш имкониятини сақлаб қолиш мақсадини кўзлаб қўлланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, жавобгар ҳам бундай ҳолларда ўз манфаатларини ҳимоя қилишда муайян имкониятларга эга бўлади. Чунинчи, жавобгар даъвони таъминлаш чораларини тайинлаш тўғрисидаги қарор юзасидан судга мурожаат қилиб, унинг бекор қилинишини талаб қилишга ҳақли. Лекин жавобгарнинг судга мурожаат қилиши, даъвони таъминлаш чораларини тўхтатиб туриш учун асос бўлмайди. Даъвони таъминлаш чораларини интеллектуал мулк ҳуқуқининг турли объектлари билан боғлиқ низоларда қўллаш ўзига хос хусусиятларга эга. Афсуски, интеллектуал мулк ҳуқуқига оид махсус қонунларда даъвони таъминлаш чоралари аниқ кўрсатилмаган. Бундай ҳол, албатта у ёки бу интеллектуал мулкка нисбатан бўлган даъвони таъминлаш чоралари самарадорлигига таъсир этмай қолмайди.

Мансуржон БОЛТАЕВ,

ТДЮУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти,
юримдик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амиров, Р. С. Законодательное регулирование защиты прав интеллектуальной собственности / Р. С. Амиров // Вестник науки и образования. – 2020. – №11-1. С. 66–67.
2. Богдановская, И.Ю. Интеллектуальная собственность: между правом и политикой [Текст] // Право. Журнал Высшей школы экономики. 2015. – №3. – С. 225 – 229.
3. Зуфарова, Ш. Формирование институциональных моделей защиты прав на объекты интеллектуальной собственности в зарубежных странах // https://www.researchgate.net/publication/367716914_Formirovanie_institucionalnyh_modelей_zasity_prav_na_obekty_intellektualnoj_sobstvennosti_v_zarubezhnyh_stranah.
4. Исоков, Ҳ.-М. Интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни суд орқали ҳимоя қилиш: миллий ва хорижий тажриба // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Issue -1, №02 (2020) / ISSN 2181-1415. – Б. 177-185.
5. Макогнонова, Н.В. Авторское право. Учебное пособие.-М.:Юридлит. 1999. С.206.
6. Морозова, Т.А. Защита интеллектуальной собственности: правовые позиции Конституционного Суда Российской Федерации // Современное право. 2015. – № 8. – С. 75-80.
7. Хариков, С. В. Тенденции развития правового регулирования в области нарушений авторского права единого цифрового пространства стран Европейского Союза // Молодой ученый. 2021. № 33. С. 57-59.
8. Щербак, Н. В. Право интеллектуальной собственности: общее учение. Авторское право и смежные права. М.: Юрайт, 2019. 309 с.

ЯНГИ ТАХРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир мамлакатнинг тараққиёти бевосита унда мавжуд бўлган қонун ҳужжатлари, уларнинг ижроси ҳамда улардан аҳолининг хабардорлик даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Шу маънода янги тахрирдаги Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказиш кўп жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Даставвал жаҳондаги конституционализм тарихига назар ташлаш, Конституциянинг турлари ва унинг бошқа қонунлардан фарқли жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Илк конституциявий қарашлар қадимги Рим ва Юнонистонда шаклланган бўлиб, шу даврдан бошлаб жамиятдаги турли ижтимоий муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш амалиёти жорий этилган.

Замонавий дунёнинг илк Конституцияси 1787 йил АҚШда қабул қилинган бўлиб, шу даврдан бошлаб ҳозирги кунга қадар жаҳон тарихида 3 500 га яқин Конституциялар қабул қилинган. Дунё мамлакатлари орасида Конституциялар 2 га: ёзилган ва ёзилмаган турларга бўлинади.

Ёзилган Конституция ягона ҳужжат сифатида қабул қилинган бош қонун ҳисобланса, ёзилмаган Конституция бир нечта қонунлар йиғиндисидан иборат бўлади. Бунга Буюк Британия Конституцияси мисол бўла олади.

Мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистон тарихида 3 маротаба: 1927, 1937 ва 1978 йилларда Конституция қабул қилинган.

Янги тахрирдаги Конституция нормаларидаги асосий ўзгартиришларнинг айримларини келтириб ўтсак.

52-моддада ўқитувчилар ва уларнинг меҳнати ҳимоясига доир нормалар киритилди. Шунингдек, давлат бошқарувига доир бир қатор ўзгаришлар ҳам назарда тутилди. Бош вазир номзодини энди Президент тақдим этиши белгиланди (118-модда).

Олий Мажлиснинг юқори палатаси ҳисобланган Сенат аъзолари сони 100 нафардан 65 нафарга ўзгартирилди. Эндиликда 14 та маъмурий-худудий бирликлардан 6 нафардан эмас, 4 нафардан сенатор сайланади ва Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони 16 нафардан 9 нафарга қисқаради. Мазкур ўзгаришлар 2024 йилда бўлиб ўтадиган парламент сайловлари вақтида амалиётга татбиқ этилади (92-модда).

Конституциявий суд судьялари 10 йил муддатга қайта сайланиш ҳуқуқисиз сайланиши белгиланди (92-модда).

Ҳокимларнинг жойлардаги кенгаш раислиги ваколатлари бекор қилинмоқда (120-модда).

Бундан ташқари, янги тахрирдаги Конституцияда ўлим жазосининг тақиқланиши, шахсни фақат ўз айбини тан олганлиги асосида айбдор деб топиш мумкин эмаслиги ва шахсга доир маълумотларнинг муҳофаза қилиниши каби қатор янги нормалар ўз ифодасини топган.

Хулоса қилиб айтганда, янги тахрирдаги Конституциямиз мамлакатимизнинг ҳуқуқий пойдевори ҳисобланиб, дунё сахнасида юртимизнинг тараққиётни демократик йўли тарафдори эканлигидан далолат берувчи мезон сифатида хизмат қилиши шубҳасиз!

Ойбек БАРАКАЕВ,

“Микрокредитбанк” АТБ бошқарма бошлиғи.

Конституция ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, бошқа қонун ҳужжатларидан фарқланади;

биринчидан, Конституция олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат бўлиб, барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари унинг асосида қабул қилинади;
иккинчидан, Конституция дунё мамлакатлари орасида тез ўзгармайдиган қонун ҳужжати саналади;

учинчидан, Конституция тўғридан-тўғри амал қиладиган норматив ҳужжат ҳисобланади;
тўртинчидан, уни қабул қилиш ҳамда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби бошқа қонунларниқидан тубдан фарқ қилади.

Янги тахрирдаги Конституциямизга киритилган меъёрларни 4 та тоифага бўлиш мумкин;

биринчиси, ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдирish мақсадида киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан иборат меъёрлар;

иккинчиси, соҳавий қонунларда мавжуд айрим нормаларни конституциявий даражада мустақамловчи меъёрлар;

учинчиси, концептуал янги нормалар;
тўртинчиси, Конституция матнига лингвистик экспертиза хулосаси асосида таҳририй тuzатишларни киритишни белгилловчи меъёрлар.

Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддаси.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ — ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари конституциявий-ҳуқуқий институт сифатида эътироф этилишига оид илмий, назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган ҳамда тегишли қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тавсия қилинган.

Калит сўзлар: мурожаат, шикоят, таклиф, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, мурожаат этишига бўлган конституциявий ҳуқуқ.

Шахсларнинг мурожаат этишга бўлган Конституциявий ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, шунингдек, фуқаро—жамият—давлат ўртасида таъсирчан муқобил алоқани мустаҳкамлашнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Чунки, мурожаат этиш орқали инсонлар ўзларининг қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини рўёбга чиқаради, бузилган ҳуқуқларини тиклайди ва қонуний манфаатларини таъминлашига эришади. Шу сабабли, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари таъминлашининг муҳим омиллари сифатида миллий қонунчилигимизда алоҳида ўрин эгаллаган.

Хусусан, Конституциянинг 40-моддасида “Ҳар ким бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органларига ҳамда ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, мансабдор шахсларга ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”, деган қоида белгилаб қўйилган.

Бу қоида, биринчидан, жисмоний ва юридик шахсларга ҳар қандай давлат органлари, ташкилотлар ва турли мулк шаклидаги тузилмаларга, улар мансабдор шахсларига ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиш ҳуқуқини беради, иккинчидан, давлат органлари, шу жумладан мурожаатларни кўриб чиқишга ваколатли идораларга мажбурият юклайди.

Мурожаат этишга оид конституциявий ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг турли кафолатлари мавжуд. Бироқ ҳуқуқий кафолатларнинг энг муҳими бу — шахснинг суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқини таъминлашдир. Шу боис, Асосий қонуннинг 55-моддасида “Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда ҳолис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли.

Ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга”, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур қоидага оид ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс доирасида амалга оширилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш қонунининг Асосий қонунда белгиланиши инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида назарда тутилган “Ҳар бир инсон, мабодо унинг конституция ёки қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузилгудек бўлса, нуфузли миллий судлар томонидан ўз ҳуқуқларининг самарали тарзда тикланиши ҳуқуқига эгадир”, деган тамойилнинг амалда рўёбга чиқарилаётганидан далолат беради.

Қоида тариқасида, суд ҳужжатлари ҳуқуқни тиклаш борасидаги шикоятларни ҳал қилишнинг энг самарали ва охириги ечими бўлиб, давлат ҳокимияти органлари ва маъмурий бошқарув идораларидан, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади. Шу сабабдан Конституциянинг 130-моддасида “Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади”, деган қоида қайд этилган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида энг олий кадрият ҳисобланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини юқори ўринга қўйилиши, шу жумладан, мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга оширишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар том маънода шу соҳада сезиларли даражада прогресс силжишларга эришилишига шароит яратди.

Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати порталида 2016 йил 25 сентябрда жорий этилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ўша йили 23 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига айлантирилиши, ахборот-коммуникация технологияларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг халқаро ҳуқуқда қайд этилмаган мутлақо янги механизмига асос бўлди.

Бу, бир томондан, мамлакатимиз сиёсатининг очиқ, ошқора ва шаффоф эканидан, иккинчи томондан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бундан кейин шахсан давлат раҳбари назоратида бўлишидан, учинчи томондан, халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига бўлган ишончи тобора ошиб бораётганидан, тўртинчи томондан, виртуал қабулхонага мурожаат қилиш ўта қулай ва осон, замонавий ҳамда ортиқча расмийчиликлардан ҳоли, бешинчи томондан, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари жуда қисқа, олтинчи томондан, мурожаатларда кўтарилган муаммоларни ижобий ҳал этиш кўрсаткичи ниҳоятда юқори, еттинчи томондан, жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари самарали татбиқ этилаётгани, халқимизнинг улардан фойдаланиш даражаси юксалиб бораётгани, одамлар яратилган имконият ва қулайликлардан ўз кундалик ҳаётида тўғри ва мақсадли фойдалана олаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга

доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4904-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси" каби муурожаатлар билан шуғулланадиган махсус институтларнинг жорий этилиши мазкур соҳага тааллуқли институционал тузилмалар доирасини янада кенгайтиришни амалий исботи бўлди, дейишимиз мумкин.

Мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари институти фаолиятини такомиллаштириш бўйича сезиларли чора-тадбирлар кўрилган бўлса-да, амалиётда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашга тўққинлик қиладиган айрим камчиликлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Булар қуйидагилардан иборат:

1. Янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 38-моддасида муурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган.

Бу ҳуқуқий норма Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида назарда тутилган. Хусусан, мазкур модданинг диспозициясида «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклашни, муурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик», деб белгиланган.

Бироқ янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, қабул қилишни рад этиш (8-модда); қабул қилиш, соати ва жадвалини белгилаш, муурожаатларни тааллуқли юзасидан қайси органга муурожаат қилиш лозимлигини тушунтириш, муурожаатчини хабар қилмасдан махсус техника воситаларини қўллаш (9-модда); муурожаатчини камситишга йўл қўймаслик (16-модда); муурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўймаслик (19-модда); муурожаатга тиркалган ҳужжатлар бошқа органга юборилганда илова қилиш (21-модда); узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддатни тиклаш (22-модда); муурожаатни белгиланган муддатда рўйхатдан ўтказиш, рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритмаслик, талаб даражасида тўлдирмаслик, оммавий қабул баёнмасида кўрсатмаслик (23-модда); муурожаат ижросини белгиласлик, муурожаатларни кўриб чиқаётганда бошқа ташкилотлардан сўралган ахборотларни ўн кун ичида тақдим этмаслик (24-модда); муурожаатни асоссиз бошқа органга юбориш (25-модда); муурожаатчини эшитиш, муурожаат бўйича ўз фикрини билдириш ва қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини бериш (26-модда); муурожаат жавоби ваколатли шахс томонидан имзоланиши (27-модда); муурожаат кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузиш ва тасдиқлаш (29-модда); ваколатли шахс муурожаатни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, муурожаат қақриб олинганда қайтармаслик, бироқ қонун бузилиш аниқланганда бартараф этиш чораларини кўриш (30-модда); муурожаатни жавобини тушунтириш ва уни тузатиш илтимосини кўриб чиқмаслик (31-модда); муурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот бермаслик, таништир-

маслик (32-модда); қарордан рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтирмаслик, моддий зарар, маънавий зиён ва маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўрмаслик (33-модда); доимий мониторинг ва назоратни амалга оширмаслик, назоратга олинган муурожаатни назоратдан ва ижродан олмаслик (34-модда); ҳар чоракда умумлаштирмаслик ва таҳлил этмаслик, умумлаштириш ва таҳлил натижалари бўйича тузилган маълумотномаларни расмий веб-сайтларда эълон қилмаслик (35-модда) каби ҳолатлар бўйича қонун бузилиши юзасидан жавобгарлик назарда тутилмаган. Бу эса, амалиётда ечим топилмаган муаммо бўлиб турибди.

Ушбу ҳуқуқдаги бўшлиқни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддаси диспозициясини «*шунингдек муурожаатларга доир Қонуннинг бошқа талабларини бузиш*» деган матн билан тўлдириш таклиф этилади.

2. Юридик шахсларнинг муурожаатларида турли органлар ваколатларига тааллуқли масалалар баён этилган тақдирда, ушбу муурожаатни унда кўрсатилган ҳолатларнинг аҳамиятига қараб, муурожаатни кўриб чиқувчи давлат органлари, ташкилотлари ва бошқа ваколатли идораларга жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини коллегиял эшитишни ўтказиш учун муурожаат қилишга ҳақлилиги тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилиши лозим.

Бу – муурожаатда назарда тутилган муаммолар жойида қисқа муддатда ўз ечимини топишига, жисмоний ва юридик шахсларнинг узоқ масофаларга бориб, идорама-идора юриб сарсон бўлишининг олдини олишга, муурожаатларнинг ваколатли орган томонидан ҳал этилиши чоралари кўрилишига, муурожаат этувчининг масъул шахс билан юзма-юз мулоқотда бўлиши муурожаат мазмуни юзасидан ортикча тушунмовчиликлар келиб чиқишини олдини олишга ва давлат органлари фаолиятининг очик ва шафоқлигини таъминлашга ҳамда давлат органларига мулоқот орқали жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан танишиш имконини беради. Шунингдек, мулоқот жараянида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида тарғибот тадбирлари амалга ошириладиган ва «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», деган эзгу гоянинг амалий ифодасини, энг асосийси, муурожаат қилиш тўғрисидаги конституциявий меъёрнинг халқчиллигини таъминлайди. Шу боис, муурожаатларни коллегиял равишда эшитиш амалиётини жорий қилиш тавсия этилади.

Мухтасар айтганда, демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай давлатда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари институти янада ривожлантириш ва такомиллаштириш фуқаролик жамияти сари муҳим интилишларини ифода этади. Зеро, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари институти кучли ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Содиқ ЮЛДАШОВ,

*Жамоат ҳавфсизлиги университети
профессори в.в.б, ю.ф.д. (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.—Т.: "Yuridik adabiyotlar publish", 2023.
2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.
3. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида билль.—Т.: "Адолат", 1992.—Б.12.
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. —Т.: "ЎЗБЕКИСТОН", 1992.—Б.426.
5. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари — олий кадрият. Акмал Саидов. <https://old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/8638-inson-u-u-lariva-erkinliklari-olij-adriyat>.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТ СУДИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРОГА ҚАРАТИШДА ХАЛҚАРО СУДЛОВЛИЛИК

АННОТАЦИЯ:

мақолада чет давлат судларининг ҳал қилув қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишда “билвосита халқаро судловлилик” ва унинг мутлақ халқаро судловлиликдан фарқлари ёритилган. Шунингдек, чет давлат судининг ваколатини аниқлашда қўлланиладиган усуллар ҳамда бу борада Нидерландия, АҚШ, Буюк Британия ва Франция каби етакчи давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Калит сўзлар: халқаро судловлилик, экзеватура, билвосита халқаро судловлилик, суд қарорларининг ижроси, юрисдикция.

Ҳар қандай суд жараёнларининг мантиқий якуни суд қарорларининг тан олиниши ва ижро этилишини талаб қилади. Суд қарорининг ижро этилмаслиги эса ижрогача амалга оширилган барча ҳаракатларнинг зое кетганини англатади. Шунингдек, суд жараёни иштирокчилари, фуқаролар ва жамиятнинг суд органига бўлган ишончига путур етказилади. Бир мамлакатда қабул қилинган суд қарорларини бошқа давлат ҳудудида ижро этиш бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Суд қарорлари ушбу қарор чиқарилган давлат ҳудудида кучга эга бўлиб, унинг юрисдикциясидаги ҳуқуқий тартиботнинг бир қисми ҳисобланади. Шунинг учун, бир давлат судининг қарорини бошқа давлат ҳудудида тан олиш ва ижро этиш учун махсус тартиб-таомилларга риоя қилиниши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 255-моддаси 1-қисм 7-банди ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 370-моддаси 1-қисм 7-бандида чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишни рад этиш асоси сифатида ишни чет давлатнинг ваколатсиз суди томонидан ҳал этгани кўрсатилади. Судлар чет давлат судининг қарорини тан олиш ва ижро этишга қаратиш масаласини кўриб чиқаётганда чет давлат судининг ваколатлари доирасига баҳо бериш қоидалари, яъни билвосита халқаро судловлилик асосида ўрганиб чиқиши талаб қилинади. Бошқача қилиб айтганда, миллий суд чет эл судининг ваколатига ҳуқуқий баҳо беради.

Билвосита халқаро судловлилик дегани чет давлатнинг юрисдикциясини маълум даражада тан олишни билдиради. Буни мутлақ халқаро судловлилик қоидалари билан адаштирмаслик лозим. Мутлақ халқаро судловлиликда суд маълум турдаги ишларни (асосан, кўчмас мулк билан боғлиқ ишларни) кўриб чиқиш давомида уларни фақатгина ўзига тегишли эканлигини белгилаб, бундай турдаги ишларни кўриб чиқишда чет давлат юрисдикциясини тан олмайди. Шунинг билан биргаликда, мутлақ халқаро судловлилик суднинг ўз ваколат доирасини белгилайди, чет давлат судининг ваколатига ҳуқуқий баҳо бермайди.

Билвосита халқаро судловлилик тушунчаси бизнинг суд амалиётимизда янги тушунча бўлганлиги сабабли, қонунчиликда бу масалада аниқ қоидалар белгиланмаган. Шундай экан, куйида чет давлатларнинг билвосита халқаро судловлиликни тартибга солиш қоидалари билан танишиб чиқамиз.

Нидерландия давлатида чет эл суди қарорининг экзеватураси учун уч шарт амал қилинган бўлиши керак:

- 1) юрисдикциянинг тўғри белгиланганлиги;
- 2) оммавий тартибга зид эмаслиги;
- 3) лозим процедураларга риоя қилинганлиги.

Юрисдикциянинг тўғри белгиланганлиги, яъни ишни чет давлатнинг ваколатли суди кўриб чиққанлигини аниқлаш учун хорижий суднинг ваколати ўша давлатнинг халқаро судловлилик қоидаларини баҳолаш орқали амалга оширилади. Агар хорижий давлатнинг халқаро судловлилик қоидалари халқаро стандартларга мос келса, Нидерландия ўша давлат судининг компетенциясини тан олади. Халқаро стандартлар деганда, Брюссель ва Лугано Конвенцияларида кўрсатилган халқаро судловлиликни белгилаш қоидалари тушунилади. Ушбу конвенцияларга кўра халқаро судловлилик куйидагича ўрнатилади:

- *forum rei* – жавобгар асосий фаолият кўрсатадиган жойдаги суд;
- филиал ёки ваколатхона жойлашган жойдаги суд;
- тарафларнинг ишни қайси суд орқали кўриш тўғрисидаги битими билан танлаган суд;
- тарафлар ўз ихтиёрлари билан бўйсунган суд;
- *forum connexiatatis* – ишга алоқадор, масалан, қарши даъво учун дастлабки даъво берилган суд;
- *forum delicti* – зарар келиб чиққан ёки зарар етказилган жойда жойлашган суд;
- *forum rei sitae* – ашёвий ҳуқуқлар борасидаги низо бўйича кўчмас мулкка нисбатан мулк жойлашган жойдаги суд;
- *forum solutionis contractus* – шартнома бажариладиган жой суди;
- *forum arresti* – ташиш ва фрахт (юк ташиш ҳақи) муносабатларидан келиб чиқиб кема банди қилинган жойдаги суд;
- кучсиз тараф (истеъмомчи, ходим) жойлашган жойдаги суд.

Шунинг билан биргаликда, суд олдида тушунчаларни малакалаш муаммоси келиб чиқади. Масалан, жавобгар домицили (асосий фаолият жойи) қандай тушунилиши, истеъмомчи деганда ким назарда тутилиши, меҳнат муносабатларининг ҳақ эвазига хизмат кўрсатишдан фарқи қандай аниқланиши муҳим ҳисобланади. Нидерландия судлари шу каби тушунчаларни малакалашда ўша давлат қонунчилигига асосланади.

АҚШнинг 28 штати ва Колумбия федерал округида “Чет давлат судларининг пул маблағларни ундириш бўйича қарорларини тан олиш тўғрисида”ги бир хиллашган Қонуни (Uniform Foreign Money Judgements Recognition Act)га асосан, чет давлат судининг қарорларини бошқа штат судлари қарорлари сингари тан олиш белгилаб қўйилган. Чет давлат судининг компетенцияси (ваколати)ни аниқлаш учун “лозим даражадаги минимал боғлиқлик” мезони қўлланилади.

Франция хорижий давлат суди ваколатларини аниқлашда ўзгача йўл тутати ва у икки босқичда амалга оширилади:

1) билвосита халқаро судловлиққа оид миллий қоидалар асосида чет давлат судининг халқаро судловлиғи текширилади;

2) чет давлат судининг ўша давлат қонунчилиғи асосида халқаро судловлиғи аниқланади.

Бу усул “кўзгу акси” тамойили, деб ҳам номланади.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ҳар бир давлатда чет эл судининг ваколатларини аниқлашда турлича ёндашувлар мавжуд. Хорижий мамлакат судининг қарорларини тан олиш ва ижро этиш учун ваколатларни аниқлашнинг турлича кўринишларини таснифлаб чиқиш мумкин:

1) қонунда алоҳида боғловчиларни кўрсатиб ўтиш;

2) чет эл судининг халқаро судловлиғи тан олинмайдиган рўйхат тузиш;

3) “кўзгу акси” тамойилини қўллаш (чет эл судининг ваколатини миллий қонунчиликдаги ваколат берувчи меъёрлар ёрдамида аниқлаш).

Ўзбекистон Республикасида хорижий давлат судининг ваколатини аниқлаш учун билвосита халқаро судловлиқнинг айнан қайси усулини қўллаш мақсадга мувофиқ? Бизнинг фикримизча, билвосита халқаро судловлиқни тартибга солишда “кўзгу акси” моделидан фойдаланиш маъқул ҳисобланади. Бу усулнинг қулайлиғи шундаки, аввало, уни қўллаш бир қатор устунликларга эга. Мазкур усулга кўра миллий суд ўз давлатида қанча юрисдикцияни тан олса, хорижий давлат юрисдикциясини ҳам шу даражада тан олади. Малакалашдаги чалкашлиқнинг олдини олиш учун чет давлат судининг ваколатларини вужудга келтирган ҳолатлар бўйича миллий қонунчилик ўша давлат суди номидан қўллаб кўрилганда хорижий давлат суди ваколатли ҳисобланса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳамда иқтисодий ишлар бўйича судлари учун ҳам ушбу суд ваколатли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратишда халқаро судловлиқ масаласи ўзининг мураккаблиғи билан ажралиб туради. Шу сабабли, билвосита халқаро судловлиқ қоидаларининг тўғри қўлланилиши хорижий давлат судлари томонидан чиқарилган қарорларнинг тан олинishi ва ижрога қаратилишида муҳим омил ҳисобланади.

Жахонгир АЛЛАЁРОВ,

ТДНУ доценти,

Дилафруз ШОДМОНҚУЛОВА,

Тошкент шаҳар суди судья катта ёрдамчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бернам У. Правовая система США / У. Бернам. – М.: РИО Новая юстиция, 2006. – С.1112.
2. Литвинский Д.В. Признание иностранных судебных решений по гражданским делам (сравнительно-правовой анализ французского законодательства, судебной практики и юридической доктрины) / СПб., 2005. - с. 64.
3. Rosner Norel. Cross-border Recognition and Enforcement of Foreign Money Judgments in Civil and Commercial Matters/ Norel Rosner. - Groningen, Ulrik Huber Institute for Private International Law, 2004. - P. 31.
4. <https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/ALL/?uri=celex:32012R1215>.



Магдалена ПЕРНЕТ,
Польшанинг “Polsatnews” телеканали мухбири:



– Конституцияга ўзгартиришлар киритиш, айниқса унинг 60 фоиздан кўпроққа ўзгартирилгани Ўзбекистон учун, шубҳасиз, тарихий воқеадир. Янги таҳрирдаги Асосий қонунда сўнгги йилларда мамлакатда рўй берган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа ўзгаришлар ўз ифодасини топган. Конституциянинг мамлакатнинг янги қиёфасига мослаштирилиши, белгиланган мезонлари давлат тараққиётидаги кейинги қадамларни осонлаштиради ва тезлаштиради. Бошқа томондан, Ўзбекистон, менимча, замонавий, тез ривожланаётган, аҳолиси ижобий маънода жуда амбицияли мамлакат. Ёшлар билим эгаллашни, чет элга боришни, ўқишни, ташқи дунё билан танишишни ва ўз юртини ривожлантиришни хоҳлайди.

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ ВА УНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар орасида биринчилардан бўлиб ўзининг Жиноят кодексини қабул қилди. Ушбу Жиноят кодексига аввалги “давлат, жамият, инсон” қолипи ўрнига “инсон, жамият, давлат” деган инсонпарварлик тамойилига хос қоида асос қилиб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни, шу қонун билан янги ҳуқуқий институт “Жабрланувчи билан ярашув” тўғрисидаги алоҳида иш юритиш тартибининг жорий этилганлиги жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш сари қўйилган жиддий қадам бўлди.

Шунингдек, ўтказилаётган ислохотлар натижаси ўларок, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун етказилган моддий зарар қопланганлиги учун айбдорга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланадиган бўлди.

Давлатимиз томонидан мазкур соҳада олиб борилаётган сиёсат натижасида энг аввало, жазолашнинг репрессив, яъни озодликдан маҳрум қилиш турини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонпарварлик тамойилларининг кучайиши ва амалда қўлланиши таъминланмоқда.

Жиноят кодексигаги бир қанча моддаларда етказилган моддий зарар қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш ва озодликни чеклаш тартиқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгиланди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 25-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилинади. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади”, деб белгиланган. Шундай экан инсон ҳаётига нафақат жисмоний шахслар, ҳатто давлатнинг ҳам тажовуз қилиши ножоиз, деб ҳисобланиши кераклигидан келиб чиққан ҳолда ўлим жазоси умуман жазолар тизимидан чиқариб ташланиб, ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қабул қилингандан бошлаб, айбдор шахслар қилмишларини тўғри ва аниқ ҳамда бир хилда квалификация қилиш мақсадида адолатли жазо тайинлаш бўйича Жиноят кодексига 30 га яқин моддалар криминализация қилинди; 3 та модда декриминализация қилинди (ЖК 174, 187, 272-моддалар); жазо тизими бўйича 2 та жазо депенализация қилинди (ЖК 51-модда “ўлим жазоси”, ЖК 53-модда “мол-мулкни мусодара қилиш” жазолари чиқариб ташланди); жазо тизими бўйича 4 та жазо пенализация қилинди (ЖКга мажбурий жамоат ишлари, озодликни чеклаш, узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазолари жазо тизимига киритилди).

Лекин, шунга қарамай суд-тергов органлари томонидан жиноят қонунчилигидаги нормаларни қўллашда баъзи камчилик ва муаммолар мавжудлиги инкор этилмайди, жумладан:

1) Янги таҳрирдаги Конституциянинг 29-моддасида “Ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади”, деб белгиланган.

“Ўзбекистон - 2030” стратегиясининг 4.2.-бандидаги “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар йўналиши”нинг 87-бандида жиддий оқибатлар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари сонини камайтириш белгиланган.

Статистик маълумотларга кўра, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 2023 йил 9 ойи давомида жами 43217 та жиноят иши 54 936 нафар шахсга нисбатан кўрилган бўлиб, шундан 6 666 та шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 266-моддаси бўйича жиноий ишлари очилган. Бу жами кўрилган ишларнинг қарийб 15%ини ташкил қилади. Шундан, Жиноят кодекси 266-моддаси биринчи қисми бўйича судланган 5401 нафар шахсга нисбатан 5 372 та ишни ташкил қилган.

Бу рақамлар бу турдаги жиноятлар сони бошқа жиноятларга нисбатан анчагина кўп миқдорни ташкил қилишини кўрсатади.

Амалдаги Жиноят кодексининг 266-моддаси транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик масалаларига бағишланган бўлиб, унга кўра, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараварига миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши назарда тутилган.

Амалиётда баъзи ҳолларда ҳайдовчи маст ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб транспорт воситасини бошқариб йўл-транспорт ҳодисасини содир этади, натижада жабрланувчи оғир даражадаги шикаст олиб, бир умрга ногирон бўлиб қолади. Айбдор жинояти учун қонунда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо назарда тутилганини билгани ҳолда жабрланувчига умуман ёрдам бермайди. Суд эса унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлагани учун жабрланувчи томон норозилиги келиб чиқади.

Шуни инобатга олган ҳолда мазкур модданинг биринчи қисми санкциясига “уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш” жазоси киритилиши натижасида айбдор томонидан жабрланувчининг моддий зарари қопланишига эришилади ва айбдорга адолатли жазо тайинланиши таъминланади.

2) Статистик маълумотларга кўра, судлар томонидан 2023 йил 9 ойи давомида Жиноят кодекси 73-моддаси бўйича 22 558 та иш қўрилган бўлса, Жиноят кодекси 74-моддаси бўйича 9 202 та материал қўрилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73 ва 74-моддаларида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш қонунда кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши белгиланган. Бу моддаларда ушбу меъёрларни қўлламасликнинг бир нечта асослари белгиланган бўлса-да, айнан жазони ўтаётган шахснинг моддий зарарни қопламаганлиги учун чеклов белгиланмаган.

Айнан шу қонуннинг йўқлиги аксарият ҳолларда айбдор моддий зарарни қопламаган бўлса-да, унинг жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниши ёки жазони енгилроғи билан алмаштирилишига монелик қилмайди. Бу эса ҳақли равишда фуқаровий даъвогар ёки жабрланувчиларнинг норозилигига сабаб бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, амалдаги Жиноят кодекси 73-моддасига "Жиноят кодексининг 164,165,166,167,168,169 ва 184-моддаларини содир этган ва етказилган моддий зарар қопламаган шахсларга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш қўлланилмайди", деган меъёрни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Зеро, янги таҳрирдаги Конституциянинг 29-моддасида "Хуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг хуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларга ҳимояланишни ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади" деб белгиланган;

3) Амалдаги Жиноят кодексининг 29-моддасида иштирокчилик шаклларида "бир гуруҳ шахслар" тушунчаси аниқ кўрсатилмаган бўлса-да, кодекснинг Махсус қисми нормаларининг бир қанчасида "бир гуруҳ шахслар томонидан" жиноят содир этилиши белгиланган. Бу эса, қилмишни малакалашда бир қатор муаммоларни, яъни қилмишни гуруҳ сифатида ёки иштирокчиликда содир этиш билан боғлиқ ҳаракатларни квалификация қилишдаги муаммони келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 27 июндаги "Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 6-сонли қарорининг 16-бандида "Баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст етказган бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракатлари, олдидан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъи назар, тегишлича, ЖК 104-моддаси иккинчи қисмининг "к" банди, 105-моддаси иккинчи қисмининг "и" банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда баданга қасддан оғир, ўртача оғир шикаст бир гуруҳ шахслар томонидан етказилган деб топиш учун икки ва ундан ортиқ шахс бундай шикаст етказиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда ҳам ижрочи сифатида қатнашган бўлиши керак", дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар

бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 13-сонли қарорининг 20-бандида "Бир гуруҳ шахслар ёки уюшган гуруҳ аъзоси томонидан ёхуд ўша гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан одам ўлдириш жиноятини ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг "п" банди билан квалификация қилишда ҳар қайси иштирокчининг жиноятда иштирок этганлик даражаси ва хусусиятини аниқлаш, олдидан тил бириктирув бўлган-бўлмаганлигини ва улар ўртасида вазибалар ўзаро тақсимланган-тақсимланмаганлигини синчиклаб текшириш лозим. Жабрланувчига нисбатан зўрлик ишлатиб, уни ҳаётдан маҳрум қилиш жараёнида бевосита иштирок этган икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари ЖК 97-моддаси иккинчи қисмининг "п" банди билан квалификация қилинади. Бунда ўлимга сабаб бўлган шикаст иштирокчиларнинг ҳар бири томонидан етказилган бўлиши шарт эмас (масалан, иштирокчилардан бири жабрланувчининг қаршилигини бартараф этиб, уни ўзини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум этган, бошқаси эса, унга ҳалок этувчи шикаст етказган). Қасддан одам ўлдиришда бевосита иштирок этмаган ҳамда жабрланувчига нисбатан жисмоний зўрлик ишлатмаган, бироқ ўзгалар томонидан қотиллик содир этилишида кўмаклашган бошқа шахсларнинг ҳаракатлари Жиноят кодекси 28, 97-моддасининг тегишли қисми бўйича квалификация қилинади. Одам ўлдириш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилган тақдирда, жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари, уларнинг жиноятни амалга оширишдаги ролидан қатъи назар, Жиноят кодексининг 28-моддасига ҳавола қилинмаган ҳолда 97-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилинади" деб белгиланган.

Амалиётда битта жиноят эпизодида 1 та бажарувчи, 1 та далолатчи, 1 та ёрдамчи ва 1 та ташкилотчи бўлса, қилмиш "бир гуруҳ" деб квалификация қилинмоқда (масалан: ЖК 169-модда 2-қисми "в" банди бир гуруҳ белгиси билан квалификация қилинмоқда, аслида бу 28, 169-модда 1-қисми бўлиши лозим).

Шундан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг 29-моддасига **"Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топиш учун олдидан тил бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъи назар, икки ва ундан ортиқ шахс жиноят содир этиш мақсадида биргаликда ҳаракат қилиб, уни содир этишда бажарувчи сифатида қатнашган бўлиши керак"** деган меъёрни киритиш мақсадга мувофиқ.

Зеро, бу ўзгариш "Ўзбекистон - 2030" стратегиясининг 4.2-бандидаги "Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар йўналиши"нинг 84-бандида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш амалиётини туширишга хизмат қилиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қабул қилинади бу нормалар фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ва суд-тергов ходимлари учун бундай турдаги жиноятларни тўғри ва аниқ квалификация қилишга, айбдор шахсларга одилона жазо тайинлашга яқиндан ёрдам беради.

Шерзод АБДУҚОДИРОВ,

жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти
Бука туман судининг раиси.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – БОШ МАҚСАДИМИЗ

Мустақил Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади, халқимиз манфаатлари кўзланган ислохотларни амалга оширишга қаратилган жиҳатлар янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам мустаҳкам белгиланган. Конституция ҳар бир давлат тараққиётининг пойдевори бўлган ҳуқуқий, сиёсий ва мафкуравий ҳужжат - мамлакатнинг асосий қонуни ҳисобланади.

Конституциямизнинг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, дея таъкидланган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаш, халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг устувор вазифаларидан биридир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 19-моддасида “Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва қафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади”, деган инсонпарвар норма мустаҳкамланган.

Конституцияга киритилган ушбу меъёр инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг Ўзбекистон Конституцияси ва халқаро ҳужжатларга мувофиқ тан олинишини, хусусан, уларни халқаро ҳужжатларда кўрсатилган умумэтироф этилган нормаларни амалиётда тўғридан-тўғри қўллаш, миллий қонунчилик ҳужжатларига сингдириш ва бошқа механизмлар орқали таъминлашни назарда тутди.

Инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига ҳамда Конституцияга мувофиқ эътироф этилиши деярли барча демократик давлатлар конституцияларида белгиланган.

Мазкур норма, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларининг инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, давлат органлари ва мансабдор шахсларга қарорлар қабул қилишда халқаро ҳужжатлар талабларига риоя этиши, иккинчидан, фуқароларга давлат органлари билан муносабатларда, шу жумладан суд-тергов амалиётида халқаро ҳужжатлардаги нормалардан фойдаланган ҳолда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қафолатларини яратади.

Инсон ҳуқуқлари ҳар бир инсонга тегишли бўлган унинг яшаш жойи, миллати, жинси, этник келиб чиқиши, дини, тили ва бошқа белгиларидан қатъи назар, ажралмас, ўзаро боғлиқ ҳуқуқлар ва эркинликлардир. Инсон ҳуқуқлари кадр-қиммат, адолат, тенглик, ҳурмат ва мустақиллик каби умумий қадриятларга асосланади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 20-моддасида илк бор “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди” деб қайд қилинган тўғридан-тўғри қўлланиладиган муҳим норма мустаҳкамланган.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амал қилиши деганда, шахснинг тўғридан-тўғри Конституцияга асосланиб, барча қонуний воситалардан фойдаланган ҳолда уларни ҳимоя қилиш имконияти тушунилади.

Инсон асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амал қилиши уларни ҳаётга тадбиқ этишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур норма, бир томондан, шахснинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва ривожлантиришни, иккинчидан, шахснинг ҳуқуқий ҳимояси механизмини такомиллаштиришни таъминлайди.

Шундан келиб чиқиб, ушбу принципнинг конституциявий норма сифатида белгиланиши қуйидаги имкониятларни яратади: биринчидан, фуқароларимиз учун ўз ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилиш имкониятини беради, иккинчидан, судлар инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид муайян ишларни кўраётганда Конституциядаги инсон ҳуқуқларига оид нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш имкониятини яратади, учинчидан, барча даражадаги давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятида инсон ҳуқуқларига бевосита амал қилиш қондасига риоя қилиш шартлигини яна бир бор эслатиб туради.

Мазкур конституциявий норма ислохотларнинг бош мақсади “инсон қадри учун” ғоясини кундалик амалиётимизда бош қадриятга айлантиришга, яъни инсоннинг шаъни ва кадр-қиммати бундан буён барча соҳаларда биринчи ўринда туришини таъминлашга хизмат қилади.

Қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар фаолиятининг асосий мақсади инсон қадрини таъминлашдан иборатдир. Дарҳақиқат, инсонни улуғлаш унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда унинг бахтли ҳаёти учун зарур шароит яратишдан бошланади.

Шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқаролар манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишининг ишончли ҳуқуқий асоси бўлиб, ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш шароити, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиш беришга хизмат қилади.

Инсон шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги олий қадрият бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятида уни амалда таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда таъкидлаганларидек: "Инсон қадрини юксалтириш ҳақиқатда давлат ҳокимияти органларининг конституциявий бурчи ва устувор вазифаси бўлмоғи шарт".

Шу нуқтаи назардан, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 26-моддасида "Инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас" деган инсонпарвар норма мустаҳкамланди.

Инсон шаъни – бу инсоннинг бошқа одамлар олдида ўз аҳамиятини англаши ёки инсоннинг маънавий обрўсидир. Инсон қадр-қиммати – бу шахснинг ўзини ўзи ҳурмат қилиши, жамият аъзоси сифатида ўз мавқеи ва аҳамиятини англашидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 йил), Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция (1984 йил) каби халқаро ҳужжатларга асосан инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг ор-номуси, шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига олиб келадиган, ҳаёти ва соғлигини хавф остига қўядиган, унга жисмоний, маънавий ёки руҳий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш тақиқланиши шахс шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишнинг асл моҳиятини ташкил этади.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, айниқса, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўз фаолиятида ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон шаъни, ор-номуси ва қадр-қимматида дахл қилмаслиги, камситмаслиги, аксинча, уларга инсоний муносабатда бўлишлари лозим. Масалан, шахсий тинтув ўтказилаётганда тинтув жараёни терговчи ёки суриштирувчи томонидан мутахассис ҳамда холислар иштирокида ўтказилиши ҳам инсон шаъни ва қадр-қимматини таъминлашга қаратилган махсус қоида ҳисобланиб, уни бузиш тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу нуқтаи назардан, миллий қонунчиликда инсон шаъни ва қадр-қимматига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган бўлса, фуқаролик қонунчилигида эса уларга етказилган зарарни қоплашга доир махсус нормалар назарда тутилган.

Ҳуқуқий давлатда барча муносабатлар қонунқоидалар билан тартибга солинади. Ҳар бир муносабат ҳуқуқий ечимини топиши шарт. Аммо ижтимоий муносабатларнинг доираси жуда кенг бўлиб, давлат ва инсон ўртасидаги айрим муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида ноаниқликлар бўлиши мумкин. Шундай ҳолатларда қонунчиликдаги ноаниқликлар кимнинг фойдасига, қандай тартибда ҳал этилиши ва талқин этилиши муҳим ҳаётий аҳамият касб этади. Янги таҳрирдаги Конституциянинг 20-моддасида, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши тўғрисида қоида мустаҳкамланди.

Мазкур қоидага ўхшаш нормалар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Божхона, Солиқ кодекслари, шунингдек "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, амалиётда қонунчиликдаги ноумовфиқликлар истеъмолчилар, солиқ тўловчилар, тадбиркорлик субъектлари, жиноят процесси иштирокчилари фойдасига ҳал этилиб келинмоқда.

Эндиликда, ушбу қонуннинг Конституцияда мустаҳкамланиши унинг қўлланиш доирасини янада кенгайтиради, яъни нафақат жиноят процесси, солиқ ёки тадбиркорлик соҳасида, балки инсон иштирок этиши мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга татбиқ этиш имконини беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси том маънода демократик тамойиллар асосида яратилган, давлат фаолияти қонун устуворлиги асосида амалга ошириладиган, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун хизмат қиладиган Асосий қонун ҳисобланади.

Жамила СУЛТАНОВА,

Хоразм вилояти маъмурий судининг раиси.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ва қолат берган органлар томонидангина амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 7-моддаси.**



**Курбонали
МУХАММАДАЛИЕВ,**
ИИВ Академияси
таянч докторанти

ЖИНОЯТНИ ФОШ ҚИЛИШДА КЎРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИШ

АННОТАЦИЯ:

мақолада кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти тушунчаси ва аҳамияти ҳамда олимларнинг қарашлари таҳлил қилинган. Шунингдек, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракатининг далилларни баҳолашдаги ўрни юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилиб, тақлиф ва тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар: кўрсатув, кўрсатма, мустаҳкамлаб қўйиш, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, ҳуқуқ, эркинлик, далиллар, баҳолаш.

Исбот қилиш жараёнида энг кўп қўлланиладиган усуллардан бири сўроқ қилиш тергов ҳаракати бўлиб, мазкур жараёнсиз жиноят ишларини тергов қилиш, далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш ва баҳолашни тасаввур қилиб бўлмайди.

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг асосини гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва бошқаларнинг кўрсатувлари ташкил қилади. Дастлабки тергов юритиш ва суд босқичида сўроқ қилиш институтининг ислоҳ қилиниши натижасида 2021 йил 18 февраль кундаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодекслариға ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сон қонуни билан ЖПКнинг “Далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар”ни назарда тутган учинчи бўлимидан янги, алоҳида – “Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш” деб номланган институт жой олди. Жиноят ишини юритишда шахнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига эришиш, исбот қилиш жараёнида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (тергов органининг ташаббуси, прокурорнинг илтимосномаси ва суднинг мазкур ҳаракатни амалга ошириши билан боғлиқ) алоҳида аҳамият касб этади.

Юридик адабиётлар ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш билан боғлиқ тергов ва суд ҳаракатлари тушунчасига илмий жиҳатдан асослантирилган аниқ ва лўнда таъриф берилмаганини инобатга олиб кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчасини Ўзбекистон жиноят ҳуқуқ фани ва жиноят-процессуал қонунчилиги учун янгилик деб ҳисоблаб илмий таъриф беришга ва мазкур бирикмадаги “кўрсатувлар” юридик атамасининг истилоҳдаги маъносига тўхталмоқчимиз.

“Кўрсатув” сўзининг луғавий маъноси суриштирув, дастлабки тергов ва судда ҳал қилинаётган ишга оид бирор аҳамиятли ҳолатни аниқлаш учун шахнинг сўроқда берган тушунтиришидир. Яна бир манбада “кўрсатувлар” гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят ҳодисаси ҳақида берган маълумоти дидир” деб изоҳланган. Ўзбек миллий энциклопедиясида эса, кўрсатув “ишдаги фактик (ҳақиқий) маълумотларни изоҳлаш, таҳлил қилиш, бирор воқеа ва унинг иштирокчиларига алоқадор фикр-мулоҳаза, ваз, тахмин ва илтимос тарзида ҳам бўлиши мумкин. Жиноят ишлари бўйича эса — гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ ва жабрланувчи, баъзан мутахассис ҳамда бошқа шахслардан сўроқ қилиш орқали кўрсатув олинадиди, дейилган.

Фикримизча, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилувчи, айбланувчи, судланувчининг “кўрсатувлари” тушунчаси тўғрисида ўзбек миллий энциклопедиясида аниқ ва батафсил тушунча билдирилган. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда гувоҳнинг, жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) тергов ва суд ҳаракатлари жараёнида берган кўрсатувлари деганда уларнинг сўроқ қилиш орқали жиноят ишига оид ҳақиқий маълумотларни баён қилиши ёки далиллар тафсилотлари тўғрисидаги тушунтиришлари англашилади.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, айрим юридик манбаларда ва амалиёт ходимлари “кўрсатув” ва “кўрсатма” юридик атамаларини чалкаштириб ифодалаши кўзга ташланади. Шу ўринда “кўрсатма” атамасининг луғавий маъносига тўхталсак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидагича баён қилинган: “кўрсатма” сўзи ўзбек тилида икки маънони билдириб, улардан иккинчиси ҳуқуқ соҳасига тегишли бўлиб “тергов-суд жараёнида бирор аҳамиятли ҳолат ҳақида шахс (гувоҳ ва б.)нинг берган маълумоти: далилни англатади. Шу ўринда “кўрсатув” ва “кўрсатма” тушунчалари айни бир маънони ифодалайдими ёки бир биридан маъно жиҳатдан фарқ қиладими?, – деган савол туғилади. Адабиётларда кўрсатув (показание) – гувоҳлик; тушунтириш; сўроққа жавоб бериш. “Кўрсатма” – қандай ҳаракат қилишни кўрсатиб бериш, тушунтириш, бажаришга ундаш” каби маъноларда келиши таъкидланган.

Бу икки тушунчалар жиноят процессуал ҳуқуқи ва ЖПК ишлатилишига кўра, бир хил маънони англатмайди. Яъни “кўрсатув” ёки “кўрсатувлар” атамаси бевосита процесс иштирокчиларини сўроқ қилиш жараёнида уларнинг жиноий ҳодисага тааллуқли баёноти, мулоҳазалари, фикрлари, тушунтиришларидан иборат бўлса, “кўрсатма” эса дастлабки тергов юритишни сифатли ва холис амалга оширишни таъминлаш мақсадида суриштирувчи ёки терговчиға тергов тузилмалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда прокурор томонидан бажарилиши қатъий бўлган ёзма шаклдаги йўл-йўриқдан иборат расмий процессуал хусусиятдаги ҳужжат ҳисобланади. Амалдаги жиноят процессуал қонунчилигимизда ҳам шахнинг берган тушунтириши сифатида фақатгина “Кўрсатув” тушунчаси ишлатилган бўлиб, “Кўрсатма” тушунчаси эса юқори турувчи органининг бажарилиши лозимлигини кўрсатувчи йўл-йўриқлари сифатида ишлатилган. Шу сабабли бу икки тушунчани ўз ўрнида ишлатиш мақсадға мувофиқдир.

Шу ўринда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг моҳиятиға тўхталсак. Адабиётларда “олдиндан” сўзи “бирор иш, воқеа-ҳодиса бошланмасдан, рўй

бермасдан илгари” маъноларини англайтиши, “мустаҳкамлаб қўйиш” сўзининг луғавий маъноси эса мустаҳкамламоқ, маҳкамламоқ маъноларида тушунилиши қайд этилган.

Аксарият хорижий давлатлар қонунчилигида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти кўрсатувларни суд депозитига қўйиш маъносида акс этган. Шу орқали гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари олдиндан сақлаб ва мустаҳкамлаб қўйилади. Бироқ, Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “депозит” сўзи (лот. depositum — омонат, асраб қўйилган) – “банкка қўйилган омонатлар, кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлар (акция ва облигациялар) ҳамда пул воситаларидир” деб қайд этилган.

Инглиз тилининг изоҳли ҳуқуқий луғатида “Депозит” тушунчаси суд мажлиси бошланишидан олдин гувоҳни ёки томонларни жиноий, фуқаролик судларида сўроқ қилиш сифатида талқин қилинади. Депозит кўрсаткичлари оғзаки равишда амалга оширилади ва ушбу вақтда депонентга (сўроқ қилинувчи) саволлар берилади. Шунингдек, хорижий давлатларнинг юридик соҳасида – гувоҳлик бериш, қасамёд остида гувоҳлик бериш маъноларини ифодалайди.

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институтининг мазмун-моҳияти тўғрисида хорижий олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Л.Воскобитовага кўра кўрсатувларни суд депозитига қўйиш бу – ҳимоячи томонидан олинган фактларга қонуний куч беришнинг бир усулидир. Унинг сўзларига кўра, ушбу институт дастлабки тергов вақтида ноқонуний хатти-ҳаракатлар (терговчи билан гувоҳнинг муносабати, гувоҳга бошқа шахсларнинг таҳдиди ёки гувоҳнинг ёши) содир этилиши мумкинлигини ҳисобга олиб ҳимоячи томонидан далилларни олиш ва қонунийлаштириш имкониятини беришини таъкидлайди.

В.В.Грищенко ҳам Л.Воскобитованинг фикрига ўхшаш фикр билдирган бўлиб, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш институти ҳимоячиларга терговчининг ихтиёридан қатъий назар, далилларни тўплашни амалга оширишга имкон беришини маълум қилади.

А.С.Гамбаряннинг таъкидлашича ушбу институт жараён иштрокчиларини тергов давомида сўроқ қилиш имконсиз бўлиши мумкинлиги сабаблари бўлганда, тергов судьяси томонидан уларнинг кўрсатувларини сақлаб қўйишни ўз ичига олади.

А.Н.Апхановнинг таъкидлашича, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш уларнинг ишончлилиги ва кафолатланиши сифатида қаралиб, жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида кўрсатувлари мустаҳкамланган шахс йўқ бўлса ҳам, суд томонидан уларнинг объектив баҳоланишига эришилишини ҳамда жиноят-процессуал жараёни янада тезлаштириши таъкидланган.

Ч.Д.Кенжетаев эса ушбу тушунчани бироз бошқачароқ талқин этиб, кўрсатувларни сўроқ қилиш орқали депозитга қўйиш – гувоҳ ёки жабрланувчи манфаатларининг адолатдан устун қўйилишини ва бу билан айрим салбий ҳолатлар келиб чиқишини, яъни гувоҳликларни ўзгартириш орқали суд муҳокамасида айрим қарама-қарши фикрлар берилишини яратади, деб таъкидлайди.

А.А.Поповнинг фикрига кўра, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш бу – том маънода бир нарсани тартибли сақлаш бўлиб, дастлабки терговни олиб бориш чоғида суд



Абдулҳоди ал-ҚАСАБИ,

Миср Парламенти қўмитаси раиси, “Миср – Ўзбекистон” парламентлараро дўстлик гуруҳи раҳбари, Миср сўфийлик орденлари олий кенгаши раиси:



– Янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга хизмат қилаётганлиги таҳсинга сазовор.

Хусусан, Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

“Инсон – жамият – давлат” тамойилининг ҳаётга тадбиқ этилиши, яъни, инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилиши катта эътиборга сазовордир, бу – мамлакатингиз Асосий қонуни ўзбек халқи хоҳиш-иродасининг ифодаси ҳақиқий халқ Конституцияси бўлишига ишончим комил.



томонидан алоҳида ҳолатларда процесс иштирокчисини сўроқ қилиш сифатида тушунилиши кераклигини маълум қилган.

Юқорида берилган фикрларда А.А.Попов ва А.С.Гамбарян кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш тушунчасига тўлиқроқ таъриф берган. Уларнинг фикрига қўшилиш мумкин бўлса-да, бироқ кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тушунчасининг мақсади, вазифаси ва мазмун-моҳиятини тўлиқ очиб бермайди.

Юқорида билдирилган фикрларнинг таҳлили натижасида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйишга нисбатан қуйидаги мазмундаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқишга имкон берди:

Кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш – ишни судга қадар юритиш босқичида далилларни мустаҳкамлаш ва уларга баҳо бериш мақсадида гувоҳ, жабрланувчи ҳамда фуқаровий даъвогарни объектив сабабларга кўра кейинчалик ишни судга қадар юритиш ва суд муҳокамаси чоғида сўроқ қилиш имконияти бўлмаслиги ҳақида етарлича асослар мавжуд бўлганда, суд томонидан суд муҳокамаси қоидаларига мувофиқ сўроқ қилишдан иборат процессуал ҳаракатдир.

Жиноят-процессуал қонунчилигимизда суд тергови жараёнида ўтказиладиган ҳаракатларнинг аксарияти ЖПКда белгиланган тергов ҳаракатларини ўтказишни тартибга солиш процессуал меъёрлар талаби асосида ва уларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши белгиланган. Хулоса ўрнига айтиш мумкинки, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаш суд босқичига қадар суд томонидан амалга ошириладиган процессуал ҳаракат бўлиб, уни ўтказишдан мақсад кейинчилик ишни суд муҳокамасида ҳал қилишда жабрланувчи ёки гувоҳнинг сўроқ қилишдаги кўрсатувларини далиллик аҳамиятини баҳолашда холисликни таъминлаш ҳисобланади.

Муҳими кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш ишни судга қадар юритиш босқичида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан бошланиб, суд томонидан сўроқ қилиш орқали амалга оширилади.

Шунинг учун ҳам кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш сўроқ қилиш тергов ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг таркибий қисми ҳисобланади.

Жиноят ишида тўпланган далиллар жуда муҳим ўрин эгаллайди. Далилнинг етарли эмаслиги ёки қонунга зид равишда олинганлиги сабабли улар номақбул деб эътироф этилганлиги ёки судланувчига қўйилган айбловда унинг айбини тасдиқлайдиган далилларга нисбатан айбсизлигини кўрсатувчи, яъни айбдорлигига шубҳа уйғотувчи маълумотларнинг кўплиги суднинг асосли хулосаси-оқлов ҳукми чиқаришга асос бўлади. Шунинг учун далилларнинг хусусиятлари ишни кўриб чиқишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бизга маълумки, ЖПКнинг 443-моддасида суд тергови вақтида суд томонидан ёзма далиллар, экспертларнинг хулосалари ва тергов ҳаракатлари баённомаларини текшириш белгилаб қўйилган. Ушбу меъёрга кўра, тарафларнинг илтимослари ёки суднинг ташаббусига кўра раислик қилувчи, халқ маслаҳатчиларидан бири ёки суд мажлисининг котиби суриштирувда ёки дастлабки терговда ишга қўшиб қўйилган, иш учун аҳамиятли бўлиши эҳтимол тутилган ёзма далилларни, экспертларнинг хулосалари ва тергов ҳаракатлари баённомаларини ўқиб эшиттиради. Шунингдек,

тарафларнинг шу ҳужжатларнинг ишга аҳамияти бор-йўқлиги тўғрисидаги фикрлари эшитилиб, суд томонидан ҳужжатларни ишга қўйиш ёки тегишлилигига қараб қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, ЖПКнинг 443-моддасида суд томонидан гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамлаб қўйилган суд мажлиси баённомаси кўрсатилмаган. Бу эса суд томонидан суд мажлиси натижасига кўра тузилган ҳамда гувоҳ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари мустаҳкамланган суд мажлиси баённомасининг далиллик хусусиятини кўрсатиб бермайди.

Фикримизча, ишни судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг олдиндан мустаҳкамлаб қўйилган кўрсатувларининг аниқ далиллик хусусиятини намоён қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ЖПКнинг 443-моддаси 1-қисмида “эҳтимол тутилган” жумласини олиб ташлаб, қуйидаги тартибда қўшимча киритиш лозим:

“Тарафларнинг илтимосларига ёки суднинг ташаббусига кўра раислик қилувчи, халқ маслаҳатчиларидан бири ёки суд мажлисининг котиби суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшиб қўйилган, иш учун аҳамиятли бўлган гувоҳ, жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогарнинг кўрсатувлари олдиндан мустаҳкамланган суд мажлиси баённомасини, ёзма далилларни, экспертларнинг хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини ўқиб эшиттиради”.

Ўйлаймизки, юқорида берилган таклифлар натижасида суд тергови вақтида текшириладиган далиллар доираси тўлиқлиги таъминланади ва судга қадар иш юритиш босқичида суд томонидан мустаҳкамланган кўрсатувлар, яъни суд мажлиси баённомаси аниқ далиллик хусусиятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Воскобитова Л.В. Состязательность: две концепции участия адвоката в доказывании // Уголовное судопроизводство. – 2012. – № 2. – С. 22–25.
2. Грищенко В.В. О необходимости введения процедуры депонирования показаний в Российском уголовном процессе. // Российское правоведение: трибуна молодого ученого. Сборник статей. Томск: 2020. – С. 205.
3. Ахпанов А.Н. Депонирование показаний потерпевшего и свидетеля в уголовном процессе Республики Казахстан // Вестник Омского университета. Серия “Право”. 2015. № 4 (45). С. 173–179.
4. Гамбарян А.С., Симонян С.А. Судебное депонирование показаний в современном уголовном процессе: монография – Москва: 2016. – С. 3.
5. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М.А.Ражабова таҳрири остида. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 151.
6. Кенжетаяев Ч.Д. Особенности депонирования показаний в уголовном процессе Республики Казахстан // Уголовное право и уголовный процесс. 2016. № 2 (43). С. 43–46.
7. Мюллер В.К. Англо-русский словарь: 55 000 слов. СПб: Издательский дом “Литера”, 2008. 656 с.
8. Попов А.А. Проблемы регламентации досудебного депонирования показаний в уголовном процессе (компаративистский подход) // Проблемы в российском законодательстве. – 2014. С. 196–200.
9. С.И.Ожегов Словарь русского языка, М.: “Русский язык”, 1986, 719 с.
10. The free dictionary by Farlex Source. URL: <http://legal-dictionary.thefreedictionary.com/deposition> (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 22.02.2023).
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. – Б.882. // <http://n.ziyouz.com>.
12. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т. - Б. 110. // <http://n.ziyouz.com>

ТУМАН, ШАҲАР ҲОКИМЛИКЛАРИНИНГ ҚА- РОРЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВАКОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 123-моддаси вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг ваколатларига бағишланган. Шунингдек, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10-моддасига кўра, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими ер участкаларини доимий фойдаланишга беришга, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишга, туман, шаҳар ҳокимлари жисмоний ва юридик шахслар билан ер участкаларини ижарага бериш шартномасини тузишга ҳақли.

Ушбу қонун талабига кўра, туман ҳамда шаҳар ҳокимлари жисмоний ва юридик шахсларга ер участкаларини доимий фойдаланишга беришга, ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилишга ваколатли эмас.

Бирок, қонунда туман (шаҳар) ҳокимларининг ер билан боғлиқ қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ваколатлари кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сонли фармонида кўра, 2021 йил 1 августдан бошлаб, туман (шаҳар) ҳокимларининг ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиш, фойдаланишга бериш, келгусида ажратиш учун захиралаш, бириктириш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш ваколати бекор қилинган.

Шу ўринда маъмурий ҳужжат қонунга зид равишда қабул қилинган ёки унда арифметик хатога қўл қўйилган тақдирда туман, шаҳар ҳокимлари мазкур қарорни ўзгартиришга ваколатли ҳисобланадими? -деган савол туғилади.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 56-моддасига кўра, маъмурий орган манфаатдор шахснинг илтимосномасига кўра маъмурий ҳужжатнинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда уни тушунтириб бериши, шунингдек ёзувдаги йўл қўйилган хатолар ва янглишишларни маъмурий ҳужжатнинг моҳиятига даҳл қилмаган ҳолда, ўз ташаббусига ёки манфаатдор шахснинг илтимосномасига кўра тузатиши шарт.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10 ҳамда 25-моддалари билан туман, шаҳар ҳокимларининг маъмурий ҳужжатни ўзгартириш ва унга тузатиш киритиш ҳақидаги ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилмаганлиги туман, шаҳар ҳокимлари томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳал этишда, шунингдек, маъмурий судлар томонидан низоларни кўришда турли хил ёндашувларни юзага келтирмоқда. Ваҳоланки, мазкур

қонунда ёзувдаги йўл қўйилган хатоларни, янглишишларни тўғрилаш билан боғлиқ қарорни ўзгартириш ва унинг тартиби белгиланмаган.

Бу ўз навбатида қонунга ўзгартириш киритишни тақозо этади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 25-моддаси биринчи қисмининг 8-бандига “вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари қарорига ўзгартириш киритиш” ҳақидаги жумлани киритган ҳолда “қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қилади, ўзгартириш киритади ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш ҳамда қарорга ўзгартириш киритиш тўғрисида тақдимнома киритади” тарзда қайта таҳрирлаш лозим.

Ушбу меъёрни киритиш орқали амалиётдаги турлича ёндашувларга барҳам бериш баробарида фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузулишининг олди олинади.

Нозимахон ТОЖИЕВА,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмас.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 120-моддаси.**

КОНСТИТУЦИЯДА ТАДБИРКОР ВА ФЕРМЕРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада Ўзбекистонда фермер хўжалиklarининг фаолиятини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўрни, мазмун ва моҳияти ўрганилади. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан республикамизда қишлоқ хўжалик соҳасини тартибга солишчи қонунларнинг қабул қилиниши ва уларнинг аҳамиятли томонлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: фермер, фермер хўжалиги, фермер хўжалиklarининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фермерлик ҳаракати, соҳавий қонунчилик, фермер хўжалиklarининг ҳуқуқий асосларини яратиш, фермер хўжалиklarини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кафолатлаш.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари кенг ривожланиб бораётган ҳозирги даврда давлатимиз томонидан тадбиркорликка, хусусан, фермер хўжалиklари ташкил қилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган фермерлар учун ҳуқуқий асосларни яратиш, уларнинг фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларда фермер хўжалиklари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор натижасида фермерлик ҳаракати мамлакатда соҳанинг локомотивига айланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 65-моддасининг биринчи қисмида “Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши” белгиланган. Шунингдек, Асосий қонундан ташқари соҳага оид бир қанча қонунлар ҳамда қонунности ҳужжатларида тадбиркорлик ва фермер хўжалиklarининг мулкӣ асосларини мустаҳкамловчи асосий қонунлар белгилаб қўйилди.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш керак-ки, хорижий давлатлар Конституцияларида ҳам тадбиркорлик фаолияти ҳамда уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган бир қатор меъёрлар борлигини кузатиш мумкин. Масалан, Қозоғистон Республикаси Конституцияси 26-моддасининг тўртинчи қисмида “Ҳар ким тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиш, ҳар қандай қонуний тадбиркорлик фаолияти учун ўз мулкидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга”лиги назарда тутилган бўлса, Россия Федерацияси Конституциясининг 34-моддасида “Ҳар ким ўз қобилияти ва мулкидан тадбиркорлик ва қонун билан тақиқланмаган бошқа иқтисодий фаолият билан эркин шуғулланиш ҳуқуқига эга” экани мустаҳкамланган.

Мазкур меъёрларни таҳлил қиладиган бўлсак, тадбиркорлик фаолияти билан ҳар ким шуғулланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ушбу соҳавий қонунларни ўрганиш, таҳлил қилиш натижасида уларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатларини деҳқон (фермер) хўжалигига берилган таърифда яққол кўриш мумкин. Мазкур қонунлар хўжалиklarни яққа тартибдаги тадбиркор сифатида ташкил бўлишига имкон яратади. Айни дамда улар ўртасида фарқлар ҳам борлигини кузатиш мумкин. Масалан, Қозоғистон Республикасининг қонуни “Деҳқон ёки фермер хўжалиги тўғрисида” деб номланиши, фикримизча, тушунчаларнинг бир-бирига нисбатан чалкашлигини кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун янги хўжалик юритувчи субъектнинг пайдо бўлиши, айниқса, деҳқон (фермер) хўжалиги тушунчаси, унинг ҳуқуқий ҳолати

хўжалиklar фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга ва ривожлантиришга хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди.

Фикримизча, ушбу давлатларнинг асосий ва соҳавий қонунларини тадқиқ этиш республикамизда фермер хўжалиklари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда, уларнинг бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тенг субъект сифатида фаолият юритишида ва ривожланишида ўрни муҳим.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири 2004 йил 26 августда қабул қилинган. Ушбу қонун фермер хўжалиklари тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида фаолият юритишида асосий манба ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка кўра, мазкур қонун умумий қонунлар, фермер хўжалигини ташкил этиш, фермер хўжалиklари юритиш учун ер участкалари бериш, ердан фойдаланиш ва сув истеъмоли, фермер хўжалигининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда мол-мулки, фермер хўжалиги фаолиятининг ташкил этилиши билан боғлиқ нормалардан иборат.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддаси биринчи қисмида назарда тутилганидек, “давлат фермер хўжалиklarининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди”.

Статистик маълумотларга кўра, Республикамизда 2023 йил 1 апрель ҳолатига барча йўналишлардаги жами 90 774 та фермер хўжалиklarининг манфаатини ҳимоя қилиш учун судларга қарийб 5 642 та даъво аризалари киритилган. Шундан фермер хўжалиklarининг тайёрлов, маҳсулот етказиб берувчи ва хизмат кўрсатиш ташкилотларидан ҳақларини ундириб бериш бўйича 1 324 761 млн. сўмлик судларга даъво аризалари киритилиб, 23 215 таси қаноатлантирилган ва 651 202 млн. сўмини ундириш бўйича судларнинг қарорлари қабул қилинган, 1 398 та ижро варақаси орқали 1 995 004 млн. сўм маблағ фермер хўжалиklarига ундириб берилган.

Бугунги кунда фермер хўжалиklари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъекти ва бу мақом “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Маълумотларга кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг 31,4 фоизи фермер хўжалиklари ҳиссасига (ўсиш – 103,5 %) тўғри келади”.

Назаримизда, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар учун қулай шарт-шароит яратиш бариб бериш баробарида соҳадаги мавжуд қонунчиликни соддалаштириш зарурати вужудга келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни эътиборга олишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, фермер хўжаликлари фаолиятини такомиллаштириш, ривожлантириш билан бирга, уларни тўлиқ кўп тармоқли замонавий фермер хўжалиқларига айлантириш;

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасини модернизациялаш баробарида, ривожланган хорижий давлатларнинг фермерлик фаолиятини тизимли равишда тадқиқ этиш;

учинчидан, амалдаги фермерлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш;

тўртинчидан, фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий томонлама янада ривожлантириш, такомиллаштириш учун ташқи инвестицияларни жалб этиш.

Қолаверса, соҳадаги фермер хўжаликлари билан боғлиқ муаммолар ечимини топишда энг маъқул йўл — мавжуд тажрибаларга таянган ҳолда хорижий давлатлар билан мунтазам равишда тажриба алмашиш, фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича доимий равишда ўқишларни ташкил этиш, улар ўртасида сўровномалар ўтказиш, шунингдек уларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда тажриба орттиришларини мунтазам ташкил қилиш, муаммолар ечимини илмий жиҳатдан асослаш ва амалиётга таътиқ этиш ҳамда соҳага доир қонунларни такомиллаштириб боришдир.

Ҳақиқатан, мамлакатимизда ислохотлар шиддатидан амалдаги меъёрлар бозор талабларига жавоб бермаяпти. Шунинг учун ҳам у қайси соҳа бўлмасин қонун чиқарувчи қонунларни ишлаб чиқишда мукамалликка эътибор қаратиши лозим. Бу эса тадбиркорлик соҳасида қабул қилинган амалдаги қонунларимизни қайтадан ишлаб чиқишни тақозо этади.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкин:

биринчидан, фермер хўжалиқларига зарур шарт-шароит ва қулайликлар яратиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш билан бирга фермерлар онгига миллий қадриятларни сингдириш;

иккинчидан, фермер хўжалиқларининг иқтисодий ва молиявий эркинлигини таъминлаш учун амалдаги қонунларда уларнинг имтиёз ва имкониятларини қайта кўриб чиқиш;

учинчидан, соҳадаги мавжуд муаммолар ечимини топиш мақсадида ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигини доимий равишда тадқиқ этиш ва қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни такомиллаштириб бориш;

тўртинчидан, фермер хўжалиқларининг бозор шароитида соҳадаги қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тенг рақобат таъсирида фаолият юртишини таъминлаш.

Хусниддин ДАМИНОВ,

Судьялар олий мактаби таянч докторанти,
ТДНУ Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Закон Республики Казахстан “О крестьянском (фермерском) хозяйстве”. http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30606740&pos=5;-106#pos=5;106.
2. Оқюлов О. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқининг долзарб муаммолари. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. 51-б.
3. Федеральный закон от 11.06.2003 №74-ФЗ (ред. от 06.12.2021) “О крестьянском (фермерском) хозяйстве” (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.03.2022.) <https://legalacts.ru/doc/federalnyi-zakon-ot-11062003-n-74-fz-oi/>.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.04.2021 й., 03/21/680/0263-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 йил, 03/23/837/0241-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (2021 йил 1 мартга бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан). –Тошкент: “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 40-41-сон, 433-модда.
9. O'zbekiston fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari Kengashining 2023 yildagi faoliyati to'g'risidagi ma'lumotdan.
10. 2022 йил якуни бўйича қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили. <https://www.agro.uz/charts/>.
11. www.vescc.com/constitution/kazakh-constitution-rus.html.
12. www.vescc.com/constitution/russian-constitution-rus/html.



Кшиштоф Пломински,

Европа дипломатия академияси
элчилар кенгаши аъзоси ва Ягеллон университети профессори:



– Конституцияда белгиланган иқтисодий тамойиллар давлатнинг келажаги учун муҳим пойдевор ҳисобланади. Янги таҳрирдаги Асосий қонуннинг 67-моддасида давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаши, тадбиркорлар қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли эканлиги тамойили кўзда тутилганлиги Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар чуқур ва ортга қайтмас эканлигидан далолат беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланиши, монопол фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши нормаси ҳам муҳим аҳамият касб этади.

“САМОСУД” – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИЛДИЗИГА УРИЛГАН БОЛТА

Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда “самосуд”, яъни фуқароларнинг ўзича судлаш ҳолати билан боғлиқ видеотасвирлар, ахборотлар кўпайиб бормоқда.

Бу эса, биз қандай жамиятда яшашни истаймиз? Кучли давлат, кучли фуқаролик жамияти орқали бунёд бўлиши айни ҳақиқат эмасми? Агар ҳар томонлама ривожланган, демократик давлат истасак, уни аввало ўзимизга қонунларни татбиқ этишдан бошлашимиз керак эмасми?, каби қатор саволларни пайдо қилади.

Инсон руҳиятида ҳар доим “жиноятчи”га шу онда ва шафқатсиз жазо бериш истаги кучли бўлади. Айниқса, давлат томонидан жазо муқаррарлиги шубҳа остига олинса ёхуд энгил жазо билан қутулиш имконияти юқори дея топилган вазиятлар кишиларни “самосуд”га етаклайди.

Кишилар онгида айбдор омма томонидан самосуд орқали жазоланса, у бу йўлга қайтиб қирмайди, деган тунча бор. Баъзан самосуд жараёнида оломон вакиллари гумондорни қўриқиб қўйишни, шу йўл билан жиноятдан қайтаришни ўйлайди. Аммо, вазият ҳар онда издан чиқиб кетиши, кўпчиликнинг биттадан отган тоши ёки биттадан туширган мушти бир инсоннинг ҳаётига яқун ясаши мумкин. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам уни одамлар наздида жиноятчиға чиқариб қўяди.

Шахсни ўзича суд қилиш ва уни жазолаш жамият учун катта хавф туғдирадиган ҳолат. Чунки, “самосуд” билан боғлиқ ҳолатлар шунчаки маданиятсизлик бўлиб, жамият ичкарисида бошбошдоқлик келтириб чиқариши мумкин. Тартибсизликлар мамлакат ривожига салбий таъсир кўрсатади. Ҳар қандай замон ва маконда ҳукумат бундай ҳолатларга қарши кескин курашади.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Қўча жанжалларида чиқарилган қарор доим адолатли бўлавермайди. Чунки, “ўзича судлаш” пайтида жазолаётган шахслар ҳис-ҳаяжонини жиловлай олмайди. Айбланувчини сўроқ қилмай, иккинчи ва учинчи томонларни тингламай, кучи етганча жазолаб кетаверади.

Бу борада малакатимиз қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига кўра, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Яъни, тегишли суднинг қарорисиз бировни айбдор ҳисоблаш ҳам, жазолаш ҳам мумкин эмас.

Жиноят кодексининг 229-моддасига биноан, ўзбошимчалик, яъни ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат, жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 300 соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, “самосуд” қилиш натижасида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлик учун ҳам қонунчиликда жавобгарлик белгиланган. Яъни, Жиноят кодексининг 103-моддасига кўра, шахсни қўриқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда

камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзига суиқасд қилиш даражасига етказиш 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Шу билан бирга, ўзича судлаш (самосуд) оқибатида қасддан одам ўлдириш жинояти содир этилса, Жиноят кодексининг 97-моддаси 1-қисми билан жиний жавобгарликка тортилиб, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирса, Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг “л” банди, яъни безорилик оқибатида қасддан одам ўлдириш ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Ҳозирда ижтимоий тармоқлар орқали кунда-кунора чиқаётган бировга тан жароҳати етказиш, ҳатто ўлдириб қўйиш билан боғлиқ воқеаларга асосан спиртли ичимлик таъсирида ақлини бошқара олмаслик сабаб бўлаётганини кўриб турибмиз. Аммо, ақл-у ҳуши жойида, соғлом фуқароларимиз ҳам бошқаларнинг тахминий ёки ҳақиқий айби учун ўзларича судлаш ҳолатлари ҳам учрамоқдаки, бу ўта хавfli ва ачинарли ҳолдир.

Ўзича судлаш ҳар қандай ҳолда ҳам жамият учун хавфлидир. Чунки, авваламбор “судланган” шахс айбдор бўлмаслиги мумкин. Ёки у айбдор бўлганда ҳам, жазо адолатли бўлмаслиги, кўп ҳолларда кичик айби учун ўта жиддий жазо бериб юборилиши эҳтимоли юқори. Одатда, кўпчилик бўлиб бирор жиноятга ўзича жазо бераётган шахслар ўз ҳис-ҳаяжонларини жиловлай олмайдилар.

Қолаверса, “самосуд”ни амалга ошираётган шахслар ёки шахснинг ҳаёти, агар жазоланаётган чиндан ҳам жиноятчи бўлса, бу ҳолда хавф остида қолади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак-ки, демократик давлатларда ҳар қандай низолар суд орқали, қонунчиликда белгиланган тартиблар йўли билан ҳал этилиши керак. Ҳуқуқингиз топталса, қонун бузилиш ҳолатларига дуч келсангиз, тегишли идораларга хабар қилинг. Шахсни, у қандай турдаги жиноят содир этган бўлмасин, омма олдида сазойи қилиш муаммонинг ечими бўла олмайди. Аксинча, бу билан асли жабрланувчи бўлган фуқаро айбдорга айланиб қолиши, жиноятда айбланаётган шахс эса, жабрланувчи сифатида кўрилиши маълум.

Ҳабибулло МАДАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг катта консултанти,

Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,

ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика йўналиши талабаси.

РЕАБИЛИТАЦИЯ ЭТИЛГАН ШАХСЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗИЁННИ ҚОПЛАШ

Оқлов ҳукми билан боғлиқ яна бир муҳим масала борки, бу шахснинг реабилитацияси ҳисобланади. Реабилитация дегани нима?

Ушбу саволга оддий тил билан жавоб берсак, реабилитация бу - дастлабки терговда ёки суриштирувда жиноий жавобгарликка тортилган, кейинчалик жиноят иши тугатилган ёки оқлов ҳукми чиқарилган ҳолда ноҳақ айбланган шахснинг барча ҳуқуқларини тиклаш, бартараф этиш, нафақат обрўси, шаъни ва кадр-қиммати, балки моддий зиённи қоплаш, оммавий ва хизмат соҳасига доир маҳрум қилинган ҳуқуқлари ва эркинликларини ва жамиятда унинг ҳалол номини тиклашдир.

Реабилитациянинг асослари ЖПКнинг 83-моддасида мустаҳкамлаб кўйилган бўлиб, унга кўра, жиноий ҳодиса юз бермаганлиги, жиноят таркиби мавжуд эмаслиги, шахснинг жиноятга дахлдор эмаслиги туфайли жиноят ишини тугатиш, шахсни оқлаш, уни айбсиз эканлиги судда тан олинади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 18-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра, судлар томонидан ушбу тоифадаги ишлар юзасидан ҳуқуқий муносабатларнинг тартибига оид масалаларга тўлиқ тушунтириш бериб ўтилган.

Мазкур Пленум қарорининг 1-бандида, “Шахсни реабилитация этиш Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда ишни судга қадар юритиш босқичида жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш, гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан айбловни тугатиш, судда оқлов ҳукми чиқариш, жиноят ишини тугатиш каби процессуал ҳужжатлар орқали амалга оширилиши” кўрсатилган.

Қарорнинг ушбу талабини кенг маънода ўрганиб чиқсак, суднинг ҳукмига асосан оқланган шахслар билан бирга, ҳар бир айбланаётган шахс, айблов ҳукми чиқарилган маҳкум ёки суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтаётган маҳкумлар ҳам реабилитация ҳуқуқига эга бўлади. Албатта, уларнинг реабилитацияга бўлган ҳуқуқлари айблов ҳукми бекор қилинган ёки жиноят иши тугатилганидан сўнг келиб чиқади.

Ушбу ҳуқуқларни таъминлаш давлат томонидан амалга оширилади, чунки ноҳақ одамни айбдор деб топиш ҳақидаги терговчи ёки суднинг адолатсиз қарори туфайли фуқароларга етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олиб, барча харажатларни қоплаши керак.

Қонун бўйича реабилитация қилинган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш деганда, унинг мулкӣ,

меҳнат, нафақа, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа шу каби ҳуқуқларини тиклаш тушунилади.

Асоссиз жабр кўрган одамга мулкӣ зиённи қоплаш бўйича қонунчиликда бир неча талаблар кўрсатилган.

Жумладан, реабилитация қилинган шахс ўзига нисбатан амалга оширилган ноқонуний ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва бошқа меҳнатдан топиладиган даромадларини, тўхтатиб кўйилган пенсия, нафақаларни қоплаб олиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, агар адолатсиз қарор оқибатида шахснинг мулкӣ мусодара қилиниб, давлат фойдасига ўтказилган бўлса, барчаси қайтарилади, бундай мулк йўқотилган тақдирда, унинг қиймати реабилитация қилинган шахсга давлат томонидан қайтарилиши шарт.

Шу билан бирга, агар реабилитация қилинган шахс дастлабки тергов, суриштирув ва суд жараёнида ҳимоячи ёрдамидан фойдаланган бўлса, адвокатга тўлаган барча пуллари ҳам унга тўлиқ қайтарилади.

Яна бир муҳим ҳолатга эътибор беришимиз керак.

Жумладан, баъзи ҳолларда шахснинг оқланиши, унинг ноҳақ судланганлиги маълум вақт ўтганидан сўнг аниқланиб, унга нисбатан асоссиз чиқарилган айблов ҳукми бекор бўлиб, ушбу шахс оқланади, аммо ушбу ҳолат, шахс вафот этганидан сўнг юзага келиши мумкин.

Дарҳақиқат, оқлов ҳукми ҳар қандай вақтда ҳам керак, чунки унинг аҳамияти нафақат ноҳақ судланган шахс учун, балки унинг қариндошлари ва яқинлари учун муҳимдир.

Шу сабабли, қонунда бундай ҳолатлар алоҳида қайд қилиниб, асоссиз айбланган ёки ноҳақ судланган шахс вафот этганидан сўнг реабилитация қилинса, унинг барча ҳуқуқлари, шу жумладан мулкӣ, меҳнат, нафақа, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқлари оила аъзоларининг фойдасига ҳал бўлади.

Шунингдек, амалдаги Конституциямизнинг 55-моддасида “Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган” бўлиб, унга кўра, оқланган шахс тергов ёки суд органларининг қонунга хилоф ҳаракатлари оқибатида унга нисбатан етказилган маънавий зарарни ҳам ундириш масаласи юзасидан фуқаролик иш юритув тартибиде даъво кўзғатиб, фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши мумкин.

Элдор НОМОЗОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА ҚЎЛЛАШ

“Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4525-сонли қарорнинг биринчи банди 2-хатбошида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш хусусий мулкнинг дахлсизлигини бузиш сифатида баҳоланади ҳамда бундай ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмаслиги белгиланган.

Шунингдек, хусусий мулкнинг дахлсизлигини кучайтиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 2012 йил 24 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ-336-сонли қонунига Ўзбекистон Республикасининг “Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-656-сонли қонуни 3-моддаси билан 2020 йил 23 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши натижасида “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни 24-моддаси қуйидаги янги таҳрирда: “Давлат мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнида вужудга келган хусусий мулк дахлсиздир. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижалари қайта кўриб чиқилмайди ҳамда бекор қилинмайди.

Қуйидаги кўчар ва кўчмас мол-мулк давлат тасарруфидан чиқарилган ҳамда хусусийлаштирилган корхоналарнинг мол-мулки деб эътироф этилади (қонунга мувофиқ давлат тасарруфидан чиқарилмайдиган ва хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно):

давлат тасарруфидан чиқаришни ва хусусийлаштирилган корхоналарда давлат мол-мулкни хусусийлаштиришни амалга ошириш пайтида аниқланмаган кўчар ва кўчмас мол-мулк;

корхона ҳудудида жойлашган, давлат тасарруфидан чиқаришни ва хусусийлаштиришни амалга ошириш пай-

тида тасарруф этиш ҳуқуқисиз фойдаланишга берилган кўчар ва кўчмас мол-мулк.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш, ҳақиқий эмас деб топиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш тақиқланади.” қабул қилинди.

Бироқ, давлат органлари ёки назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мазкур турдаги даъво аризаси билан ваколатли иқтисодий судга мурожаат қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 154-моддаси асосида мазкур турдаги даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этишнинг ҳуқуқий жиҳатдан имкони яратилмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддаси биринчи қисмига кўра, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 1-моддасига кўра, иқтисодий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик Иқтисодий процессуал кодекс ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатлиги, мазкур Кодекснинг 2-модда 1-3-хатбошиларига кўра эса иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кўмаклашиш иқтисодий суд ишларини юритишнинг вазифалари этиб белгиланган.

Хусусий мулкка оид дахлсизлик ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишни кафолатлайдиган қонунчилик ҳужжатларидан судда фойдаланиш имконияти суд ишларини юритиш вазифаларининг тўлиқ таъминланишига ва мулкдорларнинг судга бўлган ишончини, ҳимояланишга бўлган конституциявий ҳуқуқини ҳамда хусусий мулк дахлсизлиги тамойили кафолатланишига юксакроқ ҳуқуқий замин яратади.

Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 154-моддасидаги даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш асосларига қўшимча равишда “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда” тарзда қўшимча ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳаёт РИЗАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 120-моддаси.**



ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ҲАЙЪАТДА ВА ЯККА ТАРТИБДА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Жиноят ишларини судда кўриб чиқиш ўзига хос хусусиятлар ва мураккабликларга эга бўлиб, унинг муҳокамаси жараёнида процессуал қонунчиликка қатъий амал қилиниши шарт. Жиноят ишларини юритишнинг белгиланган тартиби, хусусан барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурийдир. Бунда, аввало судья кўриб чиқилаётган ҳар қандай жиноят ишини ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона текширишни, қолаверса ўша жиноятнинг содир этилишига имкон яратувчи шароит ва сабабларни ҳам аниқлашни эътиборга олиши лозим.

Ҳар бир жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш пайтида айбланувчига нисбатан адолатли суд ҳужжати-ни чиқариши учун ўзи кўриб чиқаётган суд иши жиноят ишлари бўйича судларнинг судловига таллуқлими, йўқми, ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун барча асослар борми, энг асосийси суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ЖПК талабларига қатъий риоя қилинганми, айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми, жиноят оқибатида етказилган мулкый зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилганми, айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ тузилганми, шунингдек дастлабки эшитув ўтказиш учун асослар борми каби саволларга тўлиқ жавоб топган бўлиши лозим. Шундагина судья, ўша жиноят иши бўйича қонуний, ҳолисона, ўз вақтида ва тўғри ҳал қилинишини таъминлашга асосли бўлади.

Мамлакатимизда жиноят ишларини судда кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 13-моддасига асосан, жиноят ишлари ҳайъатда кўриб чиқилади. Лекин, Жиноят кодексининг 15-моддасига кўра, “ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар”, шу билан бирга “оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар” эса, судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Агар судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилаётган жиноят иши бўйича суд муҳокамаси вақтида ўта оғир жиноятларга қасддан қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар содир этилиб, жиноятлар содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ишнинг кўрилиши уни якка тартибда кўриб чиқишни бошлаган судья томонидан давом эттирилади.

Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси киради.

Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эгадирлар. Шу ўринда жиддий бир мулоҳаза бор. Яъни, бугунги кунда суд амалиётида суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни ҳал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи билан тенг ҳуқуққа эга бўлган халқ маслаҳатчиларининг иштироки ва улар фаолиятининг самарадорлиги қай даражада?! Минг афсуски, халқ маслаҳатчиларининг ўрни ва роли, аҳамияти талаб даражасида эмас. Одатда уларнинг иштироки қонун ҳужжатларида белгиланган расмийлик учунгина таъминланади. Халқ маслаҳатчилари институтини такомиллаштириш вақти келди, деб биламан.

Тегишли суд ҳайъатларида апелляция, кассация ва тафтиш тартиби-да ишларни кўриш уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Олий суднинг ҳукмлари устидан апелляция, кассация ёки тафтиш тартибда берилган шикоятлар (протестлар) Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Олий суднинг Раёсатида — Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда кўрилади. Ушбу қоида 2024 йил 1 январдан кучга киради.

Шундай қилиб оғир жиноятлар биринчи инстанция бўйича битта профессионал судья томонидан, яъни якка тартибда кўрилади. Халқ маслаҳатчилари фақат ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга жалб этилади.

Маълумот учун биринчи инстанция суди – ҳар доим ҳам жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди бўлавермайди. ЖПКнинг 389-моддасига мувофиқ бир қатор жиноятлар таркиблари бўйича Қорақалпоғистон жиноят ишлари суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ҳатто Олий суд ана шундай суд бўлиши мумкин. Бунда Олий суд биринчи инстанция бўйича жиноят ишларини доим 3 нафар судья таркибда кўриб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят ишларини ҳайъат ва якка тартибда кўриб чиқиш жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга қатъий амал қилиш одил судловни самарали амалга оширишга омил бўлади.

Хуршид УМАРОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ХУҚУҚЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Янги таҳрирдаги конституциямизда халқимизнинг хоҳиш-истаклари акс этган, деб айтсак муболага бўлмайди, чунки бош қомусимизда барча ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал қилиниши белгилаб қўйилди.

Бу ўзгаришларни одил судлов тизимида кўрадиган бўлсак, янги таҳрирдаги конституциямизнинг 31-моддасида ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиши, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга эканлиги, ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши, шу билан бирга ҳеч ким уй-жойга киришга, шунингдек ундан олиб қўйишни ва кўздан кечиришни ўтказишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилиши, уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгиланди ва 2023 йил 23 июнь куни Олий суд Пленумининг “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарори қабул қилинди, ушбу Пленум қарорига асосан судлар Конституция нормасини тегишли қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмаганлиги важи билан қўллашни рад этишга йўл қўймаслиги, кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши

ва Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаб, суд органининг халқ олдидаги қонун ва адолат устуворлигини таъминлаши мажбурий шарти эканлиги белгиланди.

Шунингдек, ушбу мажбуриятни холис ва қонуний бажаришда Конституциямизнинг 136-моддаси билан судьялар мустақиллиги, фақат Конституция ва қонунга бўйсунушлари, судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашига йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланиб, ушбу конституцион норма “Судлар тўғрисида”ги 2021 йил 28 июль кунги 703-сонли қонуннинг 9-моддасида ҳам акс эттирилиб, судьялар мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши қатъиян белгиланган.

Шу сабабли судларда ишлар конституцион қатъий талабларга асосан бош қомусимизнинг 137-моддаси, яъни ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилиши, ишларини ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилиши талабларидан келиб чиқиб суд ишларини суд мажлисида кўриб чиқилиши шаффофлигини таъминлаб жазо чорасининг тарбиявий аҳамиятини намойён қила олиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 июнь кунги одил судлов, коррупция, хусусий мулк ҳимояси тўғрисидаги видеоселектор йиғилишида Инсон қадр-қиммати — энг олий қадрият эканлиги, қонундаги барча шубҳа ва ноаниқликлар фақат инсон фойдасига ҳал қилиниши бунинг учун Олий Мажлисидаги махсус қўмиталар ҳар бир ҳудуднинг одил судлов ва коррупция масалаларига оид рейтинг юритилишига бош-қош бўлиб, ҳар ярим йилда натижалари бўйича парламент эшитувлари олиб борилиши белгиланганлиги ҳам суд органларининг, ҳам қонунларни қўллашда халқ ва конституция олдида маъсул эканлигини ва бу суд ишлари юритилишининг шаффофлигини таъминлайди.

Бир сўз билан айтганда Конституциямиз фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда халқ хоҳиш иродаси бўлди, деб айтсак муболага бўлмайди.

Шерали СЕЙТИРЗАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Конституцияда нима ҳимоя қилинишига қараб, мазкур давлатнинг қандай давлат эканлигини билиб олиш мумкин. Қаердаки, худди Ўрта асрлар Франциясидегидек — давлат бу менман дейилса, у ерда Конституция йўқ, бўлишиям мумкин эмас.

МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ ХУҚУҚИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Аввало мавзунинг назарий қисмига тўхталадиган бўлсак, малакали юридик ёрдамга бўлган ҳуқуқ Конституциямизнинг 29-моддасида қайд этилган:

Ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади.

Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи айбловнинг моҳияти ва асослари тўғрисида хабардор қилиниш, унга қарши ёки унинг фойдасига гувоҳлик бераётган шахсларнинг сўроқ қилинишини талаб этиш, таржимон ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Жиноят процессининг ҳар қандай босқичида адвокат ёрдамидан фойдаланиш деганда, адвокат томонидан терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, биринчи инстанция судида, ҳукми ижро этиш, апелляция ҳамда кассация тартибида ишларни кўриб чиқишда жиноий таъқибга олинган шахс ва жабрланувчи, гувоҳ ҳамда бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши тушунилади. Бундан ташқари, юқорида келтириб ўтилган конституциявий қоидага мувофиқ, ҳар қандай далил қонуний воситалар ёрдамида олинishi, акс ҳолда, бундай далиллар судда фойдаланилмаслиги белгиланиши орқали шахснинг суд ҳукми устидан апелляция ёки бошқа тартибда қайта кўриб чиқиш бўйича талаб қўйиш ҳуқуқи кафолатланган.

Албатта, бу ўринда кимлар давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиши мумкин?, – деган савол туғилади. Бу масалага “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги ЎРҚ-848-сонли қонундан ечим топишимиз мумкин.

Унга мувофиқ, қуйидаги жисмоний шахслар давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эгадирлар:

- кам таъминланган шахслар, агар улар:
- фуқаролик ишлари бўйича даъвогарлар ёки жавобгарлар;
- маъмурий ишлар бўйича аризачилар;
- маъмурий қамок тарзидаги маъмурий жазо назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахслар;
- жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, шунингдек маҳкумлар бўлса;
- руҳий ҳолати бузилган жисмоний шахслар, уларга психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда;

• ўз ҳуқуқлари бузилган, хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги бузилганлиги муносабати билан судга мурожаат қилган жисмоний шахслар;

• Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жиноят иши бўйича адвокат иштирок этиши шарт бўлган тақдирда, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун жисмоний шахслар экстерриториаллик тамойили асосида Адлия вазирлигига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

Адлия вазирлигининг давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қарори ёки адвокат тайинлаш тўғрисидаги суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими “Юридик ёрдам” ахборот тизимида рўйхатга олинганидан кейин “Юридик ёрдам” ахборот тизими давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлардан бирини автоматик равишда танлайди.

Агар “Юридик ёрдам” ахборот тизими орқали танланган адвокат ишда иштирок этишни рад этадиган бўлса, у рад этиш асосларини дарҳол “Юридик ёрдам” ахборот тизимига киритиши керак.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрига киритилган ҳимоячилар томонидан кўрсатилади.

Шунингдек, қонунга кўра, **давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари** қуйидагилардан иборат:

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар ўзларига юридик ёрдам кўрсатилиши чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этилишини талаб қилишга ва махсус ваколатли давлат органи ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

Ўз навбатида давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилганда жисмоний шахслар ҳаққоний ва тўлиқ ахборот тақдим этиши, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилишига таъсир этувчи ҳолатлар тўғрисида махсус ваколатли давлат органини ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Агарда ушбу фуқароларнинг давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш учун ёлғон ёки чалғитувчи маълумотлар тақдим этганлиги фактлари тасдиқланган тақдирда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қопланиши шарт.

Бундан ташқари, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Элдор АКБУТАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

СОЧЕТАЕМОСТЬ ИДЕНТИЧНЫХ МЕР ПРАВОВОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В УГОЛОВНОМ КОДЕКСЕ ОБ АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Укрепление экономики нашего государства, рост материального благосостояния граждан непосредственным образом связан с развитием автомобильной промышленности, увеличением автотранспорта. Поэтому вопросам обеспечения безопасности дорожного движения уделяется особое внимание. Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев на селекторном совещании от 20 октября 2023 года, в очередной раз обратив внимание ответственных лиц на необходимость принятия соответствующих мер по этим вопросам, указал, что только за последнее время в результате автопроисшествий на дорогах погибли 4200 человек, в основном молодёжь.

Одним из методов обеспечения безопасности дорожного движения является неукоснительное соблюдение принципа неотвратимости ответственности за совершение преступлений и правонарушений, связанных с нарушением Правил дорожного движения.

В соответствие со ст. 20 Конституции Республики Узбекистан меры правового воздействия на человека, применяемые государственными органами, должны основываться на принципе соразмерности и быть достаточными для достижения целей, предусмотренных законом.

Действующим законодательством за нарушение правил безопасности движения или эксплуатацию транспортных средств ответственность установлена, в зависимости от тяжести наступивших общественно – опасных последствий, соответствующими статьями Уголовного кодекса и Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан.

Наиболее часто применяемой мерой правового воздействия за нарушение правил безопасности движения или эксплуатацию транспортных средств являются предусмотренные ст. 45 Уголовного Кодекса наказание в виде лишения определённого права и ст. 28 Кодекса Республики Узбекистан административное взыскание в виде лишения специального права.

Анализ указанных мер правового воздействия за совершение идентичных правонарушений, предусмотренных различными правовыми актами, показывает наличие в них общих признаков и свойств, хотя и имеются определённые различия.

Так, согласно ст. 45 Уголовного кодекса наказания в виде лишения определённого права относится к смешанному типу наказания, т.е. может применяться как основное или дополнительное наказание, при этом и основное и дополнительное наказания по своему содержанию идентичны, отличие состоит лишь в сроках наказания и порядке его отбывания. В соответствие со ст. 24 Кодекса об административной ответственности административное взыскание в виде лишения специального права может применяться только как основное наказание.

Применение наказания в виде лишения определённого права и административного взыскания в виде лишения специального права в основном направлено на воспрепятствование продолжению противоправных действий и предупреждение совершения виновным новых правонарушений.

Административное взыскание в виде лишения специального права назначается на срок от пятнадцати суток до трёх лет. Уголовное наказание в виде лишения определённого права в качестве основного наказания назначается в пределах срока, установленного санкцией статьи Особенной части Уголовного кодекса, но не ниже одного года и не свыше пяти лет. В виде дополнительного наказания лишение определённого права может быть назначено судом независимо от того, указано ли оно в санкции статьи, на срок от одного года до трёх лет.

Лишение определённого права в виде основного наказания не взаимозаменяемо, т.е. закон не предусматривает замену его на другой, более строгий вид основного наказания при уклонении от отбывания наказания. Вместе с тем, являясь более строгим видом наказания по отношению к штрафу, оно может быть заменено судом на штраф на основании статьи 57 УК Республики Узбекистан. В порядке ст. 33 Кодекса об административной ответственности административное взыскание в виде лишения специального права может быть назначено ниже низшего предела, установленного санкцией статьи.

Лицо, осуждённое к лишению определённого права может быть досрочно освобождено от отбывания наказания на основании ст. 74 Уголовного кодекса (дополнительного наказания) или ст. 164 часть 4 Уголовно – исполнительного кодекса (основного наказания). Лицу, лишённому специального права, срок административного взыскания может быть сокращён в порядке ст. 343 Кодекса об административной ответственности.

Наказание в виде лишения определённого права не конкретизировано. Закон не устанавливает конкретную должность или конкретную деятельность, заниматься которой запрещено, относя это к компетенции суда. Статья 28 Кодекса об административной ответственности в качестве административного взыскания в виде лишения специального права конкретно указывает лишения права управления транспортными средствами.

Наличие общих признаков указанных мер правового воздействия может создать определённые сложности при решении вопросов, связанных с исполнением административного взыскания и уголовного наказания. Так, законом не предусмотрен порядок назначения окончательного наказания лицу, осуждённому к наказанию в виде лишения права управления транспортным средством при наличии неотбытого административного взыскания в виде лишения права управления транспортным средством. Очевидно, что при таких обстоятельствах административное взыскание, назначенное за совершение административного правонарушения, может остаться неисполненным.

Вместе с тем, ст. 138 Конституции Республики Узбекистан устанавливает, что акты судебной власти обязательны для всех государственных органов и других организаций, должностных лиц и граждан.

Постановление суда по делу об административном правонарушении является судебным актом и в соответствии со ст. 138 Конституции Республики Узбекистан подлежит обязательному исполнению. В связи с этим полагаем, что необходимо внести соответствующие изменения в законодательные акты, устанавливающие порядок сочетаемости идентичных мер правового воздействия, предусмотренных Уголовным кодексом и Кодексом об административной ответственности.

Мухаматали Назаров,

*Заведующий кафедрой уголовно – правовых дисциплин
Высшей школы судей, доктор философии
по юридическим наукам.*

УЧАСТИЕ ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА В ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССАХ

Становление в Узбекистане правового государства с сильным гражданским обществом является важнейшим фактором роста общественной и политической активности женщин. Закрепленное равноправие женщин и мужчин в Конституции страны является прочной правовой основой этого процесса. В стране на уровне государственной политики законодательно закреплены механизмы обеспечения и защиты прав женщин, в том числе политических.

С целью обеспечения гендерного равенства принят ряд законодательных актов. В их числе принятые в 2019 г. законы «О защите женщин от притеснения и насилия» и «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин». Известно, что демократизация общественного развития невозможна без полноценного участия женщин в политической жизни. Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев 22 февраля 2021 г. на 46-й сессии Совета по правам человека ООН среди обозначенных приоритетов демократических преобразований в Узбекистане и работы страны в рамках Совета по правам человека ООН отметил: «В вопросах гендерной политики мы намерены кардинально повысить роль женщин в общественной, политической и деловой жизни страны». Женщины являются участниками процесса формирования новых политических взаимоотношений и новой политической культуры. В данном процессе становления особое внимание уделяется обеспечению и защите политических прав и свобод женщин. Поэтому, в процессе развития и расширения женского движения становится актуальным рассмотрение вопроса претворения в жизнь политических прав женщин.

Узбекистан один из первых в Центральной Азии ратифицировал Конвенцию ООН «О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин», присоединился к Конвенциям Международной организации труда «Об охране материнства», «О дискриминации в области труда и занятости» и взял на себя обязательства по проведению политики недискриминации в отношении женщин. Соответственно было укреплено и национальное законодательство, устанавливающее юридическую защиту прав женщин и повышение ее статуса в обществе.

Кабинетом министров Республики Узбекистан принято постановление «О мерах по реализации национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года». В рамках реализации Пятой цели Устойчивого развития Узбекистан разработал девять задач, направленных на «Обеспечение гендерного равенства и расширение прав и возможностей всех женщин и девочек». В стране приняты гендерно-ориентированные законы, более 20 указов и постановлений президента и правительства, регулирующих защиту прав и свобод женщин. Это позволяет прекрасной половине человечества работать эффективней. Как результат, их роль в развитии общества активизируется, и вопросы занятости женщин поэтапно решаются. Об этом свидетельствуют факты - доля занятости женщин в различных отраслях экономики составляет около 41,3% процента, в том числе в промышленности, в сельском хозяйстве - 44,4 процента. В образовании, культуре и науке этот показатель превалирует над долей занятости мужчин в данных сферах - 72,9 процента, а в здравоохранении составляет 75,3. При этом среди женщин восемь академиков, около 500 докторов наук, более 3000 кандидатов наук, более 271 женщин имеют ученую степень доктора наук (DSc), около 1500 женщин - ученую степень доктора философии (PhD).

В стране приняты законы «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин», «О защите женщин от притеснения и насилия», «Об охране репродуктивного здоровья граждан». Введена обязательная гендерно-правовая экспертиза законодательных актов. По непосредственной инициативе главы государства по вопросам поддержки женщин принято свыше 30 Указов и постановлений, а также постановления правительства. В марте этого года подписаны Указы главы государства «О мерах по совершенствованию системы работы с

семьями и женщинами, поддержки махалли и старшего поколения» и «О мерах по дальнейшему ускорению работы по системной поддержке семьи и женщин», постановление Президента «Об организации деятельности Государственного комитета семьи и женщин».

Эти нормативно-правовые акты имеют особое значение в следующих положительных аспектах:

- создан новый государственный орган, специализирующийся на профессиональной работе с семьями и женщинами - Государственный комитет семьи и женщин;

- определены основные направления единой государственной политики в сфере поддержки женщин, защиты их прав и законных интересов;

- создан новый механизм работы с женщинами - практика целенаправленной и адресной работы с женщинами в махаллях;

- введены новые правовые механизмы в целях обеспечения прав женщин и защиты их от притеснения и насилия - контроль прокуратуры за исполнением законодательства в этой сфере;

- введен новый пакет гарантий и льгот государства для получения женщинами образования, для занятий научной и творческой деятельностью;

- усовершенствованы действующие механизмы, предусматривающие поддержку предпринимательской деятельности женщин, содействие им в обеспечении достойной жизни.

Указом Президента «О мерах по дальнейшему ускорению работы по системной поддержке семьи и женщин» от 7 марта 2022-го утверждены Национальная программа по повышению активности женщин во всех сферах экономической, политической и социальной жизни страны на 2022-2026 годы, а также План комплексных мер, направленный на ее реализацию в 2022-2023 годах. Известно, что политическая активность женщин в мировом опыте определяется их долей в представительных органах. В Узбекистане статистические показатели в этом направлении превышают квоту, установленную ООН. Впервые в истории Узбекистана количество женщин в национальном парламенте достигло уровня, соответствующего рекомендациям ООН. Парламент нашей страны по количеству женщин поднялся на 37-е место среди 190 национальных парламентов мира. Наглядным подтверждением нашего мнения является тот факт, что 33 процента депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса составляют женщины. Доля женщин в мировых парламентах составляет всего 26,5 процента. В то время, когда мировые эксперты обеспокоены сокращением числа женщин во власти, Узбекистан стремится к достижению качественных показателей в этой сфере. В заключении отметим, что несмотря на желание Узбекистана сохранить свои традиции, уход от определенных стереотипов необходим. Например, если Всеобщая декларация прав человека устанавливает равноправное участие женщин в политических и избирательных процессах, основанное на принципах недискриминации и равного осуществления политических прав, то Конвенция о политических правах женщин и ряд других региональных конвенций закрепляют, что осуществление таких прав должно быть обеспечено без разделения по признаку пола.

Дурдона АБСАЛОМОВА,

Магистрантка первого курса РГПУ им.А.И.Герцена.

ПРИМЕНЕНИЕ ИНСТИТУТА ОБЕСПЕЧИТЕЛЬНЫХ МЕР ЗАРУБЕЖНЫМИ ГОСУДАРСТВАМИ

АННОТАЦИЯ:

в настоящей статье рассматривается природа обеспечительных мер в зарубежных государствах, а также раскрывается применение таких мер в соответствии с законодательством. Приводится сравнение обеспечительных мер в рассматриваемых государствах, также анализируются общие признаки исследуемого института.

Ключевые слова: *обеспечительные меры, иностранные обеспечительные меры, критерий юрисдикции, взаимодействие судебных процессов, виды обеспечительных мер*

Особенности юридической природы обеспечительных мер наиболее полно и всесторонне возможно исследовать, используя компаративистский метод. В этой связи представляется целесообразным обратиться к анализу правового регулирования этого института в законодательстве зарубежных государств.

Необходимо рассмотреть вопрос о том, какова практика применения обеспечительных мер в правовых системах ведущих западных государств. С теоретической и практической точек зрения при исследовании представляется важным уделить особое внимание отдельным видам обеспечительных мер и механизму их реализации, также исполнению судебных актов в иностранных государствах при взаимодействии судебных процессов.

Несомненно, следует обратиться к практике английского права, где обеспечительные меры, сохраняет деление таких мер на судебные запреты, аресты, приказы.

Наиболее эффективным и часто используемым средством такого рода является судебный запрет Марева (Mareva Injunction), впервые примененный в 1975 году в деле Mareva Compania Naviera SA v. International Bulkcarriers SA.

В данном деле истец-владелец судна "Марева", сдал судно ответчику в наём по чартеру. Платежи должны были вноситься частями в рас-срочку, однако, ответчик отказался выполнить третий платеж и объявил об аннулировании ранее заключенного контракта. Долг по контракту с о-ставлял 31 тысячу долларов США. Кредитор, зная, что у ответчика в одном из лондонских банков открыт счет и опасаясь, что последний попы-тается перевести деньги с этого счета. Обратился в суд с ходатайством ограничить должника в распоряжении средствами счета в целях обеспе-чения будущего решения по делу. Суд удовлетворил просьбу кредитора.

Практически все страны содружества бывшей Британской империи имплементировали запрет Марева.

Разгласительные приказы disclosure orders - это один тип судебных запретов. Запрет Марева, который по сути является приказом об аресте или депонировании имущества, имеет юридическую силу, в случае если кредитор имеет информацию о составе активов должника и знает, где оно находится. Таким образом, эти факты редко известны кредитору, поэтому английские суды создали действенную обеспечитель-

ную меру, вынуждающую должника раскрывать кредитору состав своей собственности. Это происходит посредством письменных показаний в суде, в то время как кредитор может задавать ответчику вопросы.

Другой вид запрета - это приказ о репатриации repatriation orders. В соответствии с этим положением английские суды могут потребовать от должника репатриировать в Англию собственность, которую он имеет за границей.

Еще один известный судебный запрет в английском праве - это приказ Anton Filler. Он был впервые применен в деле Anton Filler K,G. v. Manufacturing Process Ltd. - немецкой компании, опасаящейся, что ее английский партнер раскроет конкурентам технические детали новой линейки компьютерных моделей. Так, Manufacturing Process Ltd подала в суд ex parte для получения приказа, разрешающего юристу компании входить в помещения английского партнера компании, осматривать их и, при необходимости, изымать соответствующую документацию, посредством чего возможно доказать в судебном порядке нарушение авторских прав.

Так, указанный приказ обязывает должника разрешить доступ в свои помещения и здания. Данные действия позволяют представителям заявителя искать документы, вещественные доказательства, информацию и иные материалы в любой форме, накладывать на них арест и конфисковывать их при необходимости. Приказ Anton Filler в основном применяется в случаях нарушения прав интеллектуальной собственности или фальсификации документов.

Таким образом, в английском праве, в основном из-за прецедента, введена довольно подробная система мер, которая также характеризуется своей специализацией в зависимости от того или иного вида правоотношений, лежащих в основе требований кредитора.

Две формы обеспечительных мер существуют в США - это арест имущественной массы или лиц и судебный запрет. Касательно правового регулирования обеспечительных мер в США, то оно осуществляется как нормами федерального закона, так и законами штата, которые имеют определенные различия. Таким образом, на три категории делятся законы штата, касающийся обеспечительных мер: 1) законодательство штатов, нормы которых конкретно устанавливают запреты для предотвращения отчуждения собственности стороной, против которой вынесены обеспечительные меры; 2) законы

штаты, которых в целом устанавливаются запреты с целью пресечь действия и намерения должника от воспрепятствования исполнению судебного решения, которое только может быть только вынесено в будущем; 3) штаты, законодательство которых, этот вопрос возложили на усмотрение прецедентного права.

На федеральном уровне законодательство в области обеспечительных мер закреплено Разделом 8 Правил гражданской процедуры Федерального окружного суда США. Между тем, обеспечительные меры не могут быть наложены пока истец не предоставит гарантии, об оплате возможно будущих судебных издержек и убытков, принесенных любой стороной. Суд может, помимо определения (приказа) на арест, запретить ответчику перемещать за пределы юрисдикции суда предмет спора.

Американское законодательство предусматривает возможность вынесения обеспечительных мер в виде наложения ареста на имущество *attachment orders* как предварительную меру, в качестве гарантии исполнения будущего судебного решения. Для принятия такого обеспечения достаточным основанием будет являться возможная вероятность растраты и повреждения, а также сокрытия свое имущество до вынесения решения по существу спора. Это говорит о том, что в американском праве остается классический подход к основаниям для применения обеспечительных мер. Порядок выдачи ордеров на арест напрямую регулируется процессуальным законодательством отдельных штатов. На основании положения 64 Федеральных правил гражданского федерального суд вправе применить приказ об обеспечении, в случае если закон штата, в котором находится суд, предусматривает такую меру.

В силу своего правового характера такие обеспечительные меры являются мерами *in rem*, поскольку они направлены против собственности. Поэтому иностранный статус стороны для суда не имеет значения, имеет необходимость чтобы имущество находилось в юрисдикции суда.

Процессуальные особенности применения американских обеспечительных мер в виде наложения ареста, по мнению исследователей должны соблюдать должны соблюдать принцип надлежащего процесса во всех случаях. В свою очередь, данное не означает, что обеспечение в виде ареста не может быть применено *ex parte* т.е. в отсутствие второй стороны. Законы штатов предусматривают такую возможность для гарантии секретности и максимально быстрого применения мер в отношении должника. Однако, права должника также должны быть защищены и поэтому после применения ареста в отношении его имущества, должник должен быть немедленно вызван в суд, чтобы имеющаяся у суда информация была оценена неоднобоко. Такая позиция был подтверждена решением Верховного суда США по делу *Mitchell v. W.T. Grant & Co.*

Традиционный подход англо-американского права относительно юрисдикции об обеспечительных мерах в США, основан на том факте, что суд, рассматриваю-

